


**БОЕУР БОБОМУРОД**

# *Чар бахори*

*Шеърлар*



**„O'QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УИИ  
ТОШКЕНТ — 2004**

Бобур Бобомурод мустақиллик даври узбек шеъриятининг фаол ва истеъодли шоирларидан бири. Унинг бир неча шеърий тўпламлари чоп этилиб, кўплаб шеърлари севимли хонандаларимиз томонидан кўшиқ қилиб, куйлаб келинмоқда.

Бобурнинг шеърларидаги қадрлашга лойиқ хусусиятлардан яна бири — танланган мавзуларнинг ҳаётийлиги, оддий шеърхонга, тингловчига манзурлиги. У инсоннинг дили нимани истаса, шуни ёзишга ҳаракат қиласди.

Бобурнинг шеърлари одамлар орасидаги меҳр-муҳаббатнинг, юксак инсоний фазилатларнинг қадрига етишга, диёнатни ва эзгуликни унутмасликка даъват этади.

Шоир Бобур Бобомуроднинг қўлингиздаги „Умр баҳори“ тўпламига унинг кейинги йилларда ёзган шеърлари жамланган. Уларда, айниқса, Ватан ва мустақиллик мавзуси алоҳида ёритилган.

Б 4306010200 – 178 Буюртма вар. – 2004  
353(04) – 2004

ISBN 5–645–04292–1

© „O'qituvchi“ НМИУ, 2004

## Юрагимнинг тубларида қолган Ватан бу



*Ай оғалар, балки ҳали ёшман, гураман,  
Лекин фақат „юрт“ деганга элман, жўраман.  
Ким бўлсан ҳам, ўз еримда бекман, тўраман —  
Шажаралининг тупларида қолган Ватан бу!..*

## ЭЙ ВАТАН

Эй Ватан, юракдаги —  
Бир муқаддас ноласан.  
Ойгулмас эртакдаги,  
Оддий майса, лоласан.

Мен-ла туғилиб бирга,  
Сирдош юрган боласан.  
Жонимни она-Ерга —  
Улаб турган толасан.

Мехри иссиқ күчогинг,  
Нур ичади тупрогинг.  
Гўзалдир ҳар япрогинг —  
Дилга туйғу соласан.

Фуурни айлаб бино,  
Деймиз: Жонимиз фидо...  
Онамиздек сен аммо —  
Дардимизни оласан.

Бағрингда юриб шаҳдам,  
Нафимиз тегмаса ҳам.  
Бизлар учун чекиб ғам —  
Яна ўйга толасан.

Номинг қўшиқ этамиз,  
Қадрингга ҳам етамиз.  
Бизлар ўтиб кетамиз —  
Ўзинг мангуколасан!..

\* \* \*

Савол бердим ёмғирга:  
„Тупроғим хушми сенга?“  
Деди: „Шу соғ багирга —  
Сингиб кетмоқ баҳт менга“.

Сўраб кўрдим лочиндан —  
„Сеёдинг осмоним нечун?“  
Деди: „Бу осмон чиндан —  
Озод парвозлар учун“.

„Шамол, — дедим, — йўл юрдинг,  
Юртимдек жой қайда бор?“  
Деди: „Шубҳасиз, юртинг —  
Танҳо эрур, бетакрор“.

„Кўнглим, — дедим, — ай, кўнглим,  
Кулдинг гулдек чаманда?“  
Деди: „Кучоги сўлим —  
Униб-ўсдим Ватанда!..“

## ХУДО БЕРГАН ЎЗБЕККА

Боболаринг ким деса,  
Момоларинг ким деса,  
Кўҳна дунё жим келса —  
Худо берган ўзбекка.

Тўмарису Широқни,  
Бобур чеккан фироқни,  
Мозийдан нур — чироқни —  
Худо берган ўзбекка.

Улуғбекнинг кўзини,  
Навоийнинг сўзини,  
Шоҳ Темурнинг ўзини —  
Худо берган ўзбекка.

Жалолиддин — мардини,  
Яссавий покгардини,  
Машраб нола — дардини —  
Худо берган ўзбекка.

Ал-Хоразмий зиёсин,  
Ал-Беруний дунёсин,  
Шайх Нажмиддин Кубросин —  
Худо берган ўзбекка.

Бухорий „китобдор“ни,  
Нақшбанд — „дил ба ёр“ни,  
Валий Хўжа Аҳрорни —  
Худо берган ўзбекка.

Самарқандий ҳикматин,  
Марғиноний ибратин,  
Замахшарий фикратин —  
Худо берган ўзбекка.

Фурқатнинг фурқатини,  
Муқимий узлатини,  
Одамлик хизматини —  
Худо берган ўзбекка.

Нодирайи давронни,  
Фитрат, Чўлпон, Усмонни,  
Қодирийдек армонни —  
Худо берган ўзбекка.

Ойбек — тили суюкни,  
Қаҳдор — дили куюкни,  
Яна қанча буюкни —  
Худо берган ўзбекка.

Боболаринг ким деса,  
Момоларинг ким деса.  
Кўҳна дунё жим келса —  
Худо берган ўзбекка!

## ВАТАН БУ

Момолари, боболари, ўғил-қизлари,  
Меникига ўхшаб кетар қошу кўзлари.  
Бешигимнинг чизилдилар шунда излари —  
Юрагимнинг тубларида қолган Ватан бу.

Улкан халқ бу, бир тупроқда уруг-аймоқдай,  
Минг йилларким яшаб келар, жони ўймоқдай.  
Тақдири гоҳ тўзғиб кетган момоқаймоқдай —  
Гиёҳларнинг чўпларида қолган Ватан бу.

Ул ҳам бизни фарзандим дер, дардлари ўлиб,  
Бир кўз билан боқар бизга, меҳрга тўлиб.  
Атрофидা тизилишдик мижгондай бўлиб —  
Киприкларнинг тўпларида қолган Ватан бу.

Бир элки бу — ғайратидан қуёш ҳам шошган,  
Кумни титса тилла топган, шуҳрати ошган.  
Таёқ сукса ҳосил олган, ризқ-рўзи тошган —  
Деҳқонларнинг „хўп“ларида қолган Ватан бу.

Қизларидан ортиқроқ йўқ, жонон сўрасанг,  
Йигитларин қадами чўғ, имкон сўрасанг.  
Кўзга сургиб тупроғин ўп, иймон сўрасанг —  
Яхшиларнинг хўбларида қолган Ватан бу.

Ай оғалар, балки ҳали ёшман, ғўраман,  
Лекин фақат „юрт“ деганга элман, жўраман.  
Ким бўлсам ҳам, ўз еримда бекман, тўраман —  
Шажарамнинг тупларида қолган Ватан бу!..

## **ВАТАН НАДИР**

Сўрадилар: Ватан надир?  
Ватан — номус, Ватан — қадр.  
Болалигинг чопган адир,  
Нон узилган иссиқ тандир.

Қор остида кулган чечак,  
Баҳордаги лола — Ватан.  
Оқ либосли ой келинчак,  
Бешикдаги бола — Ватан.

Ғурбатда бек бўлган билан,  
Еариб дилнинг ғами улкан.  
Ўз юртингда, майли, тикан —  
Товонингни тилсин экан.

Кўксинг бунда осмон эрур,  
Кўнглинг эса бўстон эрур.  
„Ватан“ сўзин чин таърифи —  
Бобонг айтган достон эрур.

Элат кўпдир, дона — Ватан,  
Барчамизга она — Ватан,  
Сўнг манзилга кетар пайтда —  
Керак бўлар яна Ватан.

Ватан надир? Ватан надир?  
Ватан — бешик, Ватан — қабр.  
Она каби чекиб жабр,  
Ота каби этар сабр...

## ВАТАН СОФИНЧИ

Шу кунларда соғинибман диёримни,  
Кўмсаб-қумсаб талпинади жон ила тан.  
Ёди берар юрагимга мадоримни,  
Чин кўнгилдан дейман: Ватан, Ватан, Ватан... .

Гарчи омад кўлларини тутар менга,  
Бир бурда нон, бир қултум сув етар менга.  
Ёт юртларда Ватан қадри ўтар менга —  
Кўмсаб-қўмсаб талпинади жон ила тан.

Гарчи унда уйим балки коза\* эди,  
Лекин бағрим бутун, кўнглим тоза эди.  
Дилим кўшқда ғариб ҳолин ёзар энди...  
Ёди берар юрагимга мадоримни.

Ўзимга гоҳ келиб-кетиб юргандайман,  
Субҳи содиқ саждага бош ургандайман.  
Илҳақ бўлиб ўлимолди тургандайман —  
Чин кўнгилдан дейман: Ватан, Ватан, Ватан!..

Шу кунларда соғинибман диёримни...

---

\* Коза — чайла.

\* \* \*

Бухоро амири Сайд Олимхон,  
Умрининг сўнгида яшаб Афғонда.  
Бандаликни сезиб, ҳали бермай жон,  
Бир утинчни айтмиш минг бир армонда:

„Бор экан Ватанинг ҳажри қисматда,  
Шоҳ бўлсам-да, тушдим ғариб кўйига.  
Ҳафтанинг бир куни, маълум соатда —  
Олиб чиқинг мени Аму бўйига...“

Шамол шимол томон елар одатда,  
„Афғон шамоли“ деб ном олиб қадим.  
Амир билиб айтган ўшал фурсатда —  
Бухоро томондан эсаркан насим.

Туғилган тупроғин ҳидига тўймай,  
Кўзидан шашқатор қўйилиб жола.  
Юрт соғинчин бир дам хаёлдан қўймай,  
„Бухоро!..“ деб амир чекаркан нола...

Кўҳна тарих берган сабоқлар чукур,  
Боболар тақдири асли эрур дарс.  
Биз Ватанда, Ватан биздадир, шукур,  
Уни асрраб, қадрин билмоқ бизга фарз.

## **ВАТАНИНГНИ АСРАБ ҚОЛ**

Соғ бўлсанг — шукр қилгин,  
Дард жонга ўтмай туриб.  
Тирикни Хизр билгин —  
Жудолик етмай туриб.

Саноқли ҳатто ёмғир,  
Унга ким зор, ким безор.  
Умрингни айла қадр —  
Паймонанг битмай туриб.

Ниҳол агар ҳали хўл —  
Ҳар ёққа эгса бўлар.  
Фарзандингга огоҳ бўл —  
Уволи тутмай туриб.

Ҳаққа боғлаб кўнглингни,  
Ниятингни тоза тут.  
Меҳнатта бер қўлингни —  
Фойиб баҳт кутмай туриб.

Томчига ўхшар дунё,  
Киприк қоқсанг — тўкилгай.  
Тинчликни бил тўтиё —  
Ороминг йитмай туриб.

Шоҳу гадоли улус,  
Рози юрмоқ — саодат.  
Иймон истасанг эл туз,  
Надомат ютмай туриб.

Атрофингга назар сол,  
Остонангни авайла.  
Ватанингни асраб қол —  
Унга ўт кетмай туриб!..

\* \* \*

Бир қўлингда „Куръон“, битта қўлинг қон,  
Дастингдан эл нотинч, юрт файзи вайрон.  
Касрингдан кимларда дарз кетди иймон —  
Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!

Саждага бош уриб, қуллуғинг надир,  
„Амри маъруф“, „даъват“ — силлиғинг надир.  
Портлатиб, ўт қўйиб — қилиғинг надир,  
Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!

Таниганинг шуми савоб-гуноҳни,  
Ватанингга қарши қазийсан чоҳни.  
Тилагинг — тожу тахт, тинч қўй Оллоҳни...  
Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!

Не берардинг ҳақни уққан элга сен,  
Минг бир авлиёни туққан элга сен.  
Мўминлиги хурга юққан элга сен —  
Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!

Тузлуққа тупурған нобакор бўлма,  
Оқпадар, дарбадар, хору зор бўлма.  
Беватан, бекафан, бемозор бўлма —  
Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!

Ҳали ҳам кеч эмас — инсофни билгин,  
Сидқидил бош эгиб, тавбангни қилгин.  
Йўқса Ҳалқ лаънатин бўйнингга илгин —  
Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!

## **ТУМОРИНГТА АРЗИТ МЕНИ**

Ёзинг анис, кузинг мунис, қишинг тинчим,  
Ватан, сулув баҳорингга арзит мени.  
Киндик қоним ҳаққи Сендан зўр ўтинчим —  
Юмушингга, бир корингга арзит мени.

Хурлигингга мадад бўлар муштинг бўлай,  
Ниҳол бўлсам, чинорингга арзит мени.  
Сен юксалгин, мен-да битта ғиштинг бўлай,  
Остона ё минорингга арзит мени.

Ўзга юртдан бўйларингни топиб бўлмас,  
Гулузорим, ифорингга арзит мени.  
Тупроғингни шунчаки бир ўпиб бўлмас,  
Саждагоҳим. туморингга арзит мени.

Сен ҳайратим, пок хаёлим, соф севинчим,  
Мехрим Сенда — чин ёрингга арзит мени.  
Иймон ҳаққи, Ватан, Сендан зўр ўтинчим —  
Керак бўлса, бир дорингга арзит мени!..

## **МЕНГА АЗИЗ**

Жоним яйраб унган маскан менга азиз,  
Жонимда жон ушбу Ватан менга азиз.

Багридаги чўлу чаман менга азиз,  
Унда ҳатто хасу тикан менга азиз.

Боғларида гулу суман менга азиз,  
Тоғларига тушган туман менга азиз.

Тупроғида ҳар бир маъдан менга азиз,  
Кўмирдан то дурри Адан менга азиз.

Келажакдан умид улкан, менга азиз,  
Юртошларим бир жон, бир тан, менга азиз...

\* \* \*

Бу Ватанни кўтармоқ керак,  
Дардин дилдан ўткармоқ керак.  
Муродига еткармоқ керак,  
Бу Ватанни кўтармоқ керак.

Тарихи бор қадим, суронли,  
Гоҳи равнақ, гоҳи Қиронли.  
Мардлар даркор қалби бўронли —  
Бу Ватанни кўтармоқ керак.

Етиб дилда қилган додига,  
Оллоҳ олди уни ёдига.  
Элим минди ҳурлик отига —  
Бу Ватанни кўтармоқ керак.

Кўнглумизда ёнган чироқдир,  
Яшнааб турган яшил япроқдир.  
Улуғ зотлар ётган тупроқдир —  
Бу Ватанни кўтармоқ керак.

Маърифатда ривож чораси,  
Малҳам топсин дарду пораси.  
Кўзимизнинг оқу қораси —  
Бу Ватанни кўтармоқ керак.

Она умрин тилаган қаби,  
Ажинларин силаган қаби,  
Фарзандларнинг соғ бўлсин қалби —  
Бу Ватанни кўтармоқ керак...

Оқ булутга андоза —  
Алплар керак Ватанга.  
Иймон-инсофли, тоза —  
Қалблар керак Ватанга!..

## **ЎЗБЕГИМ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИ**

Гўзал юртнинг гўзал баҳор фаслидир,  
Алпомишу Барчинойлар наслидир.  
Отабегу Кумушларнинг аслидир —  
Ўзбекимнинг барно йигит-қизлари.

Жамолига гулларилар ошиқдир,  
Таърифлари булбул айтган қўшиқдир.  
Ой деса ой, кун деса кун лойиқдир —  
Ўзбекимнинг барно йигит-қизлари.

Боғлар яшнар қўл ушлашиб юришса,  
Шеъру байтдан ширин сұхбат қуришса.  
Бир-бирига қошу кўздек туришса —  
Ўзбекимнинг барно йигит-қизлари.

Илму ижод оламида бедорлар,  
Спорт, санъат осмонида шунқорлар.  
Юрт байробин баланд тутган илгорлар —  
Ўзбекимнинг барно йигит-қизлари.

Миллат боғин авайланган чечаги,  
Диёрининг бекларию малаги.  
Ўз элининг орзу-умид, истаги —  
Ўзбекимнинг барно йигит-қизлари.

Ватанимнинг доно йигит-қизлари...

## ПОЛВОНЛАР

Халқнинг танти эрлари,  
Асл марди майдонлар.  
Эр зотининг шерлари —  
Кураш тушар полвонлар.

Олқишиш айтар элу юрт,  
Қойил қолар ёронлар.  
Ҳар бири мисли бургут —  
Кураш тушар полвонлар.

Үғри чиқмас полвондан,  
Чиқмас номард, ёмонлар.  
Ҳазар қиласар ёлғондан —  
Кураш тушар полвонлар.

Номуси ер кўрмаган,  
Орияти — осмонлар.  
Чеккаларда юрмаган —  
Кураш тушар полвонлар.

Алпомишлар бор ҳали,  
Бор Рустами достонлар.  
Дилда ўт ошкор гали —  
Кураш тушар полвонлар.

Тўй-ҳашамлар тузар эл,  
Келиб дорилзамонлар.  
„Ё, пирим!“ деб боғлаб бел —  
Кураш тушар полвонлар.

Ҳилпирайди эрк туғи,  
Даврада чин ўғлонлар.  
Ошар Ватан довруғи —  
Кураш тушар полвонлар.

## ТОШКЕНТ

Кимга „нон“у, кимга „ош“ кентсан,  
Шаҳри азим, мудом ёш кентсан.  
Озод юртим ичра бош кентсан,  
Шаҳарларга сарвар Тошкентсан.

Баланд тому ҳавозанг сенинг,  
Дўстга очиқ дарвозанг сенинг.  
Дунё кетган овозанг сенинг,  
Шони осмон қадар Тошкентсан.

Таронадир жамолинг сехри,  
Афсонадир камолинг муҳри.  
Сайқал берар яхшилар меҳри,  
Шарқ тожида гавҳар Тошкентсан.

Кўргинг келар кўрганинг сайин,  
Юргинг келар юрганинг сайин.  
Бахтингни бут қурганинг тайин,  
Юракларда дилбар Тошкентсан!

## **СОФИНДИМ**

**Киндик қоним тўкилган —  
Тупроғимни соғиндим.  
Ниҳолимга кўк илган —  
Япроғимни соғиндим.**

**Мен бир қамиш-най бўлдим,  
Тақдир сузган май бўлдим.  
Тиз чўкмоқقا шай бўлдим —  
Булоғимни соғиндим.**

**Диёр қўмсаб дил ётмас,  
Хаёлисиз тонг отмас.  
Ботирганда нон ботмас —  
Қаймоғимни соғиндим.**

**Ҳар қадамда моҳпора,  
Гулу гулзор, фаввора.  
Кўнгил экан, на чора —  
Янтоғимни соғиндим.**

**Жайрон кўзлар, жодулар,  
Содда кўнглим „оҳ“ урап.  
Тушларимда оҳулар —  
Сўқмоғимни соғиндим.**

**Эркалигим сифишган —  
Ардоғимни соғиндим.  
Дўст-қадрдон, туфишган —  
Аймоғимни соғиндим...**

## БУХОРОНИ КЎРМАГАНЛАР

Кўрмоқ истаб кароматни,  
Тарих кўрган иморатни.  
Ният қилас зиёратни —  
Бухорони кўрмаганлар.

Чорлаб қадим миноралар,  
Эртакдаги манзаралар.  
Висолига оворалар —  
Бухорони кўрмаганлар.

Кезиб кўча-кўйларида,  
Лабиҳовуз бўйларида.  
Яшар ширин ўйларида —  
Бухорони кўрмаганлар.

Ўзи кулар, кўзи кулмас,  
Сабабини ўзи билмас.  
Ҳаётидан рози бўлмас —  
Бухорони кўрмаганлар.

Тилло топса — кўрмагандек,  
Дунё кўрса — юрмагандек.  
Давру даврон сурмагандек —  
Бухорони кўрмаганлар.

Үйқулардан қолиб юрар,  
Орзусида олиб юрар.  
Юрагига солиб юрар —  
Бухорони кўрмаганлар.

Кўнгил поклар камоли деб,  
Кулсин толе иқболи деб.  
Насиб этса жамоли деб —  
Бухорони кўрмаганлар.

Умр оқиб кетаётир,  
Вақт-соатин кутаётир.  
Армон билан ўтаётир —  
Бухорони кўрмаганлар...

## **ЮРТИМ**

Сен бир ўлка — Оллоҳ ўзи назар этган,  
Сен бир чаман — етти иқлим донғи кетган.  
Насибамиз Сенда экан — тақдир битган,  
Минг бор шукр қилгаймиз биз, она юртим,  
Қадрингни чин билгаймиз биз, ота юртим.

Мехринг дилда жўшиб оққан ларё Сенинг,  
Бўйларингни кўрмоқладир дунё Сенинг.  
Юкинг ерда қолмагайдир асло Сенинг,  
Норинг бўлиб ёнингдамиз, она юртим,  
Боринг бўлиб жонингдамиз, ота юртим.

Тупроғингни ҳидлаб-ҳидлаб тўймагаймиз,  
Ўзга элнинг остонасин ўймагаймиз.  
Ҳеч бир кунда Сени ташлаб қўймагаймиз,  
Берган тузинг оқлагаймиз, она юртим,  
Иймонни бут сақлагаймиз, ота юртим.

Ғаним алам ютаверар, эй ёронлар,  
Карвон эса ўтаверар, қадрдонлар.  
Ватан учун фидо эрур ширин жонлар,  
Дардинг бўлса — олгаймиз биз, она юртим,  
Сенга қалқон бўлгаймиз биз, ота юртим...

## Мұхаббатсиз қандай яшаш мүмкін



*Боққа умр, саҳрода булут,  
Зўрга ҳиммат, заифга қувват,  
Бойга виждан, қашшоққа умид,  
Фам бўлса ҳам менга муҳаббат —  
Бергин, худойим...*

## **ИШҚ**

**Келганману кетган эмасман,  
Севаману етган эмасман.**

**Адоману бахтим йўқ эмас,  
Гадоману тахтим йўқ эмас.**

**Истайману хоҳлаганим йўқ,  
Боғландиму боғлаганим йўқ.**

**Оҳ урдиму кулган эмасман,  
Жон бердиму ўлган эмасман...**

\* \* \*

**Фаним ғамим есинлар, Сенга бориб десинлар:  
„Эй, бехабар! Кўр энди, вафодоринг ўлди“, деб,  
„Сийнавайрон, хунбагир, дилафгоринг ўлди“, деб,  
„Булбули оташнаво, шайдо, зоринг ўлди“, деб,  
„То қиёмат умидвор талабгоринг ўлди“, деб...**

**Фаним ғамим есинлар, менга келиб десинлар:  
„Эй, бечора! Тур энди, меҳрибонинг келди“, деб,  
„Дуо бирла қабрингга соябонинг келди“, деб,  
„Сочларин ёйиб, зулфи паришонинг келди“, деб,  
„Жаннатига чорлабон гулистонинг келди“, деб...**

## **СИЗ ЎШАМИ**

„Сиз ўшами?!“

(А. Қодирий, „Ўткан кунлар“)

**Сиз ўшами — тушимда кўрган,  
Хаёлимни олган малагим.  
Сиз ўшами — Ой айтиб берган,  
Юрагимда қолган эртагим.**

**Сиз ўшами — лаблари фунча,  
Дудоғига болни чектирган.  
Сиз ўшами — кўзлари инжа,  
Нитоҳида мени чўқтирган.**

**Сиз ўшами — саси қўнғироқ,  
Товланиши руҳим уйғотган.  
Сиз ўшами — кўнглимга ўртоқ,  
Жонларимдан дардни йўқотган.**

**Сиз ўшами — қўлим етмаган,  
Армонимга айланган гўзал.  
Сиз ўшами — дилдан кетмаган,  
Умрим бўйи куйланган ғазал.**

**Сиз ўшами...**

## СИЗ

Сиз шунчалар яхши, шунчалар тоза —  
Кўкларгача етиб Сизнинг овоза,  
Фаришталар Сиздан олмиш андоза —  
Сиз шунчалар яхши, шунчалар тоза.

Гул ғунча туғиб, Сиз — қизча бўлолмас,  
Ой нури Сиз юрган изча бўлолмас.  
Қуёш ҳам покликда Сизча бўлолмас —  
Сиз шунчалар яхши, шунчалар тоза.

Мен кимман, бир ғариф — меҳр кўрмаган,  
„Эй инсон“ деб бирор ҳолин сўрмаган.  
Сиз бўлдингиз — мендан юзин бурмаган —  
Сиз шунчалар яхши, шунчалар тоза.

Мунис кўнглингиздан дунё сайларман,  
Кўзларимни илиб тумор бойларман.  
Ўлгунимча Сизни дуо айларман —  
Сиз щунчалар яхши, шунчалар тоза.

Сиз шунчалар яхши, шунчалар тоза,  
Жаннатгача етиб Сизнинг овоза,  
Хурлар Сиз — паридан олмиш андоза —  
Сиз шунчалар яхши, шунчалар тоза...

• • •

**Яратганга бориб айтаман Сени...  
(Иқбол Мирзо)**

**Ялиниб, ёлвориб Қодир худога,  
Тилаб олдим Сиз гўзал қизни.  
Гар шак келтирсангиз буюк хатога —  
Яратганга айтаман Сизни.**

**Тонг отди, кун ўтди, яна кеч кириб —  
Исмингизни қўйдим дилга ичириб.  
Билмасангиз сира мени кечириб —  
Яратганга айтаман Сизни.**

**Сочингиз таласин, майли, жонимни,  
Қошингиз синдирысин устихонимни.  
Кизғонсангиз шундай баҳтли онимни —  
Яратганга айтаман Сизни.**

**Кўл тегмаган гулсиз дил чорбогида,  
Умрим куйиб ўтар ишқ ҷарогида.  
Яхши дуо айлаб йўл адогида —  
Яратганга айтаман Сизни.**

**„Бу гўзал жонимга азоб қилди“, деб,  
„Севгимни билмади, ҳароб қилди“, деб,  
„Кўнглимни куйлатди — савоб қилди“, деб,  
Яратганга айтаман Сизни...**

## ЁРИ АЗИЗ

Бирга эдик найсонларда,  
Бирга бўлдик тўзонларда.  
Ёри азиз, бугун, не тонг —  
Бирга бўлсак хазонларда.

Муҳаббатнинг кўчалари,  
Кулф уриб дил ғунчалари.  
Чўзилмасми кечалари —  
Бирга бўлсак имконларда.

Сизда юрак, бизда юрак,  
Гоҳ оташ, гоҳ музда юрак.  
Тақдир деган кўзда юрак —  
Бирга бўлсак мижгонларда.

Ҳосид кўзни басир айлаб,  
Дилга ўзни асир айлаб.  
Орзуларни қаср айлаб —  
Бирга бўлсак армонларда.

Бирга эдик бўстонларда,  
Бирга бўлдик достонларда.  
Ёри азиз, эрта, не тонг —  
Бирга бўлсак осмонларда...

\* \* \*

Менинг қийин баҳтим Сиз билан фақат,  
Орзу, умид, аҳдим Сиз билан фақат.  
Давлату шон, таҳтим Сиз билан фақат,  
Менинг қийин баҳтим Сиз билан фақат.

Үйлардимки севмоқ — омад келгани,  
Фамингни худойим ўзи егани.  
Кўнгилсизлик экан кўнгил дегани,  
Менинг қийин баҳтим Сиз билан фақат.

Йиглайману ёшлар оқмас кўзимдан,  
Бўзлайману садо чиқмас бўғзимдан.  
Сизни деб, Сизни деб кечдим ўзимдан,  
Менинг қийин баҳтим Сиз билан фақат.

Ҳатто саҳро йўқдир юргани бирга,  
Майли, дедим, майли. Кўндим тақдирга.  
Ҳеч ким етолмайди мен билган сирга —  
Менинг қийин баҳтим Сиз билан фақат.

Дунёсидан тўлиб... кулиб кетаман,  
Армон билмай, афсус қилмай ўтаман.  
Барибир мен сизга бир кун етаман —  
Менинг қийин баҳтим Сиз билан фақат!..

\* \* \*

Гўзаллар йиғлайди мен ўлсам бир кун,  
Дўстларим бош эгиб қолишар маҳзун.  
Умидин узади мендан бу дунё —  
Мен ҳаёт бўламан фақат Сиз учун.

Қабрим узра гуллар сўлмоғи мумкин,  
Чин муҳлисларим ҳам унутар секин.  
Қардошлар қўникар доғимга, лекин —  
Мен ҳаёт бўламан фақат Сиз учун.

Урфдан чиқар балки сўзим, куйим ҳам,  
Вафо қилмас менга молим, уйим ҳам.  
Эсламас қасамин не-не сиймтан...  
Мен ҳаёт бўламан фақат Сиз учун.

Қалбингизда шамдек ёнган ҳис сабаб,  
Сиз мени ўлимга бермайсиз, ё раб.  
Қадрингиз билмаган бўлсам ҳам, ажаб,  
Мен ҳаёт бўламан фақат Сиз учун.

Сиз бир фариштасиз, маъсум, нурзода,  
Мен ҳам гуноҳлардан бўлгум озода.  
Ёмғир бўлиб келгум ёки шаббода —  
Мен ҳаёт бўламан фақат Сиз учун...

\* \* \*

Кўнгил иши кўп мушкул,  
Гоҳи обод, гоҳи кул.  
Иҳтиёрда эмас ул —  
Юрак ўзи гувоҳдир.

Дунё — чўлдаги сароб,  
Дил мулки унда хароб.  
Муҳаббат асли савоб,  
Гарчи мисли гуноҳдир.

Эй ғаним, чекма алам,  
Йиққанларим менинг ғам.  
Кўрқитганинг маҳшар ҳам —  
Кўксимдаги бир „оҳ“дир.

Баланд бўлар хирмоним,  
Етгаймикин дармоним.  
Излаганим, армоним —  
Бир меҳрибон нигоҳдир.

Кетмоқ бордир келганга,  
Дардни айтгин билганга.  
Севганга, севилганга —  
Худо ўзи паноҳдир!..

## **ГУЛГА ЎХШАЙСАН**

**Шабнами билан турган гулга ўхшайсан,  
Ишқ ғами билан юрган қулга ўхшайман.**

**Қоматинг титроғида навниҳол акси,  
Сочларинг қирғоғида мажнунтол рақси.**

**Кулишларинг жаранги булбулга армон,  
Жарангининг ҳар ранги кўнгилга дармон.**

**Юзингнинг тиниқлиги суви узумнинг,  
Кўзингнинг ёниқлиги нури кўзимнинг.**

**Чеҳрангнинг ёғдусида ҳурнинг жамоли,  
Тишларинг инжусида дурнинг камоли.**

**Тирноғинг кўзгусида қуяр неча жон,  
Дудоғинг орзусида диллар паришон.**

**Беандиша дилини, майли, пора қил,  
Билиб Бобур ҳолини, ўзинг чора қил...**

## БУЛБУЛ ХАТИ ШИКОЯТДИР

Ҳуснинг кўриб жоним ичра нур айланур,  
Атрофида ўзингми ё ҳур айланур.  
Кипригимда қатра-қатра дур айланур,  
Жоним чиқмай васлинг кўрмак иноятдир.

Кўрмайсанми кўздан оққан жоласини,  
Қийнаюрсан мунча бирор боласини.  
Тингламайсан шайдо кўнгил ноласини —  
Гул баргила булбул хати шикоятдир.

Керак эмас — шафқат этма аҳволимга,  
Минг рўёни алишмайман хаёлимга.  
Жабринг чекиб, шукр айлай иқболимга —  
Менга сенинг асли боринг кифоятдир.

Ёниб-ёниб интилсам ҳам етолмасман,  
Куярману шарҳи дардим этолмасман.  
Бошим олиб, сендан йироқ кетолмасман,  
Дил аҳлига ишқнинг йўли ҳидоятдир.

Ҳушим ичра васлингдаги гўзал дамлар,  
Ҳижронингда қуrimади кўзда намлар.  
Бобурни ҳам шоир этди ўшал ғамлар —  
Дилда ҳали минг бир кеча ривоятдир...

## **ОСОН ТУТМАНГ**

Кўнглим хаёл уммонида чўмилади,  
Дунёларга боқмай кўзим юмилади.  
Ёр йўлида жоним тирик кўмилади,  
Осон тутманг дилу жондан севганга сиз,  
Ўзни қўйиб, ёрни танҳо деганга сиз.

Ичу ташим тутаб ёнар парвонадек,  
Ёр кўйида адашганман ҳайронадек.  
Эл оғзида номим машхур девонадек,  
Осон тутманг ёрни жондан суйганга сиз,  
Ишқ ўтида жигар-бағри куйганга сиз.

Қақнус каби дил оловдан пайдо бўлди,  
Воажабким, яна ёниб шайдо бўлди.  
Муҳаббатки бошима бир бало бўлди,  
Осон тутманг дилу жондан севганга сиз,  
Ўзни қўйиб, ёрни танҳо деганта сиз.

Айтинг, дўстлар, дилимдаги садо бўлар,  
Ёрни истаб, ким ҳам мендек гадо бўлар.  
Келмаса ул Бобур жони адo бўлар,  
Осон тутманг ёрни жондан суйганга сиз,  
Ишқ ўтида жигар-бағри куйганга сиз.

\* \* \*

Мехринг мисли шабнаммиди,  
Соғинганим кўкламмиди.  
Ҳазон, қорим билгаймисан,  
Ё баҳорим бўлгаймисан.

Ой бўлгум, деб кечалари,  
Алладилар нечалари.  
Мунг, озорим билгаймисан,  
Ё мадорим бўлгаймисан.

Саҳро бўлдим — ҳосил қайда,  
Дарё бўлдим — соҳил қайда.  
Дил шудгорим билгаймисан,  
Ё канорим бўлгаймисан.

Излай-излай юлдузимни,  
Йўқстдимми илдизимни.  
Сарсон, зорим билгаймисан,  
Ё қарорим бўлгаймисан.

Кўзни ёпсам, дилни топсам,  
Ўзни топсам, гулни ўпсам.  
Эй гул, хорим билгаймисан,  
Ё гулзорим бўлгаймисан.

Бирга-бирга кетармидик,  
Минг бир сирга етармидик.  
Йўғу борим билгаймисан,  
Ё дилдорим бўлгаймисан?!.

\* \* \*

Мұхаббат түрига диллар илинди,  
Биз гавқар эканмиз, энди билинди.  
Диллар бутун бўлди, тиллар тилинди —  
„Севаман“ демадим, „севдим“ демадинг.

Оқаётган кўнглим қирғосиан Сен,  
Гоҳ яқин, гоҳида йирғосиан Сен.  
Нур истаб талпинган чирғосиан Сен —  
„Севаман“ демадим, „севдим“ демадинг.

Сочларинг сиртмоғин силаб ечдим мен,  
Савобу гуноҳдан бир дам кечдим мен.  
Аслида Сен учун балки ҳеч ким мен —  
„Севаман“ демадим, „севдим“ демадинг.

Бахтлидир дил очиб кўзни ёпганлар,  
Тоза нигоҳ ила гулни ўпганлар.  
Мол-дунё топғанмас, кўнгил топғанлар —  
„Севаман“ демадим, „севдим“ демадинг.

Кимлардир севгисиз эгик пайт, тик биз,  
Бирга кўкка чиқиб, ерга қайтдик биз.  
Ҳар неки тингладик, ҳар не айтдик биз —  
„Севаман“ демадим, „севдим“ демадинг...

\* \* \*

Сен мени ўзингга ўргатиб қўйма,  
Қошинг ўроғида жонимни сўйма.  
Хаёл суриб қолсам кўнгилга йўйма —  
Сен мени ўзингга ўргатиб қўйма.

Пайдосан тўкилган замонимда Сен,  
„Ишқ“ сўзин бор этдинг забонимда Сен.  
Адашиб гулладинг ҳазонимда Сен —  
Сен мени ўзингга ўргатиб қўйма.

Сийратинг не, малак, сиртдан қиздайсан,  
Хуснинг сари Ойу Кунни қистайсан.  
Мен мискинга мунча меҳр истайсан —  
Сен мени ўзингга ўргатиб қўйма.

Дил жомига оғу қуйиб толдим мен,  
Бошимга минг бало уйиб олдим мен.  
Наҳот тагин, наҳот суйиб қолдим мен?!  
Сен мени ўзингга ўргатиб қўйма.

Қошингда жонимни тўғратиб қўйдинг,  
Кўнгил кўзасини тўлғатиб қўйдинг.  
Сен мени ўзингга ўргатиб қўйдинг,  
Сен мени ўзингга ўргатиб қўйдинг!..

## АЛДАГАНИМ ЙҮҚ

Кўнгил хижил Ой каби,  
Ўртамиизда сой каби,  
Совиб қолган чой каби...  
Алдаганим йўқ Сизни.

Дилим ёнар дил кутиб,  
Бол ўрнига кул ютиб.  
Хушомаддан гул тутиб —  
Алдаганим йўқ Сизни.

Айламанг дийдани нам,  
Таниманг дунёни кам.  
Қарғаманг Бобурни ҳам —  
Алдаганим йўқ Сизни.

„Севги гўзал“, дедингиз,  
„Айтинг ғазал“, дедингиз.  
Алданмоқчи эдингиз...  
Алдаганим йўқ Сизни.

## ГЎЗАЛЛАРНИНГ МУҲАББАТИ

Мехр бердим ҳар инсонга,  
Севмок бўлди дил одати.  
Ҳожат йўқдир пушаймонга,  
Ишқ аҳлининг йўқ роҳати.  
Юрагимдан садо этди —  
Гўзалларнинг муҳаббати.

Ойга боқиб бир йиғлайман,  
Кунга қараб бир ёнаман.  
Дунёларга ҳеч сиғмайман,  
Ўз ишимга ҳайронаман.  
Ҳаётимни хато этди —  
Гўзалларнинг муҳаббати.

Мен кўнглимга гул ўрадим,  
Ўзга гулни бўйламадим.  
Ҳар бир ёрга баҳт сўрадим,  
Ўз баҳтимни ўйламадим.  
Гул умримни адo этди —  
Гўзалларнинг муҳаббати.

Йўлга чиқдим — борса-келмас,  
Бу йўлдан ҳеч қайтилмаган.  
Биродарлар, кимса билмас —  
Дардларим бор айтилмаган.  
Кўнглимга жон ато этди —  
Гўзалларнинг муҳаббати...

\* \* \*

Биллур илиб, зар поёндоz тўшаш мумкин,  
Дур лаганда тансиқ таом ошаsh мумкин.  
Одам қилган ишни одам уддалар-ку,  
Муҳаббатсиз фақат қандай яшаsh мумкин?

Кўксингдаги кесак эмас, юрак бўлса,  
Инсон деган кимгадир сал керак бўлса.  
Бу дунёда яшашдан бир тилак бўлса—  
Муҳаббатсиз, айтинг, қандай яшаsh мумкин.

Тош бўлса ҳам меҳр кўрса кетгай ийиб,  
Ошиқ кўнгил ўз ёрига етгай суйиб.  
Севмас бўлса Бобур умри ўтгай куйиб,  
Муҳаббатсиз, билмам, қандай яшаsh мумкин.

Тақдир этса, йигит мингай юз самани,  
Ёш ўтди, деб совутгайми куз танамни.  
Саксонда ҳам севиб қолгум қиз санамни!  
Муҳаббатсиз, ахир, қандай яшаsh мумкин...

## **МЕНГА МУҲАББАТ БЕР**

Боққа умр, саҳрого булут,  
Зўрга ҳиммат, заифга қувват,  
Бойга виждон, қашшоққа умид,  
Фам бўлса ҳам менга муҳаббат —  
Бергин, худойим.

Донога дўст, нодонга инсоф,  
Очга ғайрат, тўққа қаноат,  
Дардга шифо, муҳтоҷгага паноҳ,  
Менга эса тагин муҳаббат —  
Бергин, худойим.

Бадга неклик, яхшиларга баҳт,  
Баҳтга қўним, кулфатга шафқат,  
Юрганга йўл, ўтиргангага таҳт,  
Менга... менга... фақат муҳаббат —  
Бергин, худойим.

\* \* \*

Вужудингда ҳислар ўйнайди,  
Кўринишинг сиподек лекин.  
Бу кеч ХАЁЛ сен-ла тунайди,  
Ахир қанча соғиниш мумкин?!

Юрагингни севги қийнайди,  
Индамайсан бу ҳақда, чунки —  
Сипо сўзлар қалбни тирнайди:  
„Сизга қандай ишониш мумкин?!”

\* \* \*

„Сиз ёмон бўлгансиз...“ Нозли бир ҳадик,  
Вужудингда дастлаб қолмас сезилмай.  
Гуноҳни билмайин қандай яшадик,  
Ва қандай яшадик севмай, севилмай.

„Сиз яхши экансиз...“ Гўё бир таъна,  
Гўё яхши бўлдим фақат ушбу кеч.  
Сени ҳам қучганча яна ва яна,  
Ёмон бўлганимни эслолмайман ҳеч!..

\* \* \*

Нолимасман ҳаётдан бугун,  
Ҳаёт кўркам, турмуш осуда.  
Ҳеч бўлмаса Сиздек душманим,  
Дўстим бордир Сиздек камида.

Қизғонмасман ҳаётни аммо,  
Бошим — садқа, маломат — кунда.  
Менинг дунём кўп баланд дунё:  
Сизни севмоқ баҳти бор унда!

\* \* \*

Кетаяпсиз. Оқ йўл, маъбудам,  
Бу дам ҳар ким ўзича ҳақдир.  
Дийдор — қимор бўлган дунёда,  
Видолашиб қолмоқ ҳам тақдир.

Йиглаш шартмас. Куйинсак ҳам бас,  
Ёлғиз орзум — бўлинг бағри қенг.  
Фам кўлида ёпишганим хас —  
„Хайр“ эмас, „кўришгунча“ денг...

Аёл зоти — мўъжиза, тилсим



*Кудратингиз — латофат,  
Куролингиз ноз Сизнинг.  
Минг бир кечадикоят —  
Таърифингиз оз Сизнинг.*

## **БУ ҚАДАХ**

Бу қадаҳ Сизлар учун,  
Сулув қизлар, аёллар.  
Енголмай чирой кучин —  
Сизга банди хаёллар.

Гарчи Сизни, худойим,  
Эркак учун яратган.  
Мард зотини ҳар доим —  
Сизга мафтун қаратган.

Арзийсиз-да, қарашга,  
Севишга, эркалашга.  
Сизга ҳаё ярашган,  
Хурлар ҳам сир талашган.

Тарих гувоҳ: Сиз сабаб  
Урушлар гоҳ бошланган.  
Зафарлар Сизга атаб  
Пойингизга ташланган.

Сиз туфайли Тожмаҳал,  
Оқсаройлар қурилган.  
Сизни деб битиб ғазал,  
Мажнун бўлиб юрилган.

Кудратингиз — латофат,  
Куролингиз ноз Сизнинг.  
Минг бир кеча ҳикоят —  
Таърифингиз оз Сизнинг.

Қилмасангиз табассум,  
Күёш кўнгли оғринар.  
Сизсиз қувонч йўқ бир зум,  
Баҳор Сизни соғинар.

Сиз билан дунё ажиб,  
Сиз-ла олам аломат.  
Бахт этсин Сизга насиб,  
Мудом бўлинг саломат.

Бу қадаҳ Сизлар учун,  
Дилбар қизлар, аёллар.  
Енголмай ҳайрат кучин —  
Сизга асир хаёллар...

### **ЎЗ ФОЛИБИНИ КУТГАН АЁЛ ҲАҚИДА**

Баҳор пайти гунча эди гул,  
Дунё ҳали соф эди буткул.  
„Бахт қушини тутсам дегандим,  
Шаҳзодамни тутсам дегандим...“

Боғлар аста ҳосилга кирди,  
Ҳаёт турфа сабоқлар берди.  
„Дардларимни ичга ютдим-ку,  
Султонимни узоқ кутдим-ку...“

Йўл четида титрайди хазон,  
Умидда ҳам қиши заҳри пинҳон.  
„То қиёмат кутармиканман,  
Ўз маддимга етармиканман...“

## ЁЛГИЗ ҚОЛГАН АЁЛ

Бу аёлнинг ёстиқлари тош,  
Бу аёлнинг тунлари увол.  
Бу аёлнинг иймони бардош,  
Бу аёлнинг борлиги савол.

Турмуш жумбоқларин танҳоликда еч,  
Ҳар босган қадаминг гап-сўзга нишон.  
Ҳеч кимга ишонма, ишонмагин ҳеч,  
Ёлғиз қолган аёл — ўзингга ишон.

Дунёнинг шафқатсиз ёмонлари кўп,  
Қалбинг ўртагучи гумонлари кўп.  
Қадринг хўрлагучи томонлари кўп,  
Ёлғиз қолган аёл — ўзингга ишон.

Ёстиғингнинг кўнглинг каби ярми бўш,  
Қолган ярми тошдир, дардларингдир қўш.  
Ёнингда мардинг йўқ — тутиб турган тўш,  
Ёлғиз қолган аёл — ўзингга ишон.

Шайтонлар юрмаган осмонларинг бор,  
Гуллари асралган бўстонларинг бор.  
Ҳали айтилмаган достонларинг бор,  
Ёлғиз қолган аёл — ўзингга ишон.

Неларни солмайди тақдир бошингта,  
Тоғлар ҳайрон қолар зўр бардошингга.  
Сигинмоқ керакдир тўккан ёшингга,  
Ёлғиз қолган аёл — ўзингга ишон.

## **ЭРКАК ҚАДРИ**

Уйда эркак бўлса — кўнгил хотиржам,  
Демак Сизга насиб дунё устуни.

Эркак уйда бўлса — кунда ҳам байрам,  
Демак Сиз ҳаётнинг бағри бутуни.

Уйда эркак бўлса — кўнгил хотиржам,  
Турмушнинг кам-кўсти келмайди малол.  
Эркак уйда бўлса — қадам мустаҳкам,  
Бўронлар, довуллар шунчаки шамол.

Уйда эркак бўлса — кўнгил хотиржам,  
Барвақт ранг саргаймас, оқармайди соч.  
Эркак уйда бўлса — чекинади ғам,  
Тақдир зарбасига топилар илож.

Уйда эркак бўлса — кўнгил хотиржам,  
Неки тиласангиз бўлади восил.  
Эркак уйда бўлса — чекмайсиз алам,  
Боғингиз беради умидли ҳосил.

Уйда эркак бўлса — кўнгил хотиржам,  
Қолмас ўчганича Сиз ёққан чироқ.  
Эркак уйда бўлса — қадрли ҳар дам,  
Висолга дебоча ҳар қандай фироқ.

Эркак уйда бўлса — кўнгил хотиржам,  
Демак Сиз эрурсиз унинг қуёши.  
Фақат... кам бўлмасин эркак кўнгли ҳам,  
Эшикдан эгилиб чиқмасин боши.

Эркак уйда бўлса — Сиз баҳтли аёл...

## **ОСМОН БАЛАНД**

Ёлизлиқ дастидан бўлмайди қочиб,  
Қайтиб келмас энди умр баҳори.  
Гоҳ ўқийди қалбинг дафтарин очиб —  
Сени севиб қолган... ўзганинг ёри.

Тақдирга тан бериб, Уни кутасан,  
Умид титрар кўнгил деган бўстонда.  
Сенинг севгинг гуноҳ, аммо нетасан,  
Фаришталар яшар баланд осмонда.

Кунлар ўтаверар ойлардан ошиб,  
Чарчатар зериккан юракнинг зори.  
Шошиб келадиу, кетади шошиб —  
Сенинг севганингу... ўзганинг ёри.

Софинчу дардлардан тўлиб кетасан,  
Гул солиб қўясан ўзинг гулдонга.  
Иложинг қанчалар, ахир, нетасан,  
Чиқиб кетиб бўлмас баланд осмонга!..

## **АЁЛ ОШИҚ БҮЛСА**

Эркак ошиқ бўлса гар —  
Гулдан бўса олади.  
Аёл ошиқ бўлса гар —  
Ёнар ўтда қолади.

Эркак ошиқ бўлса гар —  
Арслон тонар ўзидан.  
Аёл ошиқ бўлса гар —  
Ёмғир ёғар кўзидан.

Эркак ошиқ бўлса гар —  
Айб саналмас гуноҳи.  
Аёл ошиқ бўлса гар —  
Топилмагай паноҳи.

Эркак ошиқ бўлса гар —  
Унга қадаҳ тутарлар.  
Аёл ошиқ бўлса гар —  
Ундан тавба кутарлар...

## **КЕЧИР, ЁРИМ**

*Кечир, ёрим, агар сени севолмасам...*

(Муҳиддин Омон)

Уйқу бермас қайғу чўқди кўзларимга,  
Нетай, дилдан армонимни қуволмасам.  
Мен-ку асал қўшиб келдим сўзларимга,  
Кечир, ёрим, агар сени севолмасам.

Келин излаб онам ҳар ён чопган эди,  
Мақтаб-мақтаб, сени синглим топган эди.  
Кўнглим эмас, кўзим ҳуснинг ўпган эди,  
Кечир, ёрим, агар сени севолмасам.

Сенга меҳр бердим, чин баҳт беролмадим,  
Сенинг билан дилдан суҳбат қуролмадим.  
Ўзимнию, сени алдаб юролмадим,  
Кечир, ёрим, агар сени севолмасам.

Икки ёрнинг дарди мени келди қийнаб,  
Хаёлимда бири Кумуш, бири Зайнаб.  
Уни ўйлаб ёнсам, куйдим сени ўйлаб,  
Кечир, ёрим, агар сени севолмасам.

О, биламан, жоним, сенга баҳтинг ширин,  
Маъюс боқсан кўзларингда дард яширин.  
Ахир, қайдан билай мен бу кўнгил сирин,  
Кечир, ёрим, агар сени севолмасам.

Бир бошимга, нетай, шунча ғам бор экан,  
Тақдиримда севги деган кам бор экан.  
Бир кун чўкиб, узрим айтар дам бор экан,  
Кечир, ёрим, агар сени севолмасам.

Кечир мени, баҳти ёлғон кунлар учун,  
Кечир мени, совиб қолган тунлар учун.  
Кечир мени, дийда тўла хунлар учун,  
Кечир, ёрим, агар сени севолмасам!..

## **БЕВАФО**

Ўйламайсан сен наҳот, не кечди деб дилидан,  
Капалак ҳам келиб ҳол сўрайди-ку гулидан.  
Ситамлар этсанг ҳамки умидларим ўлмади —  
Бир тутам чўғ излайман муҳаббатнинг кулидан.

Қандоқ ажратай сендан кўксингдаги бошимни,  
Дарё қилиб оқиздинг кўзимдаги ёшимни.  
Кўз ёшимга ювениб, тақдир дейман овуниб,  
Дилим оғриб тераман ошимдаги тошимни.

Умр деган тўхтамас гумон келган дам билан,  
Турмуш ғори ёришар меҳр деган шам билан.  
Қанча истасанг шунча бахтли бўлгин, севгилим,  
Бахтинг наҳот бут бўлар кўнглимдаги кам билан.

Ишқи менга куч берган ожизимсан сен ўзинг,  
Севгим қадрин билмаган азизимсан сен ўзинг.  
Сендан кечгандан кўра жондан кечмоқ осондир,  
Ширин жонимдан ширин ёвузимсан сен ўзинг.

Бевафо, бевафо, дардларим енгаман,  
Айласанг ҳам жафо, оҳ, нечун севаман...

## СҮЛАЁЗГАН ГУЛ

Эй, чин меҳр кўрмай сўлаёзган гул,  
Токай дайди еллар атингни тўкар.  
Тақдир тақирида қуримай буткул,  
Ўзингга кел энди, қадингни кўтар.

Қаровсиз қолгандан қийналдинг бунча,  
Куёшсизми кунинг, Ойсизми тунинг.  
Сўлдими Сендаги энг сўлим ғунча,  
Энг сўнгги сабринг ҳам синдими Сенинг?!

Йўқ ахир, йўқ ахир!..  
Хазон, қорлар бас,  
Бир баҳор истайди ҳар бир куртагинг.  
Ҳали банд-бандингда умид ва ҳавас,  
Ҳали тугамаган Сенинг эртагинг.

Ҳали барча гусса-ғаминг ўлдириб,  
Бахтингга Офтобу Ой ёқар шамлар.  
Сенга насиб этар бағринг тўлдириб —  
„Муҳаббат“ аталмиш сой оқар дамлар.

Лобарсан, дилбарсан, анбарсан тагин,  
Осмондан ҳам баланд кўп буюк қадринг.  
Кўллардан йироқсан, кўзларга яқин,  
Тўкилса кўкларга тўкилгай атинг!..

## АЁЛ МАКРИ

Ўтсам, майли, ўтай фурбат шаҳридан,  
Тотсам, майли, тотай йўқлик заҳридан.  
Бисотимда борим — номусим ҳаққи —  
Илоҳим асрарин аёл макридан.

Аёл бор — макридан фалак ҳайрондир,  
Фалак бўлганига минг пушаймондир.  
Шайтонга дарс берар, гарчи инсондир,  
Илоҳим асрарин аёл макридан.

Панд берса — умрбод юзинг қародир,  
Ҳар не қилсанг ҳамки кўнглинг яродир.  
Кунинг ғаму, йўлинг дўзах ародир,  
Илоҳим асрарин аёл макридан.

Аёлнинг энг аввал ҳаёси бўлсин,  
Ўзига, қадрига вафоси бўлсин.  
Сўнг, майли, номардга жафоси бўлсин,  
Илоҳим асрарин аёл макридан.

Сўз дедим, қўллагин мени, худойим,  
Йигитта ёр бўлсин номуси доим.  
Тириклай ўлдирма — шу муллаойим,  
Илоҳим асрарин аёл макридан.

## ҚҰРҚИНЧ БИР ТУШ

Бир қүшга ҳам сув, ҳам дон керак,  
Осмон қулар топмаса тиргак.  
Қолмаганда қишлоқда эркак —  
Тобутни ҳам күтарди аёл.

Эркаклар ризқ излаб кетганда,  
Омад ё баҳт күзлаб кетганда,  
Бир мүминға ажал етганда —  
Тобутни ҳам күтарди аёл.

Күнгил кетса „азиза“ деймиз,  
Гоҳо мақтаб „мұйжиза“ деймиз.  
Лек күпинча „ожиза“ деймиз —  
Тобутни ҳам күтарди аёл.

Қоп күтариб билмади малол,  
Четда юриб „күрсатди жамол“.  
Мардикордан қайтган чоғида —  
Тобутни ҳам күтарди аёл.

Йиғламасин қандоқ юраклар,  
Титраб кетди ҳатто тераклар.  
Огоҳ бўлинг, эй сиз, эркаклар,  
Тобутни ҳам күтарди аёл.

Наҳот яна „гуноҳкор“ тақдир,  
Бўлдимикан ё дунё охир.  
Бунақаси бўлмаган, ахир,  
Тобутни ҳам күтарди аёл!..

## АЁЛ КҮНГЛИ

Майли, бошлаб киринг тақдир чўлига,  
Майли, дучор этинг турмуш дўлига,  
Майли, тоқат қилманг каму мўлига,  
Майли, қанот бўлманг ўнгу сўлига,  
Майли, гоҳ чўктиринг кўз ёш кўлига,  
Майли, юлдуз сепманг юрган йўлига,  
Майли, гул тутқизманг ҳар кун қўлига —  
Лек бефарқ қараманг АЁЛ КЎНГЛИга!..

\* \* \*

Баъзидаги кўнглимнинг айтганин қилдим,  
Ҳамда бир ҳикматни англадим, билдим:  
Подшоҳ кўзи тўймас давлату тахтга,  
Аёл зоти кўнмас яримта баҳтга...

\* \* \*

Аёл зоти — мўъжиза, тилсим,  
Қовурғадан яралгани чин.  
Тўғриламоқ, тузатмоқ бекор,  
Уни фақат силамоқ мумкин!..

## **ЖИННИНГ ИХТИРОСИ**

Гўзал эди муҳаббат,  
Муҳаббат ширин эди.  
Назокату латофат —  
Унда яширин эди.

Хунук эди хиёнат,  
Хиёнат аччиқ эди.  
Унда макру адсоват —  
Юз-кўзи очиқ эди.

Муҳаббат олижаноб,  
Жуда ҳаёли эди.  
Хиёнат эса қаллоб,  
Кибру ҳаволи эди.

Ишонч эди муҳаббат,  
Кувонч эди муҳаббат.  
Ёлғон эди хиёнат,  
Ёмон эди хиёнат.

Бири деди: Бу олам,  
Яхшилик, нурга тўлсин.  
Севсин, севилсин одам,  
Кўнгилда поклик бўлсин.

Бошқаси деди: ҳайҳот,  
Булар бари бекордир.  
Минганники бўлар от,  
Сурбетга омад ёрдир...

Улар соглан гулудан  
Атроф йўқотди тинчин.  
Ўн минг йиллик уйқудан  
Уйғонди кекса бир жин.

**Жиннинг жини тутди-ю,  
Бўлмай яхши-ёмонга —  
Уни, буни тутди-ю,  
Босди эски қозонга.**

**Кўшди чину алдовни,  
Мехр, нафратдан солди.  
Баланд қилиб оловни,  
Бир пас ўйланиб қолди.**

**Эзгуликми, ёвузлик —  
Нима пайдо бўларкин.  
Буюкликми, ожизлик,  
Қандай бало бўларкин?!**

**Қари жин мудраб оғир  
Уйқуга кетди хиёл.  
Қозон ёрилиб охир,  
Дунёга келди... Аёл!..**

## ҒАЛАТИ ОДАТ

Тарих берар шаҳодат,  
Дерлар: Қадим замонда,  
Бўлган ғалати одат —  
Миср деган томонда.

Подшолар ўлса, атай  
Қоя бағрин ўйишган.  
Маликани тириклай  
Тош қабрга қўйишган.

Тарихни суриштирасак,  
Бизда ҳам кўхна замин.  
Ўлганида жангчи сак,  
Урф бўлган шунга яқин.

Яъни хотинлар сўнг дам,  
Қаттиқ ғамга чўмишган.  
Эр ўлса, уларни ҳам  
Ерга тирик кўмишган.

Ёки Ҳиндда, тақдирга —  
Тан бериб, эр ўлганда,  
Бева шўрликни бирга,  
Куйдиришган гулханда...

Шундай, эркакнинг роса  
Баланд бўлган иззати.  
Хотин бўйнида эса —  
Икки дунё хизмати.

Эр бир гап бўлмасин, деб  
Хотин дилгир, овора.  
Пақ этиб ўлмасин, деб  
Куйиб-пишган бечора.

Минг ўргилиб бошидан,  
Ҳол сўрашга яраган.  
Рашқ этмай кундошидан,  
Кўнглига ҳам қараган.

Ош деса, ош тайёрdir,  
Чой деса чой, марҳамат.  
Гап талашиш бекордир,  
Жанжалга йўқдир ҳожат.

Малҳам суртган, воажаб,  
Уқалаган туну кун.  
Асло бузмаган асаб,  
Эр саломат юрсин-чун.

Касал бўлса, юргурган —  
Излаб энг зўр табибни.  
Бошида бедор турган,  
Тўпинг бундай ҳабибни.

Пул бўлмаса ё бўлса,  
Тилидан томган боли.  
Чунки билган, эр ўлса —  
Не кечар унинг ҳоли...

Баъзан деймиз: „Ёввойи“  
Қадим ўтган аждодни.  
Бўлмаган фўр, ҳавойи,  
Улар билган ҳаётни.

Мўъжиза бўлиб содир,  
Тутсак яна омадни.  
Жорий этсак биз ҳозир —  
Ўшал яхши одатни.

Фоз юрардик атайлаб,  
Бўлиб бағри бутунлар.  
Бизни асраб-авайлаб,  
Севар эди хотинлар!..

## МЕЗОН

Дунё ишин галма-галда тут,  
Ҳар нарсанинг вақти, ўрни бор.  
Боғдан баҳра, тоғдан далда кут,  
Гуллар — гўзал, бургутлар — кибор.

Минордан сув бўлмайди тортиб,  
Кудуқ ичра айтилмас аzon.  
Қўймаса ҳам ҳеч ким юқ ортиб —  
Ерга тушар ҳар кўчган хазон.

Мехрлидир мунис мажнунтол,  
Эгилмагай мағрур тераклар.  
Аёл бўлсин ҳамиша аёл,  
Мардлигича қолсин эркаклар...

\* \* \*

Ҳар эркак ҳам бўлолмас,  
Вафодори аёлнинг.  
Ҳамма эр ҳам бўлолмас —  
Сазовори аёлнинг.

Оро берур достонга,  
Ибрат эрур бўстонга.  
Офтобу Ой осмонга —  
Гул рухсори аёлнинг.

Аёл борки, қўнгил бор,  
Она, опа, сингил бор.  
Нима оғир, енгил бор —  
Бари кори аёлнинг.

Дунёниг хуш лаззати,  
Жаҳоннинг ҳам жаннати.  
Раҳмати ё лаънати —  
Бу дийдори аёлнинг.

Ҳолинг надир, бўл огох,  
Тополмайсан ҳеч паноҳ.  
Учраб қолса баногоҳ —  
Гар маккори аёлнинг.

Борингни бўлдиримагай,  
Йўғингни тўлдиримагай.  
Шунчаки ўлдиримагай —  
Чаён, мори аёлнинг.

Қўлида жон риштаси,  
Ҳаётинг сариштаси.  
Дилгинанг фариштаси —  
Чин дилдори аёлнинг.

Қалбинг ёритса кундай,  
Дардинг аритса тундай.  
Бўласан-да, сўнг шундай —  
Интизори аёлнинг.

Етолмайсан пул билан,  
Зўру зару гул билан.  
Бўлгин аввал дил билан —  
Харидори аёлнинг.

Гар кўнгилдан бўлса гард,  
Ё кўнгилда бўлса дард.  
Бу оламда ҳамма мард —  
Гирифтори аёлнинг!

## АӘЛ


Осмон қувват бургут, сор учун,  
Ҳамроҳ мадад тулпор, нор учун.  
Ватан азиз ҳар ҳушёр учун —  
Эр қон кечар номус, ор учун,  
Бу дунёда аёл бор учун.

Вафо рамзи дебон ҳайкаллар —  
Оқсанойлар, Тожимаҳаллар,  
Нурли қўшиқ, ўтли ғазаллар —  
Яратилган бир хумор учун,  
Бу дунёда аёл бор учун.

Гул қизарар рашида қизлардан,  
Ҳурлар юрар Сизнинг излардан.  
Ой қутулмас қочиб бизлардан —  
Сўз тугамас мадҳи ёр учун,  
Бу дунёда аёл бор учун.

Онаизор шеваси — ҳаёт,  
Сулув дилдор ишваси — қанот.  
Мафтун кўнгил меваси — баёт...  
Муҳаббат бор — хаёл бор учун,  
Бу дунёда аёл бор учун!..

**Тагин асир этди мени хаелинг...**



*Мұхаббат, мұхаббат, яна мұхаббат...  
Діл салтанатида сирлар қатма-қат.  
Барчаси бетакрор, бари ўзгача,  
Фақатгина ҳижрон — тақдирларда хат...*

## ТУШИМДАГИ ҚИЗ

Бир гўзал тушимда келдинг ёнимга,  
Бўлдинг дўст кўнглимга, малҳам жонимга.  
Исмингдан анқирди гулга яқин ис —  
Исминг нима эди, тушимдаги қиз?!

Кўп сулув, сал эрка, шўх жонон эдинг,  
Мен ғарибга ғоят меҳрибон эдинг.  
Юракни қитиқлаб уйғотди бир ҳис —  
Исминг нима эди, тушимдаги қиз?

Кулсанг, кулгичингда офтоб чўмилар,  
Сочларинг сойида елканг кўмилар.  
Малоҳат мулкида малика тенгсиз —  
Исминг нима эди, тушимдаги қиз?

„Сиз менга атаб шеър ёзгансиз...“, дея,  
Нозланган қиёфант эсимда-куя...  
Фақат энди васлинг қўл етмас олис —  
Исминг нима эди, тушимдаги қиз?

Бир ширин тушимда келгин ёнимга,  
Бўлгин ёр кўнглимга, дармон жонимга.  
Мени маст айласин дилга яқин ис —  
Исмингни айт менга, тушимдаги қиз!..

## ТОПГИН МЕНИ

Хотирларим оғу ичмишдир,  
Мени топгин, хушларимга кир.  
Сенсиз ҳаёт рангсиз кечмишдир,  
Топгин мени, тушларимга кир.

Чин нажот йўқ шаробларимдан,  
Жон кетгуси харобларимдан.  
Мени қутқар азобларимдан —  
Топгин мени, тушларимга кир.

Кимга малол келмоқ ёнимга,  
Аlam этди ташна қонимга.  
Сен малҳам бўл ғариб жонимга —  
Топгин мени, тушларимга кир.

Олиб чиққин мени кўчага,  
Юрагимни кўрсат барчага...  
Моҳтоб бўлгин ялдо кечага —  
Топгин мени, тушларимга кир.

Билмасалар, қўймасалар ҳеч,  
Сен ҳам, гулим, аҳли дундан кеч.  
Дилдан ғурбат кишанларин еч —  
Топгин мени, тушларимга кир...

## ҚҮМСАШ

Гуллар моҳи, диллар оҳи,  
Қалбимнинг илк дўст, паноҳи.  
Мушкин-мушкин бўй таратган —  
Анбарларинг борми ҳали?

Қалдирғочлар қўнган чашма,  
Қўмсаб ҳануз дилим ташна.  
Кўзларимни зор қаратган —  
Ахтарларинг борми ҳали?

Қараганда кўнглим ўсган,  
Тараганда кунни тўсган.  
Кўлим тегмай жон сўраттан —  
Аждарларинг борми ҳали?

Наҳот ҳамон тикиб зарлар,  
Оққуш қўллар гул чизарлар.  
Ҳам покиза шеър яратган —  
Саҳарларинг борми ҳали?

Айтиб бўлмас энди: „Қайтгин...“  
Фақат, гулим, танҳо айтгин:  
Тўкилганим ёшлик пайтинг —  
Дафтарларинг борми ҳали?!

Моҳи гулим, оҳи дилим,  
Ёдимдасан, ёдимдасан.  
Гоҳи қўмсар оҳу дилим,  
Ёдимдасан, ёдимдасан...

## **НАЗИРА**

Енгил кўчар кўкда булутлар,  
Ота каби вазминдир қуёш.  
Сир бермайди қўшни йигитлар,  
Бир-бирига тилайди бардош.

Тобланади ўтда чирманда,  
Уйгонади кўхна дошқозон.  
Янгаларнинг лабида ханда,  
Акалар ҳам ғоят меҳрибон.

Хўрсинади қадрдан толлар,  
Болаликни яширади йўл.  
Гурунг қиласи сўрида чоллар,  
Дуо учун кўтаради қўл.

Қизлар сувга гуллар ташлайди,  
Давом этар ҳаёт ўйини.  
Гўё бутун қишлоқ яшайди —  
Кенжা қизнинг кутиб тўйини...

## УЙҚУДАГИ ГҮЗАЛ

Бодом күзлар юмуқ алдамчи,  
Киприкларки нозли сузилган.  
Қочмоққа шай қулоқлар жажжи,  
Бурун — қалам билан чизилган.

Қошлар гүё турна қаноти,  
Хомуш лаблар хиёл юмилган.  
Марваридлар — оғиз бисоти,  
Кулгичларда қуёш чўмилган.

Қора денгиз — соchlар тўлғониб,  
Қамал қилган оппоқ елкани...  
Эринасан, гўзал, уйғониб,  
Мен шўрликдан ҳатто кулгани.

Таърифларга ожиз дилкўча,  
О, табиат, сенда бор ўчим.  
Айта олдим кўш аноргача,  
Қолганига етмайди кучим!..

## **ҚИШЛОГИНГДА**

Карам баҳтли мендан, жонгинам,  
Томорқангда ўсар кеккайиб.  
Қулоғидан унинг тонгги дам,  
Тортқилайсан аста энкайиб.

Омадлидир мендан узум ҳам,  
Салом берар Сенга букилиб.  
Анор мендан минг карра хуррам,  
Қизаради боқсанг тикилиб.

Ариқ бўлиб оқиб билмадим,  
Оёғингда исмингни айтиб.  
Димогингта ёқиб билмадим,  
Райхон бўлиб намозшом пайти.

Бўлганимда тулнинг пояси —  
Олар эдим Сендан хуснлар.  
Бўлсам эди анжир сояси —  
Ўқир эдим Сенга афсунлар.

Эшик эмас ўртанган, менман,  
Кўлларингда эмасман калит.  
Баҳтсизликдан хўрланган менман —  
Остонангда бўлолмадим ит!..

\* \* \*

Бош тебратиб шовуллар қамиш,  
Кўл булбули қилади хониш.  
Бир қиз ўтар Ойдай ясаниб,  
Бу қиз энди менга нотаниш.

Товланади кўқда камалак,  
Кипригимга кўнар капалак.  
Бир қиз ўтар — сочи жамалак,  
Бу қиз энди менга нотаниш.

Дунё — кўздан қолган чол косиб,  
Гулни гулга кўрмас муносиб.  
Бир қиз ўтар кўнглимни босиб,  
Бу қиз энди менга нотаниш.

Янгаларнинг тинмас алёри,  
Созанданинг узилмас тори.  
Бир қиз ўтар — ўзганинг ёри...  
Бу қиз энди менга нотаниш.

## **МУҲАББАТ ЭМАС**

Тағин асир этди мени хаёлинг,  
Гарчи висолингни қилмайман ҳавас.  
Ётга насиб этди Ойдай жамолинг,  
Муҳаббат ҳам энди муҳаббат эмас.

Йиглайвериб охир юрагим тинди,  
Шайтоннинг бўйнида тилагим синди.  
Ахир бўлолмайсан меники энди,  
Муҳаббат ҳам энди муҳаббат эмас.

Гоҳи „синглим“ дедим, гоҳи „севгилим“,  
Армоним ўзингсан, кўл етмас гулим.  
Сени унутолмай қийналар дилим,  
Муҳаббат ҳам энди муҳаббат эмас.

Қийналса қийналсин мендаги кўнгил,  
Билмаса билмасин Сендаги кўнгил.  
Мен тақдирга кўндим, Сен ҳам жим кўнгил,  
Муҳаббат ҳам энди муҳаббат эмас.

Яна асир этди мени хаёлинг,  
Гарчи висолингни қилмайман ҳавас.  
Сен энди бироннинг баҳтли аёли...  
Муҳаббат ҳам энди муҳаббат эмас!..

## **БУГУН ТҮЙИНГ**

Бугун түйинг — сенга гулим йўқ,  
Сўз демоққа ҳолу тилим йўқ.  
Ёнарману, аммо кулим йўқ,  
Бугун түйинг — сенга гулим йўқ.

Турибман-ку чайқалиб аста,  
Гўё мендек олам ҳам хаста.  
Дардларимдан саралаб даста,  
Бугун түйинг — сенга гулим йўқ.

Айландинлар гуллар хазонга,  
Қизил севгим сариқ ҳижронга.  
Оқ соғинчим қора армонга,  
Бугун түйинг — сенга гулим йўқ.

Сенга атаб гуллар терардим,  
Гулдан сени яхши кўтардим.  
Гул не? Сенга жоним берардим,  
Бугун түйинг — сенга гулим йўқ.

Бугун түйинг — сенга гулим йўқ,  
„Хайр“га ҳам қодир тилим йўқ.  
Ёниб бўлдим. Ҳатто кулим йўқ,  
Бугун түйинг — сенга гулим йўқ...

## СҮНГТИ ИЛТИМОС

### I

Ёри жоним, дўстимсан доим,  
Қисмат экан бизга жудолик.  
Баҳтлар берсин сенга худойим,  
Бизнинг севги экан хатолик.

Уйингнинг бўл сўнмас қуёши,  
Асал бўлсин тўртта девори.  
Садоқатинг билсин йўлдошинг,  
Сен ҳам бўлгин танҳо дилдори.

Ўтинаман — мени унугин,  
Сен ўзингни ғамдан эт ҳалос.  
Ўтингчимни ёдингда тутгин,  
Сендан яна сўнгги илтимос:

Ҳаёт шодлик берса — севингин,  
Бало келса — қилгин сен тоқат.  
Суъда оққин, ўтда ён, лекин —  
Ёмонлама ёрингни фақат!..

### II

Ўғил бермиш сенга худойим,  
Тўнғич фарзанд муборак бўлсин.  
Умри бутун бўлсин илойим,  
Оқил, танти, довюрак бўлсин.

Оқ сутингни ололсин оқлаб,  
Эр етишиб қадрингни билсин.  
Фаришталар юрсинлар сақлаб,  
Мудом эзгу ишларни қилсин.

Дард, аламлар бузмасин тинчин,  
Насиб этсин баҳтли муҳаббат.  
Шунинг учун сўнгги ўтингчим —  
Севганини олиб бер фақат!..

## КУЗГИ ГУЛЛАР

Фунчани кутади тикан ва ҳазон,  
Кургани кўнглим йўқ кузги гулларни.  
Ёмғирлар айтади руҳимга азон,  
Эслайсанми Сен ҳам ўшал кунларни?

Осмонимдан учдинг мисли ситора,  
Қайтар йўлинг пойлаб менман овора.  
Бунга бунда умрим етмас, на чора,  
Эслайсанми Сен ҳам ўшал кунларни?

Севгилим, ўргатгин кунга кулишни,  
Севгимиз ўргатсин гулга сўлишни.  
Мен ҳам бир ўргатай кузга ўлишни...  
Эслайсанми Сен ҳам ўшал кунларни?

Дил дил эмас энди, лахта қон эрур,  
Гё юнгил бенур, тан бежон эрур.  
Армонли ҳисларга куз нишон эрур —  
Эслайсанми Сен ҳам ўшал кунларни?

Севгилим, ўргатгин кунга кулишни...

\* \* \*

Тушларимга кирасан ҳар тун,  
Ўшал кулгич, ўшал анжир лаб.  
Ўшал соchlар — ҳушимни бутун —  
Оғуши га қўйган занжирлаб.

Тушларимга кирасан ҳар тун,  
Ўшал кўзлар — ўшал бодомлар.  
Вужудимни эркалар гулгун —  
Ўшал нозлар, ўшал оромлар.

Тушларимга кирасан ҳар тун,  
Ўшал қошлар, ўшал киприклар.  
Тушларим бу — илоҳий афсун,  
Тақдир солган биллур қўприклар.

Тушларимга кирасан ҳар тун,  
Ўшал бўйин, ўшал майиз хол.  
Ўшал елка, ўшал бир жуфт гул...  
Таърифига тилим ҳануз лол.

Тушларимга кирасан ҳар тун,  
Ўшал висол, ўшал бўсалар.  
Жон бераман дийдоринг учун,  
Кошки эди уйғотмасалар!..

Тушларимга кирасан ҳар тун...

## ЮРАГИМДА

Ҳар кимнинг ҳам Ҳаққа айтар муножоти бор,  
Чумолининг ҳамки олам бузар доди бор.  
Йўлбарс қаби наъра солдим ишқ ичра куйиб,  
Юрагимда бир гўзалнинг гўзал оти бор.

Кўпни кўрган, кўпни терган бу кўхна олам,  
Тақдир гоҳи шодлик берган, гоҳи эса ғам.  
Мұҳаббатим ранги билан сурдим мен қалам,  
Юрагимда бир гўзалнинг шоҳ баёти бор.

Армон бўлди севгандарим, қора қўзим нам,  
Армон бўлди ёзгандарим, айтган сўзим ҳам.  
Армон бўлдим кимга балки менинг ўзим ҳам,  
Юрагимда бир гўзалнинг зўр муроди бор.

Бу дунёда ҳар кимнинг ҳам ўз фарёди бор,  
Кўнгил ичра сигингувчи танҳо зоти бор.  
Бобур бўлиб наъра солдим ишқ аро куйиб,  
Юрагимда бир гўзалнинг ўчмас ёди бор...

\* \* \*

Кўнглим, энди қандай юпатай сизни,  
Умр ўтаётир тентиб йўлларда.  
Армонимиз қолди турфа гулларда,  
Гулбаҳор эсламай қўйганмиш бизни.

Кўнглим, энди қандай юпатай сизни,  
Дилда муҳаббату, тилда сеҳр жам.  
Душманда нафрату, дўстда меҳр кам,  
Оқибат эсламай қўйганмиш бизни.

Кўнглим, энди қандай юпатай сизни,  
Бахтлиларга бизнинг дардлар кераксиз.  
Кутганимиз кутган — толе дараксиз,  
Саодат эсламай қўйганмиш бизни.

Кўнглим, энди қандай юпатай сизни,  
Сойдаги гулимиз тақдирга тутқун.  
Оидаги гулимиз ўзига мафтун,  
Моҳигул эсламай қўйганмиш бизни.

Кўнглим, энди қандай юпатай сизни,  
Латиф сўзингизни орзиқиб кутган.  
„Назира Сизга...“ деб борини тутган,  
Бокира эсламай қўйганмиш бизни.

Кўнглим, энди қандай юпатай сизни,  
Ошимиз совиган, бўм-бўш пиёла.  
Ёшлиқдаги хаёл — бағричўғ Лола,  
Нилуфар эсламай қўйганмиш бизни.

Кўнглим, энди қандай юпатай сизни...

## **НИМА ИШИ БОР**

Сочларимда баҳоримнинг қиши бор,  
Юрагимда армонларнинг ниши бор.  
Не қиласрим билмай тағин ҳайронман,  
Бу қизчанинг менда нима иши бор?

Жаннатдаги ҳурдай сулув юзлари,  
Латиф боқар оху мисол кўзлари.  
Дилни майин тортиб кетар сўзлари,  
Бу қизчанинг менда нима иши бор?

Мен-ку, майли, бир қадрдон топмадим,  
Махрами роз, улфати жон топмадим.  
Даҳр аро баҳтдан нишон топмадим,  
Бу қизчанинг менда нима иши бор?

Ғаним бўлса — менга ўлим тиларди,  
Ёрим бўлса — баъзан кўнглим биларди.  
Агар кўнса — суюк синглим бўларди,  
Бу қизчанинг менда нима иши бор?

Ишқ бобигига тушай десам, киши бор,  
Ёмон кўзли илонларнинг тиши бор.  
Мехр излаб сахро кезган Бобурман,  
Бу қизчанинг менда нима иши бор?!

## **АТИРГУЛИМ**

**Атиргулим, ғунча гулим,  
Ноз-карашманг мунча, гулим.  
Фунчаларинг кулган сайин —  
Суйимлисан шунча, гулим.**

**Атиргулим, суйган гулим,  
Қовоқларин уйган, гулим.  
Нозик атринг бўйлар кимлар,  
Менинг бағрим куйган, гулим.**

**Атиргулим, кулган гулим,  
Тиконлари тилган, гулим.  
На менга бир раҳм этган,  
На ҳолимни билган, гулим.**

**Атиргулим, сўлим гулим,  
Ҳажринг менга ўлим, гулим.  
Сен бировнинг боғидасан,  
Сенга етмас қўлим, гулим.**

**Атиргулим, ғунча гулим,  
Ситамларинг мунча, гулим.  
Қайси гул ўз булбулини —  
Қийнаб қўйган шунча, гулим?!**

\* \* \*

Сендан на хат, на бир қўнғироқ,  
Ул ваъдайи болинг ҳани, гул.  
Кўзларимдан беркиндинг йироқ,  
Сийнангдаги холинг каби, гул.

Хаёлингда балки йўқдирман,  
Ёдим менинг — ёввойи капитар.  
Юрагимга тушган чўғдирсан,  
Оловлатар ҳижронинг баттар.

Сени банди айлади турмуш,  
Хаёлларга бермайсан изн.  
Ташвишингда минг битта юмуш,  
Армонингда — биргина ўзим.

Бахтли бўлгин, мени кечиргин,  
Қийнамасин Сени ҳам фироқ.  
Кун ўтади. Армоним лекин —  
Сендан бир хат ёки қўнғироқ...

\* \* \*

Қолғандим ёмғир, қорда,  
Этигимдан муз ўтди.  
Роса ўттиз баҳорда,  
Юрагимдан қиз ўтди.

Сулув эди қиз, қурғур,  
Күнгил кетди ёшариб.  
Бир шеър, деманг, бўлмағур,  
Нетай Сиздан яшириб.

Кўнглим менинг ростданам,  
Ям-яшил япроқ бўлди.  
Судириди-ю ул санам,  
Жонимга ўртоқ бўлди.

Бирга ўйнадим, кулдим,  
У қиз чиндан шўх эди.  
Йигитлик қадрин билдим,  
Менга тараф йўқ эди.

Кейин у эрга тегди,  
Ўз ёримга қайтдим мен.  
Дил кўнишиб, бош эгди,  
„Тақдир шу...“, деб айтдим мен.

Эсласам, куяр бағир,  
Кўнгил кетар ўртаниб.  
Унга, нетай, мен, ахир —  
Қолган эдим ўрганиб.

Қолдим тагин мен қорда,  
Этигимдан муз ўтди.  
Айни ўттиз баҳорда —  
Юрагимдан куз ўтди...

## **НАСИБАХОН**

Сўрадим юлдуз, ойлардан,  
Сўрадим тоғу сойлардан.  
Менга айтинг, шу жойлардан —  
Насибахон ўтмадими?

Севги деган дардим буюк,  
Армонида бағрим куюк.  
Сўқмоқ, сендан мисли кийик —  
Насибахон ўтмадими?

Иstab тонг-у оқшомлардан,  
Кечдим қанча оромлардан.  
Сўраб кўрдим бодомлардан —  
Насибахон ўтмадими?

Сиз танийсиз уни, ахир,  
Кўргансиз-у, сақлайсиз сир.  
Уни топгум мен, барибир,  
Насибахон ўтмадими?

Ўзи сулув оҳудайин,  
Чеҳраси гул, зулфи майин.  
Кўргинг келар кўрган сайин —  
Насибахон ўтмадими?!

## ГУЛЖАНАР

Қоши камон, гўзал қиз,  
Лабларинг мисли фунча.  
Гулжанар қиз, асал қиз,  
Исминг чиройли мунча.

Юзинг сулув кундан ҳам,  
Нур ёғилар, жилмайсанг.  
Гулжанар қиз, чиндан ҳам —  
Ёниб турган гулдайсан.

Худо ҳуснингни берган,  
Таърифлашга нўноқман.  
Йўлчиман тоғда юрган,  
Овулингта қўноқман.

Овулингда бир қиз бор,  
У қиз Сенга дугона.  
Уни ўйлаб тун бедор,  
Ишқида кўйдим ёна.

Гулдек кўнгил ҳам, қурғур,  
Ёнар экан, Гулжанар.  
Кечак эдим мен Бобур,  
Бугун исмим — Дилжанар!..

Гулжанар қиз, жон синглим,  
Ичдим армон, едим фам.  
Қолли ёмғирда кўнглим,  
Қор остида севгим ҳам.

Дугонангга салом айт,  
Ҳеч бўлмасин кўзи нам.  
Сенга ёздим бир жуфт байт,  
Бахтили бўлгин ўзинг ҳам...

## ЧИМЁН СУЛУВЛАРИГА

Бу жойларнинг тоғлари  
Тушларимга киради.  
Гулларин дудоғлари  
Қалбимга бол беради.

„Қолинг...“ дединг, элингда —  
Насиба, қолар эдим.  
Дардинг бўлса дилингда,  
Гулжанар, олар эдим.

Қарап эдим тойчоқдай,  
Қиз қулуннинг кўнглига.  
Қовурғамни пичоқдай —  
Қўяр эдим йўлига.

Кўкка тулаш адирда,  
Чопишиб юрар эдик.  
Ногоҳ қўйтан ёмғирда —  
Қалишиб турар эдик.

Бу тоғларнинг тошига  
Қадам кўйсам, гул унар.  
Боқиб кўзин ёшига —  
„Қолгин“ десам, дил кўнар.

Кўнадию ҳайрон дил,  
Кўзлари баттар ёшли.  
Эрксизгина жайрон дил,  
Қафаси темир-тошли...

Бу жойларнинг тоғлари,  
Хушларимни олади.  
Гулларин қучоғлари —  
Бағримга ўт солади.

„Қол...“ дединг, жоним билан  
Насиба, қолар эдим.  
Дардингни ҳам чин дилдан —  
Гулжанар, олар эдим...

## МЕН СЕВГАН ҚИЗЛАР

Қизлар, қизлар, мен севган қизлар —  
Тоза чашма, покнигоҳларим.  
Мусичадай бегуноҳларим —  
Қизлар, қизлар, мен севган қизлар.

Завқу илҳом, армон бердингиз,  
Хаёлимдан гуллар тердингиз.  
Ваъдани гоҳ ёлғон бердингиз —  
Қизлар, қизлар, мен севган қизлар.

Соф муҳаббат хайли эдик биз,  
Мажнун эдим, Лайли эдингиз.  
Сўнг бировга „майли“ дедингиз —  
Қизлар, қизлар, мен севган қизлар.

Кўнглим — кудуқ, боқиб ўтдингиз,  
Кўл ушлатмай ёқиб ўтдингиз.  
Жилғалардай оқиб кетдингиз —  
Қизлар, қизлар, мен севган қизлар.

Тақдир Сизни ҳар ён тўзғитди,  
Юракларни согинч изғитди.  
Боғингизга борар из йитди —  
Қизлар, қизлар, мен севган қизлар.

Қалбимда Сиз ўшасиз ҳамон,  
Тушларимла бўлиб намоён.  
Йиллар ўтган сайин қадрдон —  
Қизлар, қизлар, мен севган қизлар.

Қизлар, қизлар, мен севган қизлар —  
Ёқутёноқ, оташдудоқлар.  
Тўзғиб кетған момоқаймоқлар —  
Қизлар, қизлар, мен севган қизлар.

Сиздек мунис, Сиздек беғубор,  
Кимим қолди, яна кимим бор.  
Айланиши рост бўлса Ернинг —  
Утрашсайдик ақалли бир бор!..

Қизлар, қизлар, мен севган қизлар...

## **TЎРТЛИКЛАР**

\* \* \*

Тавба, нақадар чиройли ботади қуёш,  
Секин сирғалиб тушади мисоли кўзёш.  
Севги алами ҳам шундай сўнади аста,  
Фақат қолади юракнинг бўлгани хаста.

\* \* \*

Кўзимда асрай Сени, қўймай мижгондан,  
Кўзларим оқи — кунинг, қораси — туниng.  
Кипригим васлинг йироқ туттай ҳижрондан,  
Кўз очиб юмгуңчадир ораси унинг.

\* \* \*

Ўв, муҳаббат! Агар кўчада қолсанг,  
Сени киритмайман уйимга, билсанг.  
Оҳ, муҳаббат! Чиққум қошингга ўзим,  
Ёлғизлатиб қўймам, сени, азизим...

\* \* \*

Бугун шикаста дилим яна-да синди,  
Илҳомим чашмаси ҳам ногаҳон тинди.  
Оҳларимдан бетоқат, эй сиз, яхшилар,  
Ёри азиздан сўранг, қайга беркинди?!

\* \* \*

Кунларим сочингдек қора, иқболим йўқдир,  
„Қайдасан?“ демоқдан ўзга саволим йўқдир.  
Ҳарчандки ҳажрингда бағрим ерга берибман,  
Сендан кўнгил узай деган хаёлим йўқдир.

\* \* \*

Кетдингу мен бемор бўлмишам,  
Мисли гули гулзор сўлмишам.  
Куним — тобут, туним лаҳаддир,  
Йўлингда зор, эй ёр, ўлмишам.

\* \* \*

Танимдаги жоним Сен эдинг, қаён кетдинг?  
Жонимда жононим Сен эдинг, қаён кетдинг?  
Мен ғарибнинг боши узра зўр қуёш эдинг,  
Моҳтоби жаҳоним Сен эдинг, қаён кетдинг?!

\* \* \*

Бу ҳақиқат кўхна, гарчи сийқамас:  
Сен севасан, аммо сени пайқамас.  
Сени дейди, лекин дейсан ўзтани,  
Гап топилмас дарддан бўлак ёзгани...

\* \* \*

Тақдир тоқат муҳрини ўйган,  
Дилни тортмас турфа ҳислар ҳам.  
Мени энди эсламай қўйган —  
„Унутмайман“, деган қизлар ҳам.

Мусичанинг кўзлари маъсум,  
Чап кўксимда сезаман оғриқ.  
Курб юзимга ёяр табассум —  
Мени энди севмаслар ортиқ...

\* \* \*

Ишқ оғуси руҳпарвар малҳам,  
Юрагимга қуюлган томчи.  
Фамсиз яшаш маъносиз алам,  
Севган киши буюк ёлғончи.

Бўсаларнинг сассиз жарангиги —  
Хаёлимга соясин солган.  
Менга маълум фунчанинг ранги,  
Муҳаббатим кўнглимда қолган...

\* \* \*

Мен учун йиғлагин, эшитсин худо,  
Менга тоқат сўраб қилгин илтижо.  
Сен туфайли ўтдим ҳаётда танҳо,  
Сенсиз ҳануз сиғмас кўнглимга дунё.

Мен учун қадаҳ ол, давраларда шод,  
Менга толеъ тилаб қилгин баъзан ёд.  
Сен туфайли этдим умримни барбод,  
Сенсиз ҳануз менинг топганим фарёд!..

\* \* \*

Муҳаббат, муҳаббат, яна муҳаббат...  
Дил салтанатида сирлар қатма-қат.  
Барчаси бетакрор, бари ўзгача,  
Фақатгина ҳижрон — тақдирларда хат.

Турмуш қилиб кетди бокира қизлар,  
Мен ҳам топгандекман баҳтни, ҳарқалай.  
...Гоҳ қалбни титратар ранго-ранг ҳислар,  
Армон номли фарзанд менда бирталай...

\* \* \*

Тун. Сукунат.  
Кўкда юлдуз бор эди.  
Фасли гул, баҳор эди.  
Йигит: „Кел, жонон“, деди,  
Сулов: „Йўқ, ёмон“, деди.

Ўтди йиллар,  
Учраши диллар.

Аёл: „Майли, оҳ“, деди,  
Эркак: „Эҳ, эвоҳ“, деди.

Тун. Сукунат.  
Кўкда юлдуз чўғ эди,  
Лек ул баҳор йўғ эди...

Буни ҳаёт дейди — унда армон кўп...



Йўлимнинг куп тошлари,  
Куч сўрайман кучимга.  
Дунёнинг кўзёшлари —  
Оқар менинг ичимга...

• • •

Кимнинг йўқдир отаси —  
савлати йўқ, шаҳди йўқ,  
Кимнинг йўқдир онаси —  
давлати йўқ, баҳти йўқ.

Кимнинг йўқдир фарзанди —  
исми бору, сони йўқ,  
Кимнинг йўқдир дилбанди —  
жисми бору, жони йўқ.

Бир қуш кўрдим ажойиб —  
растаси бор, ини йўқ,  
Пичоқ кўрдим ғаройиб —  
дастаси бор, қини йўқ.

Бир гул кўрдим ғалати —  
сурати бор, бўйи йўқ,  
Булбул кўрдим, водариғ,  
ҳасрати бор, куйи йўқ...

## **БИРОВНИНГ УЙИ**

Мен билдим — шўр экан кўзимнинг ёши,  
Жарангиз нағмадир тириклик куйи.  
Ўз уйида татир ҳар кимнинг оши,  
Чин ошён бўлолмас бировнинг уйи.

Руҳ қуши bemalol кезмайди бунда,  
Биров ҳеч ҳолингни сезмайди бунда.  
Сен учун кунглини эзмайди бунда —  
Мехрибон бўлолмас бировнинг уйи.

Жим кириб, жим чиқиб, босолмай қадам,  
Аристондан баттар бўлиб муттаҳам.  
Шарпадек титрайсан, ичингда алам —  
Ёри жон бўлолмас бировнинг уйи.

Бахти инсонларга келар ўхшагинг,  
Орзу-ҳавас ила тўлиб яшагинг.  
Демишлар: „Ўз уйинг — ўлан тӯшагинг...“  
Хонумон бўлолмас бировнинг уйи.

Товонини чақса ҳамки тикани,  
Ҳар кимнинг бор бўлсин азиз Ватани.  
Қизил гул тутса ҳам ётнинг чамани —  
Қадрдон бўлолмас бировнинг уйи.

## БИР ГҮДАК НОЛАСИ

Ул қаро тунлар ўтиб ёруғ тонглар отадир,  
Лекин мурғак қалбимга улкан армон ботадир.  
Юраккинам четида дардим йиғлаб ётадир,  
Жон берган эмас фақат, нон берган ҳам отадир.

Оталар ҳам, водариф, турфа бўлар эканлар,  
Атак-чечак йўлимга ғурбат сочди тиканлар.  
Бола ақлимга ҳайрон онам билан акамлар —  
Жон берган эмас фақат, нон берган ҳам отадир.

Сизни қандоқ ота дей, шул эдими аҳдингиз,  
Бир бор келиб кўрмоққа етмади ҳеч вақтингиз.  
Биздан афзал бўлдими кўчадаги баҳтингиз,  
Жон берган эмас фақат, нон берган ҳам отадир.

Дунёга келтирган кас фарзандидан тонса гар,  
Сўнг ўзганинг меҳридан гўдак кўнгли қонса гар.  
Билсин бу ҳолни кўриб кимнинг ичи ёнса гар —  
Жон берган эмас фақат, нон берган ҳам отадир.

Дегайлар: эл оғзига злак тутиб бўлмагай,  
Оллоҳдан бўлак ҳеч зот ким нимадир, билмагай.  
Савоб деб юрган инсон жаннатларда сўлмагай,  
Жон берган эмас фақат, нон берган ҳам отадир.

Гуноҳларга ботмайлик хато босиб қадамни,  
Тош отиб синдиримайлик кўнгил деган бодомни.  
Отам дер киши ўзин Одам қилган одамни,  
Қон берган эмас фақат, шон берган ҳам отадир!..

## НИМАГА ЎХШАР БУЛУТЛАР

(Русча қўшиқдан)

— Нимага ўхшар булутлар?  
Сўрайди мендан кўр ўғлим.  
Тилимдан кетмас сукутлар,  
Тополмай жавоб, зор кўнглим.

— Тушунтири, бўлса ҳам қандай,  
Менга ҳам олам ғаройиб.  
Сузарми улар елкандай,  
Бўларми чиндан тез ғойиб?

— Ҳа, бу рост, булутлар туси —  
Турфа хил бўлар аслида.  
Масалан, баргдек униси,  
Буниси ғарам шаклида.

Ҳов, ўхшар кулранг бўрига,  
Манов, балиқчи тўрига...

— Отажон, нечун қолдинг жим,  
Титроғинг сезар бармоғим.

Аламда сақлардим сукут,  
Индамай ўғлим сўзига.  
Зим-зиё тундай бир булат —  
Ўхшарди унинг кўзига...

— Нимага ўхшайди ранглар?  
Сўрайди мендан кўр ўғлим.  
Саволи қайта жаранглар,  
Жавоб тополмай зор кўнглим.

— Айт, ахир, яширма мендан,  
Дунёни келар англағим.  
Гуллар ҳам турфами чиндан,  
Айт, кайси ранг не ранглигин?

— Мана бу — қизил ранг, қайноқ,  
Лолада келтирап баҳор.  
Оқ ранг ҳам чиройли, оплоқ,  
Шу рангда ерга ёғар қор.

Онангдек сахий куз келса,  
Зардан поёндоз түшайди.  
Ям-яшил майсалар эса,  
Үзингга, ўғлим, ўхшайди...

Айтмадим, ўғлимга шунда,  
Қора ранг ҳақида фақат.  
Бу унга танишдир жуда,  
Шундоқ ҳам кўргани зулмат...

## ТИРНОҚҚА ЗОР КҮНГИЛ

Қай тил ила дардим мен баён этай,  
Қай дил ила ҳолим мен аён этай.  
Ҳасрат биёбони бўлди маконим,  
Мевасиз дарахтман, худойим, нетай.

Кун тунга уланиб йиллар ўтмоқда,  
Фунча туғиб турфа гуллар ўтмоқда.  
Бигиз кўзлар, заҳар тиллар ўтмоқда,  
Мевасиз дарахтман, худойим, нетай.

Тунлар нола қилиб, кунлар ўй сурдим,  
Бахтга аза очдим, ғамга тўй бердим.  
Сукунат изғиган баланд уй қурдим,  
Мевасиз дарахтман, худойим, нетай.

Болакай изидан йўлим боғланар,  
Минг бир армон билан кўнглим доғланар.  
Кафт очиб дуога қўлим чоғланар,  
Мевасиз дарахтман, худойим, нетай.

Қисмат тўғри бўлса, энди хато эт,  
Мол-дунё керакмас, майли, гадо эт.  
Илоҳим, менга ҳам фарзанд ато эт!..  
Мевасиз дарахтман, худойим, нетай.

\* \* \*

Яратган сенсан Оллоҳ,  
Фақат ўзингдан паноҳ.  
Бахтини айла ҳамроҳ —  
Болада нима гуноҳ?!

Ҳақдир тақдир шеваси,  
Ўтар умр теваси.  
Мұхаббатнинг меваси —  
Болада нима гуноҳ?!

Измингдадир ҳәётим,  
Сендан бордир ўётим.  
Маъюс этма баётим —  
Болада нима гуноҳ?!

Айбим сўра ўзимдан,  
Қон оқизма кўзимдан.  
Хор ундирма изимдан —  
Болада нима гуноҳ?!

Кесма умид боғини,  
Йиқитма дил тоғини.  
Билдирмагин доғини —  
Болада нима гуноҳ?!

Адолати бор, Оллоҳ,  
Банданг сенга зор, Оллоҳ.  
Раҳминг бўлсин ёр, Оллоҳ,  
Болада нима гуноҳ?!

\* \* \*

„Қиз кўрдинг“ деб бекор айблама аёлни,  
Биродар, илтимос, йиғиб ол хаёлни.

Эскилар гапини бир ўйлаб кўрарсан —  
Нима эккан бўлсанг, сен шуни ўрарсан.

Қизнинг ҳам муқаддас ўрни бор ҳаётда,  
Қизсиз олов қайда қўнгилу баётда.

Қиз борки она бор, опа-сингил бордир,  
Умрингта йўлдошу, қалбингга ҳам ёрдир.

Қиз кўриб, тарбия этганга мукофот —  
Жаннатнинг ваъдаси қилингани илтифот.

Қизи бор, демакким изи бор инсоннинг,  
Изидан бир яхши сўзи бор жаҳоннинг.

Қизи бор хонадон файзиёб, ободдир,  
Мехр ҳам оқибат, муҳаббат бунёддир.

Қиз кўрдим деб ўксиб, ранжитма Оллоҳни,  
Ношукур бўлиб сен — ортирма гуноҳни.

Дил муродга етиб, хуш ният ёр бўлсин,  
Фотима-Зуҳралар туғилсин, бор бўлсин!..

## ТУГИЛМАГАН ФАРЗАНД

Эсласам, кўзимда ёш,  
Зирқирап банду бандим.  
Кўнглимдаги оғир тош —  
Тугилмаган фарзандим.

Уриб турганда жони,  
Жом тўлиб оқди қони.  
Андишанинг қурбони —  
Тугилмаган фарзандим.

Муҳаббатдан яралган,  
Лек гуноҳ, деб қарабалган.  
Ҳам уволи сўралган —  
Тугилмаган фарзандим.

Савобим ҳам балки мўл,  
Аммо энди келмас қўл.  
Жаннат сари бермас йўл —  
Тугилмаган фарзандим.

Ўғилми, қиз попукдай —  
Бўлармиди дилбандим.  
Кетди кафан ҳам киймай —  
Тугилмаган фарзандим...

## ОНАДАН ЭРТА ЕТИМ ҚОЛГАН БОЛАЛАР ТИЛИДАН

### I

Гар она ёш кетса тақдирлар вайрон,  
Онаси ўлганга тангу тор жаҳон.  
Биз билан онамнинг руҳи саргардон,  
Биз фарзанд эмасми Сизга, отажон?!

Айрилиқ қўиди-ку бизларни ёқиб,  
Қайтмас бўлиб кетди шодликлар оқиб.  
Укамнинг кўзига билмайман боқиб,  
Биз фарзанд эмасми Сизга, отажон?!

Кимлар қиммат, бизлар арzon бўлдикми,  
Ниҳолдай бўй чўзмай, гулдай сўлдикми?  
Онам ўлиб ёки биз ҳам ўлдикми?!  
Биз фарзанд эмасми Сизга, отажон?!

Сўзим балки аччиқ, балки кўп малол,  
Эркакка керакдир албатта аёл.  
Лекин дилни ўртар факат бир савол —  
Биз фарзанд эмасми Сизга, отажон?!

Ахир, бағрингиздан бўлганмиз пайдо,  
Нечун меҳрингизга қилдингиз гадо.  
Сўзим куфр бўлса, кечирсин худо,  
Биз фарзанд эмасми Сизга, отажон?!

Биз ўгай бўлдикми энди, отажон?!

## II

Онам ўтгач, тўзғиб кетди уйимиз,  
Бизлар тез улғайдик ғам-ғусса tota.  
Катталар-ку, майли, етди бўйимиз,  
Кенжамиз кўчага ҳайдаманг, ота.

Онамнинг тупроғи совимай туриб,  
Ўзни ўзга хотин бағрига уриб,  
Ҳам энди иблиснинг гапига кириб —  
Укамни кўчага ҳайдаманг, ота.

Сиз уйда бўлсангиз чиқмадик томга,  
Тикка ҳам боқмадик борсак саломга.  
Сиз ҳам содиқ бўлинг „бузруквор“ номга —  
Укамни кўчага ҳайдаманг, ота.

Фарзанди доғида куйганни кўрдим,  
Тирноқ истаб алам туйганни кўрдим.  
Бироннинг боласин суйганни кўрдим —  
Укамни кўчага ҳайдаманг, ота.

Бизни бунёд этган султоним отам,  
Яхши дуо айланг — иймоним отам.  
Шайтонга ҳай беринг, Сиз жоним отам —  
Укамни кўчага ҳайдаманг, ота.

Еру кўк тебранар, эвоҳ, безовта,  
Тирикларга ҳайрон арвоҳ безовта.  
Қўрқаман, қиблагоҳ, Аллоҳ безовта...  
Етимни кўчага ҳайдаманг, ота.

**Укамни кўчага ҳайдаманг, Ота...**

## **ОНАМСИЗ ЎТДИ ТҮЙИМ**

Ой эгилган кечада,  
Эгилди баланд бўйим.  
Олов ёнди кўчада,  
Онамсиз ўтди тўйим.

Қариндошлар жам бўлди,  
Ёру дўст ҳамдам бўлди.  
Юраккинам кам бўлди —  
Онамсиз ўтди тўйим.

Қалбим каби Ой ярим,  
Кўздан оқди сойларим.  
Дилда — ночор жойларим,  
Онамсиз ўтди тўйим.

Отам четда хўрсинар,  
Сингилгинам ўксинар.  
Кўнгил яна бир синар,  
Онамсиз ўтди тўйим.

Ёрим яшнар ёнимда,  
Энг баҳтиёр онимда.  
Армон титрар жонимда —  
Онамсиз ўтди тўйим.

Яхши куним кўрсайди,  
Шоду хандон юрсайди.  
Дуо қилиб турсайди —  
Онамсиз ўтди тўйим.

Ой йиғлаган кечада,  
Ўйга уланди ўйим.  
Олов сўнди кўчада,  
Онамсиз ўтди тўйим...



## ОНАМ ҚАБРИ

Кипригимда соғинч әбри бор,  
Юрагимда ғурбат сабри бор.  
Замин узра топмасам қўним,  
Бухорода онам қабри бор.

Бориб айтсам бу мунгли арзим,  
Бутланарми дилдаги дарзим.  
Ҳеч кимдан йўқ бирор-бир қарзим,  
Бухорода онам қабри бор.

Одам эмас, шоирман кўпроқ,  
Саргардонман мисли бир япроқ.  
Мени қўллар энг азиз тупроқ —  
Бухорода онам қабри бор.

Куласа мен суянган қоя,  
Кун тифида топмасам соя.  
Балолардан айлар ҳимоя —  
Бухорода онам қабри бор.

Ўзга юртни айлаб ихтиёр,  
Ҳатто балки топгум эътибор.  
Лекин қайтар манзилим аниқ —  
Бухорода онам қабри бор.

Кўзларимда соғинч ёмғири,  
Армон экан дарднинг оғири.  
Тор экан-ку дунё охири —  
Бухорода онам қабри бор...

## **АСЛ ДҮСТИМ**

Бу дунёда дўст бўлса бор,  
Ул меҳрибон онам эди.  
Бошим узра ул ғамгусор —  
Борида, воҳ, на ғам эди.

Унар эдим топиб камол,  
Бағрида ҳеч кўрмай завол.  
Кўнглимда йўқ эди малол,  
Мижгонларим бенам эди.

Дил юмшарди сўзларидан,  
Гул яшнарди изларидан.  
Нурлар ёғиб юзларидан —  
Дийдорлари кўклам эди.

Гоҳ келиб, гоҳ қочар дунё,  
Пойимга зар сочар дунё.  
Гарчи бағир очар дунё —  
Чин давлатим онам эди.

Армонларим ким билгуси,  
Дард кўксимни жим тилгуси.  
Юрак ғамга лим тўлгуси —  
Асл дўстим онам эди...

## КЕНЖА ЎФИЛ

(Мұхаммад Юсуфга назира)

Йил қоралаб йил ўтди,  
Күзим қуриб, йиғладим.  
Жонга ғам оғу тутди,  
Бағри дилим тиғладим.  
Йўлим адашиб кетди,  
Ўз уйимга сиғмадим.  
Осмонини йўқотган —  
Ситораман, Онажон.

Янгаларим турса ҳам,  
Чаён-мордай эшилиб.  
Акаларим туртса ҳам,  
Хотинига қўшилиб.  
Майли эди юрса жам,  
Бошим узра, ишқилиб.  
Чироғингиз ёқмаган —  
Юзқораман, Онажон.

Ҳаёт мунис бешафқат,  
Қоқинаман қадамда.  
Бекаслик оғир қисмат,  
Оғринаман аламда.  
Бағрингиз эди жаннат,  
Софинаман ҳар дамда.  
Паноҳидан айрилган —  
Дилпораман, Онажон.

Баҳоримда йиғлар куз,  
Хазон дардим айтадир.  
Юрагимда ёнар муз,  
Дилга мадор қайдадир.  
Сизни топмай лол, маъюс,  
Нигоҳларим қайтадир.  
Қадрингизни сезаман —  
Тобора ман, Онажон.

Ёлғизнинг худо ёри,  
Топарман-ку йўлимни.  
Шукур, насибдир бори,  
Паст этмади қўлимни.  
Фақат тинмайди зори —  
Хаста, мажруҳ кўнглимни...  
Меҳр излаб, барибир,  
Бечораман, Онажон.

То сўнгги дам болам деб,  
Кўксингизда қумрингиз.  
Уйим деб-у, далам деб,  
Куйиб ўтди умрингиз.  
Ҳаққа етди нолам деб,  
Шод бўларми руҳингиз.  
Изингиз обод истаб —  
Овораман, Онажон...

## ОНАМГА ДЕБ

(Хумоюнмирзо Далербекка)

Хурсанд бўлдим — нигоҳ солдим оламга деб,  
Ўйнаб, кулдим — мунг ярашмас ноламга деб.  
Авваллари сўрамабман ўзимдан ҳеч —  
Нима қилдим ёлғизгина онамга деб.

Меҳри билан мурғак жоним ўсар эди,  
Менга келган балоларни тўсар эди.  
Юрагимни минг бир армон кесар энди —  
Нима қилдим ёлғизгина онамга деб.

Бол тотмадим алла айтган сўзи каби,  
Вафодор йўқ зор-интизор кўзи каби.  
Тополмадим бир меҳрибон ўзи каби,  
Нима қилдим ёлғизгина онамга деб.

Қатор-қатор уйлар солдим, тўйлар бердим,  
Алвон-алвон кимлар учун гуллар тердим.  
Улгураман, ҳали вақти бўлар дердим,  
Нима қилдим ёлғизгина онамга деб.

Омад сўраб, олган эдим дуосини,  
Топдим ҳатто дунёларнинг дунёсини.  
Аммо нетай пушаймон дил нидосини —  
Нима қилдим ёлғизгина онамга деб.

Жон бўлмадим — жони дардлар туйганида,  
Жигаримнинг доги билан куйганида.  
Ожиз қолдим — ажал уни сўйганида,  
Нима қилдим ёлғизгина онамга деб.

Кечроқ қайтсам — илҳақ, бедор кутар эди,  
Сув сўрасам — дарров чойлар тутар эди.  
Гоҳ койинсам — ичларига ютар эди,  
Нима қилдим ёлғизгина онамга деб.

Менинг ғамим маъюс қилди кўзларини,  
Сочини оқ, ажин босди юзларини.  
Энди йиғлаб излаб қолдим изларини,  
Нима қилдим ёлғизгина онамга деб.

Аччиқ-аччиқ кўзёш айлар ҳўл дийдамни,  
Мен ўзимга ўзим топдим шул ситамни.  
Ахир... Ахир соғинганман волидамни,  
Нима қилдим ёлғизгина онамга деб.

Онангиз гар бор бўлсалар, мадор бўлинг,  
Ғанимат деб хизматига тайёр бўлинг.  
Бобур каби сўнг ўртамнанг, хушёр бўлинг —  
„Нима қилдим ёлғизгина онамга деб?!“

Ўтда юрдим, сувга кирдим — боламга деб,  
Ёрнинг ишқи уланар қалб толамга деб.  
Афсус, афсус, ўйлаб қолдим бўлганда кеч —  
Нима қилдим ёлғизгина онамга деб...

\* \* \*

Отаси бор одамнинг кўнгли бошқача экан,  
Бир қўли юлдузгача, бири ошгача экан.  
Товонига кирса ҳам қалбига ботмас тикан —  
Отаси бор одамнинг кўнгли бошқача экан.

Ўн фарзанди йиғилиб бир отани боқолмас,  
Ё уйининг чироғин тинч, хотиржам ёқолмас.  
Ота учун ҳар бирин ўрни бўлак, йўқолмас —  
Отаси бор одамнинг кўнгли бошқача экан.

Ўлимни билмас киши, дейди: „Ҳали отам бор“,  
Уницидир баҳт қуши, мудом унга омад ёр.  
Чиқса ҳам ақл тиши, боладек безътибор —  
Отаси бор одамнинг кўнгли бошқача экан.

Бошига иш тушса ҳам, ёв турса ҳам тизилиб,  
„Воҳ орқам“ деб ўртаммас, жигар-бағри эзилиб.  
Бу дунёнинг ками ҳам туравермас сезилиб —  
Отаси бор одамнинг кўнгли бошқача экан.

Бобур айтар: „Аё дўст, отанг-ла фахр айла,  
Сотса ҳамки рози бўл, амрига сабр айла.  
Дуосини олиб қол, бор пайти қадр айла —  
Отаси бор одамнинг кўнгли бошқача экан“.

## **МЕХРИБОН ОНАНГ БЎЛСА**

**Юрагингда ғам бўлмас — меҳрибон онанг бўлса,  
Ғам чеккани дам бўлмас — меҳрибон онанг бўлса.**

**Бахтли кечар онларинг, дард билмагай жонларинг,  
Кулфатларинг ҳам бўлмас — меҳрибон онанг бўлса.**

**Изингда қолиб кўзи, асрагай сени ўзи,  
Кипригингда нам бўлмас — меҳрибон онанг бўлса.**

**Наво солиб сеҳридан, даво олиб меҳридан,  
Руҳинг ўчган шам бўлмас — меҳрибон онанг бўлса.**

**Баланд билиб иззатин, мудом қилгин хизматин,  
Азиз бошинг ҳам бўлмас — меҳрибон онанг бўлса.**

**Бобур, онангни ёд эт, руҳи поқини шод эт,  
Парча кўнглинг кам бўлмас — меҳрибон онанг бўлса.**

## **ОТАНИ АСРАШ КЕРАК**

**Оллоҳ берган давлатинг — отани асраш керак,  
Қиблагоҳ ғаниматинг — отани асраш керак.**

**Умрингнинг зўр устуни, касбу коринг мазмуни,  
Иймонингнинг бутуни — отани асраш керак.**

**Келтирган ким ҳаётга, сўнг қўтарган қанотга,  
Етай десанг муродга — отани асраш керак.**

**Ушалгай ҳар армонинг, қуrimагай дармонинг,  
Парвардигор фармони — отани асраш керак.**

**„Бузруквор“ де фаҳр-ла, хизматин қил сабр-ла,  
Тиригид қадрла — отани асраш керак.**

**Олтин бўлар тупроғинг, яқин бўлар йироғинг,  
Ҳам ўчмагай чироғинг — отани асраш керак.**

**Борига қилгин шукр, рози этгин бир умр,  
Дуосини ол, Бобур, отани асраш керак.**

## **ГУЛНИНГ ЁДИ**

*(Укам Баҳриддин хотирасига)*

Ўлимнинг йўқ андишаси,  
Раҳм этмас фариштаси.  
Бу не алам, ёшлиқ пайти —  
Узилса умр риштаси.

Баҳор фасли ёдга келар,  
Гулнинг руҳи шодга келар.  
Фунча кўрмай хазонлигин —  
Эсласа, дил додга келар.

Билганидан қолмас тақдир,  
Келганга йўл, кетмоқ нақддир.  
Икки эшик орасида —  
Дунё ёлғон, ўлим ҳақдир.

Кўнгил эса алам туяр,  
Бардошимга оғу қуяр.  
Эсга тушиб гулнинг ёди —  
Жигар-бағрим баттар қуяр...

## **БАХРИДДИН**

Ўхшар эдик иккимиз,  
Фақат у сал шўх эди.  
Кўнгил овлаш, шумлиқда,  
Унга тараф йўқ эди.

Уч ўғилнинг кенжаси —  
Эркатою, ёқимтой.  
Жони эди одамнинг,  
Сув деса, тутарди чой.

Тўнғич эдим, укамни —  
Гоҳ койиб, гоҳ мақтардим.  
Юракдаги чин меҳрим —  
Жигаримга атардим.

Севинардим кўрганда —  
Бўйимдек қоматини.  
Ўзимдан ҳам ўтсин деб,  
Сўрардим омадини.

Укам чиндан ўтди кўп,  
Мендан баъзан ҳар ишда.  
Унга дўсту ёр бўлди —  
Омад деган фаришта.

Тўғри, гоҳи бу турмуш,  
Йигит бошин ҳам этар.  
Этиб алиф қаддини,  
Кўнглини ҳам кам этар.

Нолимасди лек укам,  
Унга маълум буёғи.  
Яшарди гўё бекам,  
Кўз тегди охир чоги.

Хаёлимда укамнинг  
Чиройли кўз, қошлари.  
Синдириди-ку қалбимни —  
Шум айрилик тошлари.

Яшайверса бўларди,  
Шундай кўзу қош билан.  
Афсус, ўтолмас укам —  
Мендан энди ёш билан...

\* \* \*

Жудоликнинг етдим жабрига,  
Тош ҳам ҳайрон инсон сабрига.  
Ҳеч вақт ўтмай вафотидан сўнг —  
Ёмғир ёғди укам қабрига.

Юмшоқ тупроқ, майин, ҳўл тупрок,  
Юргандан ҳам ётган мўл тупроқ.  
Ёлвораман тиз чўкиб Сенга —  
Сен укамга енгил бўл, тупроқ!..

## ХОТИРА

Авжи баҳор гулим куйди,  
Исмин айтсам тилим куйди.  
Ҳузурига эслаб бориб,  
Эслаб қайтсам — дилим куйди.

Қадрдоним, қадрим кетди,  
Богимдан хуш атрам кетди.  
Бардошим мўл эди, аммо —  
Бугун чидам, сабрим кетди.

Кўз тегдими тоғларимга,  
Хазон тушди боғларимга.  
Дард қўшади дўстнинг ёди —  
Кўнгилдаги доғларимга.

Шум айрилик ханда отди,  
Дилга ногоҳ ханжар ботди.  
Дўст-ла шодон юрган кўнглим —  
Фам кўлидан заҳар тотди.

Шоми фироқ бўлди тийра,  
Дил ойнаси занглаб, хира.  
Ишонмайман айрилиққа,  
Жудоликка кўнмам сира.

Айтиб кўнгил ноласини,  
Тўқдим кўзим жоласини.  
Тополмадим баҳоримнинг —  
Бевақт кетган лоласини.

Авжи баҳор гулим куйди,  
Исмин айтсам тилим куйди.  
Қошига мен эслаб бориб,  
Эслаб қайтсам — дилим куйди.

Ҳаёт йўлдир, йўлдир асли,  
Унда меҳмон инсон насли.  
Титратади юракларни —  
Баҳордаги хазон фасли...



\* \* \*

Ногаҳон кўзингтга дунё қоронғу,  
Ўзингники бўлмай қолар хаёлинг.  
Яхши эмасмиди юттанинг оғу —  
Сендан нима кўрдим деса аёлинг.

Заминни титратиб босардинг қадам,  
Осмонни айланар эди шамолинг.  
Топилмас сендан-да бечора одам —  
Сендан нима кўрдим деса аёлинг.

Эрни эр ёки ер айлайди ўзи,  
Ундандир равнақинг ёки заволинг.  
Яқинлашди дегин қиёмат рўзи —  
Сендан нима кўрдим деса аёлинг.

Бир боқсанг оловдир, бир боқсанг гулдир,  
Иста, ён, хоҳла, кул — ихтиёр ҳолинг.  
Ичингдан душманнинг чиққани шулдир —  
Сендан нима кўрдим деса аёлинг.

Мардлигинг чикора, недир савлатинг,  
Үйингда бўлмаса тинчу иқболинг.  
Қайдадир бор экан демак гафлатинг —  
Сендан нима кўрдим деса аёлинг.

Асрса, гар учраса солиҳа хотин,  
Йўқса, эй дўст, олма дилга малолинг.  
Жонга эгов бўлар, дўзахга ўтин —  
Сендан нима кўрдим деса аёлинг...

\* \* \*

Гоҳ ёлғон, гоҳ эса чиндайсан,  
Хаёлим чалғитиб тинмайсан.  
Ўзингсан жонимнинг қозиги,  
Сен мени мунча ҳам қийнайсан.

Жонимни ёқасан, ўйнайсан,  
Маломат тақасан, қўймайсан.  
Чақасан, чақасан — тўймайсан,  
Сен мени мунча ҳам қийнайсан.

На тоқат, на шафқат қилмайсан,  
Бор-йўғим назарга илмайсан.  
Оҳ, наҳот, кўнглимни билмайсан,  
Сен мени мунча ҳам қийнайсан.

Мен чидаб юргандим қаҳрингта,  
Ўзимни бергандим маҳрингга.  
Даво деб ўргандим заҳрингга,  
Сен мени мунча ҳам қийнайсан.

Бу дунё армонга ёр экан,  
Гоҳ игна кўзидаи тор экан.  
Лолада ҳам тикан бор экан,  
Сен мени мунча ҳам қийнайсан.

Пойлагин бир умр, анқоман,  
Қўлингга тушаман гоҳо ман.  
Мен шундай ёлғизман, танҳоман...  
Сен мени мунча ҳам қийнайсан.

\* \* \*

Кўролмасанг — ўзингга ахир,  
Мих урайми кўзингта ахир.  
Бол бойлама сўзингга, ахир,  
Дўст чиқмайди сендан барибир.

Тандирмисан, билмам, темирдан,  
Гап ёпасан ифво хамирдан.  
Тўлиб кетган ичинг кўмирдан,  
Дўст чиқмайди сендан барибир.

Дўст кўринган ёвда кўп фириб,  
Фаламислар сўзига кириб,  
Юрак-багринг кетмоқда ириб,  
Дўст чиқмайди сендан барибир.

Шўринг курсин сен бечоранинг,  
Қалби сўқир, манглай қоранинг.  
Дўст бўлай деб уринсам ҳам минг,  
Дўст чиқмайди сендан барибир.

Илон — аждар бузар инини,  
Ёмон ханжар узар қинини.  
Сен кабилар билмас динини,  
Дўст чиқмайди сендан барибир.

Қарғамагин сен мени бекор,  
Оллоҳимга бўлганман икрор.  
Ўзи бўлар менга мададкор,  
Дўст чиқмайди сендан барибир...

\* \* \*

Сен мени англагунча  
бу дунё адо бўлар,  
Додимни тинглагунча  
додим бесадо бўлар.

Ёнма-ён кетгунингча  
чиқиб бўлгум йўлимдан,  
Қалримга етгунингча  
хабар келар ўлимдан.

Дардимни билгунингча  
тарғарайи жон ўтар,  
Дармоним бўлгунингча  
бору йўқ имкон ўтар.

Розимизми, норози,  
умрим етар поёнга,  
Чорлайди холис қози,  
руҳим кетар осмонга.

Оғринсанг, оғринмасанг,  
кўнгил эди дилдорим,  
Софинсанг, соғинмасанг —  
армон энди дийдорим.

Ниятингта етарсан,  
мен ҳам тиним оларман,  
Сен ·ку ёлғиз кетарсан,  
мен дилларда қоларман!

## АТТАНГ

Қайдан кўрдим қай куни,  
Хуш кўринди кўзимга.  
Оққанд бериб сўнг уни —  
Мен ўргатдим ўзимга.

Яшар эди ёнимда,  
Вафодор бўлар дедим.  
Аlam ёнса жонимда,  
Гоҳ мадор бўлар дедим.

Суйкалади, ғингширди,  
Ўз ҳолимга қўймасди.  
Суяк отсам, тинчирди,  
Ширин гапга тўймасди.

Аввал парво қилмадим,  
Шира босди кўзини.  
Кутурдими, билмадим,  
Унуди у ўзини.

Кўтарганда қаддини,  
Шодланибман мен нодон.  
Ногоҳ билмай ҳаддини,  
Олди оёқдан ёмон.

Думини қилиб хаданг,  
Юрсам дейди от миниб.  
Кучук олгандим, аттанг,  
Суриштирумай зотини...

## **КЎҲНА ҲИКОЯТ**

*(Ҳазил)*

Донни ташийди сичқон,  
Сичқонни овлар мушук.  
Мушукни айлаб сарсон,  
Кун бермас унга кучук.

Ит ҳам қолади бесас,  
Учратса гар бўрини.  
Аммо бўрининг йўлбарс —  
Курилади шўрини.

Йўлбарсни енгади шер,  
Арслонни эса аждар.  
Аждарни қулатар эр —  
Қўлидаги тиф, ханжар.

Мард шилиб ёв пўстларин,  
Гошга ўяр отини.  
Лек эркакни, дўстларим,  
Уйда ейди хотини...

## **ИНСОН ВА ИТ**

Замин узра тўзғиб излари,  
Кезаркан оч, нотавон, дайди.  
Гўё сўзлар итнинг кўзлари —  
„Одам бахти менда бўлсайди...“

Иродаси гарчи мустаҳкам,  
Баъзан чарчаб, истаб тинимни.  
Инсон дейди: „Мехрибон эгам,  
Ит бошига солма кунимни...“

## ЎҚИГАННИ

Ўнг этгум деб кўп уринманг ёлғон тушни,  
Сиз ишонманг қисматдан лоф тўқиганга.  
Қафас ичра гирён қўйманг икки қушни,  
Ўқиганни беринг фақат ўқиганга.

Бахти ғариб келинчакка тул кулади,  
Эгаси йўқ кўнтил боғи кул бўлади.  
Гулни гулга қўшмас экан — гул сўлади,  
Ўқиганни беринг фақат ўқиганга.

Зоғнинг балки зоғга ёқар овози бор,  
Бургутнинг ҳам бургут билан парвози бор.  
Иқболи бут — кимнинг агар ҳамрози бор,  
Ўқиганни беринг фақат ўқиганга.

Кумри хандон „ку-ку“лашар қумри билан,  
Кўз чиқарманг эгри қошнинг амри билан.  
Инсон яшар биттагина умри билан —  
Ўқиганни беринг фақат ўқиганга.

Сиз адашманг умрнинг сир савдосида,  
Кўп ишонманг „тақдирда кўз йўқ“ деганга.  
Умидларнинг орзу-армон дунёсида —  
Ўқиганни беринг фақат ўқиганга...

## ИККИ ДЎСТ

Йиғлаб турсам — кулмайди,  
Кулиб, дилим тилмайди.  
Икки содиқ дўстим бор —  
Хиёнатни билмайди.

Гоҳ эгилиб қоматим,  
Қайтганида омадим.  
Одамлар орасида —  
Улардек дўст топмадим.

Кўзим ёғин ялар ким,  
Кўнгил боғим талар ким.  
Бу икки дўстим эса —  
Ҳамдард бўлар менга жим.

Тириклидан не ғам бор,  
Беҳуда чекмам озор.  
Аламидан кутқарап —  
Бири дўсту, бири ёр.

Бири кўнгил фиғоним,  
Тутун тўлган осмоним.  
Қадаҳ ичра бошқаси —  
Кўз ёшиму, дил қоним.

Дунё кетганда хобга,  
Кўнгил келар кўзгача.  
Тамакию шаробга —  
Мехрим шундан ўзгача...

## ҚҮЙМАГАЙЛАР

Ким кўз тикмиш молингга,  
Ким ҳушёр аъмолингга.  
Одамлар, эҳ, одамлар,  
Қўймагайлар ҳолингга.

Зимдан қараб турарлар,  
Гўё ғамхўр юрарлар.  
Ногоҳ наштар урарлар —  
Қўймагайлар ҳолингга.

Умр титроқ шам экан,  
Ушбу дамлар дам экан.  
Холис одам кам экан —  
Қўймагайлар ҳолингга.

Ҳасад каж нигоҳ эрур,  
Дил ахир огоҳ эрур.  
Дўст танҳо Оллоҳ эрур —  
Қўймагайлар ҳолингга.

Ўзинг гоҳ ўзингга ёт,  
Сенингмасдай бу ҳаёт.  
Одамзод, эҳ, одамзод,  
Қўймагайлар ҳолингга...

## АВВАЛГИДЕК БҮЛМАЙДИ

Дарз кетди чинни коса,  
Кўнгил энди тўлмайди.  
Уринсак ҳам биз роса —  
Аввалгидек бўлмайди.

Юзу кўзни билмадик,  
Шарми худо қилмадик.  
Бехижолат кулмадик,  
Аввалгидек бўлмайди.

Аччиқ-аччиқ зардалар,  
Дилга берди зарбалар.  
Кўтарилди пардалар,  
Аввалгидек бўлмайди.

Тегиб юзларга қора,  
Юраклар бўлди пора.  
Изласак ҳам бир чора —  
Аввалгидек бўлмайди.

Гап чиқиб раиятга,  
Одам ўлди уятга.  
Кимлар етди ниятга —  
Аввалгидек бўлмайди.

Гар узримиз эрта-кеч,  
Кўрқаманки энди кеч.  
Харна бўлар, лекин ҳеч —  
Аввалгидек бўлмайди...

\* \* \*

Билмам, мени рақиб билдингиз нечун,  
Кўролмай қийналиб, бўлиб овора.  
Ахир рост сўзимни айтганимда чин —  
Мен ожиз бир банда, гарип бечора.

Отам куйсин дейсиз менинг дофимда,  
Тўлғонасиз тунлар айланиб кулга.  
Фақат менинг қайсар кўнгил боғимда —  
Сиз отган кесаклар кирдилар гулга.

Сиз сузган денгизни ўтаман ҳатлаб,  
Сиз чиққан чўққига тушмайди соям.  
Эрк ҳамда эҳтирос — мендаги матлаб,  
Юксакроқ яшамоқ — самимий foям.

Майли, менга истанг мудом ёмонлик,  
Уруш эълон қилинг такрор ва такрор.  
Барibir соғиндим сизга омонлик,  
Мен сизга муҳаббат этаман изҳор!..

## **ОСМОНЛАРНИ**

Ваъда қилма гулу гулзор, бўстонларни,  
Осмонларни кўрсат менга, осмонларни.  
Сенга айтай кўнглимдаги достонларни,  
Осмонларни кўрсат менга, осмонларни.

Товонларим тўлди менинг тиконлардан,  
Чорасизман қўйнимдаги илонлардан.  
Кутулмадим дилни тилган армонлардан,  
Осмонларни кўрсат менга, осмонларни.

Қарғиш теккан давраларда(н) кўзим тинди,  
Фийбатларга кучим етмай сўзим синди.  
Ўз дардимга дармон излай ўзим энди,  
Осмонларни кўрсат менга, осмонларни.

Дардларимни Ой нурига битар бўлдим,  
Оллоҳимдан танҳо најот кутар бўлдим.  
Бошим олиб жаннатларга кетар бўлдим,  
Осмонларни кўрсат менга, осмонларни.

Осмонларни кўрсат менга, осмонларни,  
Мен худога солдим энди ёмонларни...

## БАЪЗИДА

Шундай дамлар бўлади,  
Дарз кетар гўё дунё.  
Бағринг недир тилади,  
Аралашиб чин-рўё.

Билиниб каму кўстинг,  
Тоғлар қулар устингга.  
Панд бериб ё бир дўстинг,  
Сомон тиқар пўстингга.

Кўзинг олди тинади,  
Қайда савоб ё гуноҳ.  
Сенда недир синади,  
Топилмайди бир паноҳ.

Сигинганинг „пирим“ деб,  
Чиқса шайтон қавмидин.  
Инсоф сотса кирим деб,  
Асра ўзинг, явмиддин!

Ихлосдан кўрмай самар,  
Тополмасанг адолат.  
Алласалар ҳар сафар,  
Гуллайверса разолат.

Сен барибир бардам бўл,  
Кучинг етмаса — кутгин.  
Иймонингга маҳкам бўл,  
Қалбингни бутун тутгин.

Шундай дамлар бўлади,  
Ёндиради ковушинг.  
Ичингдан дод келади,  
Чиқмас аммо товушинг.

Кимлар нима деса дер,  
Маъюс, музтар ўкинма.  
Маза қилиб ёзгин шеър,  
Мискин-мискин сўкинма!..



Булбул майна бўлар қарға-зоғларга,  
Шудринг айлаб бедор кўзида ёшни.  
Одамзод қўл силтар юксак тоғларга,  
Қоқилади кўрмай кичкина тошни...

*Лоиқдан*

Шоирлар гуноҳи савобдан яхши,  
Аччиқ кўз ёшлари шаробдан яхши.  
Шошилинг уларнинг бағри базмиға,  
Оҳларин тутуни кабобдан яхши.

*Лоиқдан*

Ўзимга ўзимдан бўлак табиб йўқ,  
Ўзимга ўзимдан бўлак ҳабиб йўқ.  
Умр шундай ўтса, билганим шулки —  
Ўзимга ўзимдан бўлак рақиб йўқ!..

## **ЎЗИМГА НАСИҲАТ**

Шабнам бўлсанг арзир,  
                  кипригинг нам илмасин,  
Сени бирор билиб,  
                  майли, бирор билмасин.  
Бир кун булут бўлгин,  
                  армон бағринг тилмасин,  
Камбағал ҳақорат,  
                  бой хижолат қилмасин!..

\* \* \*

Қанду бол оққан лабдан,  
Оғу томмоғи бордир.  
Тийилгин ғийбат гапдан,  
Баҳслашиш ҳам бекордир.

Сукутда ақл тайин,  
Михга ўхшат гумонни.  
Қанча урганинг сайин,  
Шунча қийнайди жонни...

### АГАР

Агар ихтиёр бўлса,  
Яшаш баҳти ёр бўлса.  
Муҳтоҗликни кўрмасдим,  
Исрофга йўл бермасдим.

Бўлсайди менда имкон,  
Яшар эдим бегумон —  
Ўзага тобе юрмай,  
Бировга буйруқ бермай...

### ДАРВЕШ

*Шавкат Музаффарға*

Ҳеч нарса йўқ, ҳеч вақо,  
Баттар қилмайсан парво.  
Курбу қувватинг сезиб —  
Ларзага келар дунё.

Сокинсан тоғлар каби,  
Тўкинсан боғлар каби.  
Озод, обод Буюк Зот,  
Эркинсан зоғлар каби...

## **ОМАДИ ГАП**

**Миллийлик майлига-ку,  
Миллатчилик лек ёмон.  
Момо Ҳаво кўрпасин —  
Хар ким тортар ўз томон.**

**Юртим десин, майлию,  
Маҳаллийчилик ёмон.  
Одам Ато қулбасин —  
Хар ким бўлар ҳар томон...**

## **ЭПИГРАММА**

**Тортга ўхшар бу ўртоқ,  
Шундай оппоқ, бўрсилдоқ.  
Лекин ачиган ичи,  
Вақти ўтгандир бироқ.**

## **МАНОВ**

**Тоза эмас — този одам,  
Кайда ундан рози одам.  
Хотининг суйкалсаю,  
Онасига қози одам...**

\* \* \*

Барчага бир чиқмаса Ой,  
Саодатда саодат йўқ.  
Қайишмаса ғарибга бой —  
Адолатда адолат йўқ.

Гар кўпайса оғзи ботир,  
„Соч“ деса бош олар шотир...  
Кўнгил шундан кўп хавотир,  
Жасоратда жасорат йўқ.

Кўз кўрар не тушса бошга,  
Лек айримлар хили бошқа.  
Дили бошқа, тили бошқа,  
Итоатда итоат йўқ.

Бирда савоб, бирда гуноҳ,  
Оқибатда оқибат йўқ.  
Топилгайми бирор паноҳ,  
Каффоратда каффорат йўқ...

## ЙЎҚЧИЛИК

Ғам-ғусса нуратар кўнгил тўрини,  
Кўзёшинг ортириар замин шўрини.  
Мурда топавермас баъзан гўрини...  
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Болантнинг қўзига қаролмайсан гоҳ,  
Оғайнинг корига яролмайсан гоҳ.  
Ўзингта юз чидаб сўролмайсан гоҳ,  
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Ташвишлар ўрайди тўрт томонингдан,  
Суяк чиқиб қолар еяр нонингдан.  
Ўзингники ногоҳ ўтар жонингдан,  
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Аталага ҳам гоҳ ботмайди тишиңг,  
Топилмай қолади бир йўқлар кишинг.  
Номарду пастларга тушади ишиңг,  
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Аламлар сўндирап ҳаёт шамингни,  
Елкадан қўясан бир кун ғамингни.  
Токай яширгайсан, ахир, камингни,  
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Тўғри, худо билар — ким қачон кетар,  
Лек етишмовчилик дилинг хун этар.  
Хуснингдан айирар, кунинг тун этар,  
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини.

Орзу боғи дарддан беради ҳосил,  
Ўйлайвериб охир бўласан-ку сил.  
Осилсанг ҳам, Бобур, сал пастроқ осил,  
Йўқчилик йиқитар йигит зўрини...

## **ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ**

Мунчоқ кўзи жовдираб чунон,  
Чўчиб юрар ҳар жойда қўён.  
Ҳадик уни қўймас бемалол,  
Кўрқоқлиги шундан эҳтимол.

**Инсонга бу не учун керак?**

Юксалмоққа тополмай чора,  
Тик юролмай бўлар овора.  
Аламини тутганча пинҳон —  
Судралишга маҳкумдир илон.

**Инсонга бу не учун керак?**

Бўри балки тўймас ҳеч қачон,  
Шунинг учун очкўз, беомон.  
Терисини асраш-чун балки,  
Айёрикла устадир тулки.

**Инсонга бу не учун керак?**

Фаросатда оқсаган эшак,  
Кўполлигин кўрсатар бешак.  
Ёмон феъли ҳаммага аён —  
Чақмай қўймас, албатта, чаён.

**Инсонга бу не учун керак?**

Тусланиш хос буқаламунга,  
Аммо виждон зарурмас унга.  
Кўрсатмасдан асл юзини,  
Ноқулай ҳам сезмас ўзини.

**Инсонга бу не учун керак?**

Лаққабалиқ, тор келса дарё,  
Аямаскан боласин ҳатто.  
Табиатнинг азал қонуни —  
Ваҳший қилиб қўйгандир уни.

**Инсонга бу не учун керак?**

Оlam кўрки — одам боласи,  
Лек ичидা унинг оласи.  
Жавоб излаб ҳайрондир юрак —  
**Инсонга бу не учун керак?!**

## ТАҚДИР

Кўрдир десанг, кўзи бордир,  
Ширин десанг, тузи бордир.  
Асли тақдир ўзи ҳақдир,  
Ҳар кимга ўз сўзи бордир.

Кимни комил олим этди,  
Кимни ўғри, золим этди.  
Кимни меҳнат — терга берар,  
Кимни „беру бер“га берар.

Лайлони ҳам суйдирган у,  
Мажнунни ҳам қуйдирган у.  
Кимни неча эрга берар,  
Кимни эрта ерга берар.

Тоғлар ошиб, чўллар очиб —  
Бўлмас ундан сира қочиб.  
Кимнинг қўлин ошга берар,  
Кимнинг йўлин тошга берар.

Пешонангда ёзилганин,  
Кафтларингда чизилганин —  
Ўқиб бўлмас, чигал берар,  
Насиб этса — тугал берар...

## **ҚАРИГАНДА**

Хазонрезги келтирап малол,  
Наҳот бир кун биз ҳам сўлармиз.  
Юракларни эзар бир савол —  
Қариганда нима бўлармиз?

Бола пайти эдик мусаффо,  
Ёшлик даври кулдик бепарво.  
Йигитликда бўлдик сернаво —  
Қариганда нима бўлармиз?

Умр — карвон, ўтгувчи шитоб,  
Ҳаёт — қайта бошланмас китоб.  
Ўқиймиз-у излаймиз жавоб —  
Қариганда нима бўлармиз?

Гул кўкарар, очилар, кулар,  
Вақти етса — сарғайиб сўлар.  
Билса, танҳо худойим билар —  
Қариганда нима бўлармиз?

Чекиб дард-у, ютибон ғамлар,  
Кўнгилларда ёндиридик шамлар.  
Ғаниматдир саломат дамлар,  
Қариганда нима бўлармиз?!

## **СОЧГА ОҚ ҚҮНИБ БОРАР**

Дилни ғам йўниб борар,  
Кўнгил ҳам кўниб борар.  
Кун ўтар яхши-ёмон,  
Сочга оқ қўниб борар.

Ким чангу, ким ун чиқди,  
Ким эса бутун чиқди.  
Айланмоқда тегирмон,  
Сочга оқ қўниб борар.

Хоҳ қаймоқ, хоҳ қирмоч тот,  
Йўл сўнгига ёғоч от.  
Манзил аслида аён,  
Сочга оқ қўниб борар.

Яшил дала — том балки,  
Қизил тонгу шом балки.  
Топилгайми лек имкон,  
Сочга оқ қўниб борар.

Дилга ғам иниб борар,  
Кўнгил ҳам тиниб борар.  
Кимда баҳт, кимда армон,  
Сочга оқ қўниб борар...

## ҲАЁТ ҚЎШИГИ

Пайғамбарлар ўтди, ўтди валилар,  
Шоҳу беклар ўтди, ўтди ғанилар.  
Алар ахир энди қайда, қанилар —  
Ўлмайдиган одам борми дунёда?!

Қазо давосини ўйлай-ўйлай жим,  
Ўтди Ибни Сино, Луқмони ҳаким.  
Қочиб қутулолмас ажалдан ҳеч ким,  
Ўлмайдиган одам борми дунёда?!

Мўрт эрур тандаги иссиқ жонимиз,  
Бекор бўлур бир кун бор имконимиз.  
Тақдирнинг омонат бир инсонимиз,  
Ўлмайдиган одам борми дунёда?!

Нуқта қўйилмасдан умр сатрига,  
Тирикликнинг етмоқ керак қадрига.  
Ким тўйибди ҳаёт гулин атрига,  
Ўлмайдиган одам борми дунёда?!

Яшасак — номимиз сўйланиб қолсин,  
Меҳримиз, ёдимиз куйланиб қолсин.  
Ўлим ҳам бир лаҳза ўйланиб қолсин...  
Ўлмайдиган одам борми дунёда?!

## **ЕРМИШ**

Дил кўзинг босиб ғубор,  
Кенг оламни этма тор.  
Баланд бўлса ҳам девор —  
Уни бир кун нам ермиш.

Танҳо кўзлаб олисни,  
Ранжитма кўп ожизни.  
Худо қўллар ёлғизни,  
Қаро тунни шам ермиш.

Курт ер олма нақшини,  
Ҳаёт синар яхшини.  
Нодон суриб айшини,  
Доно еса ғам ермиш.

Зулмат ёвдир зиёга,  
Ҳасад очдир риёга.  
Ҳайрон боқма дунёга,  
Қайси юҳо кам ермиш.

Чирқираб жон қумримиз,  
Ўтиб борар умримиз.  
Осмон чорлар руҳимиз,  
Ер эса одам ермиш...

## ФАҚАТ ЁД ҚОЛАДИ

Кимдан от қолади умр йўлида,  
Кимдан дод қолади бирор тилида.  
Ҳаммаси ўтади, ҳаммаси ўтар,  
Фақат ёд қолади инсон кўнглида.

Қуёш чарақлайди фалакда ҳар кун,  
Ойни дараклайди юлдузлар ҳар тун.  
Бизни эрмаклайди бу чархи гардун —  
Фақат ёд қолади инсон кўнглида.

Чумоли бир донни амаллаб топар,  
Хирмон атрофида сичқонлар чопар.  
Наҳотки мол-дунё айбингни ёпар?!  
Фақат ёд қолади инсон кўнглида.

Омадлар қўлидан тутганинг ўтар,  
Баъзида дард-у ғам ютганинг ўтар.  
Кимнидир интизор кутганинг ўтар,  
Фақат ёд қолади инсон кўнглида.

Дунёга бир бора келганинг қолар,  
Бирорвга яхши сўз деганинг қолар.  
Кимнидир соғиниб, севганинг қолар,  
Фақат ёд қолади инсон кўнглида.

## КҮНГИЛ

Күнгил тугмача эмас, узилса қадаб күйсанг,  
Ёки бир қўчқор эмас, ҳар кимга атаб сўйсанг.  
Пари ҳам эмасдир у, ҳуснига қараб тўйсанг —  
Йиғлаб оламни бузган гўдак боладир кўнгил.

Умр бир соат экан, мил айланиб келгунча,  
Не-не чинорлар қулаб, сўлар қанча гулгунча.  
Илдиз отиб улгурмай бўлолмайсан юлгунча —  
Ҳар ён томон йўл тузган тентак воладир кўнгил.

Баҳоринг ўтмай туриб қишининг совуғи яқин,  
Қайдан сочингда қиров, гул юзингда не ажин.  
Тириклик куйи, ажаб, бўлди мунчалар ҳазин —  
Пинҳон доғингни сезган зийрак лоладир кўнгил.

Хасталардан ҳол сўраб доғи узра доғ иниб,  
Тамиз нима бўлмаган нодонлардан оғриниб.  
Инсоф сўраб ёмонга, яхшиликни соғиниб —  
Эзса ўзини эзган титрак толадир кўнгил.

Гулга буркамоқ истаб йўлидаги ҳар чоҳни,  
Алдангану адашган, тополмаган паноҳни.  
Бобур каби дард билиб, сўнг таниган Оллоҳни —  
Ерга сифмай кўк кезган юксак ноладир кўнгил.

## ТУРНАЛАР

Кўзлар тўймас бугун ёзу баҳорларга,  
Кузга етдик — барглар тўкиб анҳорларга.  
Тарс ёрилмас, нима бўлган анорларга,  
Сабабини айтасизми, турналарим,  
Қишдан ўтиб, қайтасизми, турналарим.

Ғаниматмиз, яхши-ёмон — ўтаяпмиз,  
Ўтган куннинг қадрига ҳам етаяпмиз.  
Эслаб-эслаб, қўмсаб-қўмсаб кетаяпмиз,  
Биздан салом айтасизми, турналарим,  
Қишдан ўтиб, қайтасизми, турналарим.

Ўтмоқдамиз ташвишларда сарсон бўлиб,  
Кимга қиммат, ким учундир арzon бўлиб.  
Қолмасмикин бор умримиз армон бўлиб!?  
Жавобини айтасизми, турналарим,  
Қишдан ўтиб, қайтасизми, турналарим.

Сўраб кўринг ўшал баланд фалаклардан,  
Самар борми бизнинг бедор тилаклардан.  
Дил яйрасин сиз келтирган дараклардан,  
Баҳт хабарин айтасизми, турналарим,  
Қишдан ўтиб, қайтасизми, турналарим...

## **ҚАЛДИРҒОЧЛАР**

Қишлиар кетиб, күнгил тўлар ифорларга,  
Кимлар етди, ким етмади баҳорларга.  
Жўр бўлинг сиз хушу хандон алёрларга,  
Вижир-вижир сайранг энди, қалдирғочлар,  
Кўклам келди — яйранг энди, қалдирғочлар.

Онамизнинг алласидан яйрарди жон,  
Болалик кўз ўнгимизда турап ҳамон.  
Илк севгининг хаёли ҳам дилда пинҳон,  
Вижир-вижир сайранг энди, қалдирғочлар,  
Кўклам келди — яйранг энди, қалдирғочлар.

Тўлиб борар кўнгил деган ҳилолимиз,  
Ўғил-қизми — фарзанд эрур иқболимиз.  
Яхшиликдан ҳосил берсин ниҳолимиз,  
Вижир-вижир сайранг энди, қалдирғочлар,  
Кўклам келди — яйранг энди, қалдирғочлар.

Кўнгил кўрки — яхши ният яхши чиндан,  
Ватан бизда, нимамиз бор яхши ундан.  
Насиб этса умидимиз яхши кундан,  
Вижир-вижир сайранг энди, қалдирғочлар,  
Кўклам келди — яйранг энди, қалдирғочлар...

## АЗИЗ УСТОЗЛАР

Уқиб Сиз ўқитган ҳарфу маънони,  
Гўдак шуур танир қўхна дунёни.  
Англатасиз дилга солиб зиёни —  
Мағзи заминдан то бағри самони.  
Илму ҳунар, адаб сўйлайди розлар,  
Сизнинг меҳнат ила, азиз устозлар.

Сизга тимсол билиб Сиз тутган бўрни,  
Сизга лойиқ деймиз юракда тўрни.  
Шогирд камоли деб аямайсиз ҳеч —  
Кўздаги нурнию, қалбаги қўрни.  
Қадамлар мустаҳкам, баланд парвозлар,  
Сизнинг заҳмат ила, азиз устозлар.

Отадай улусиз, Онадай суюк,  
Инсон ҳаётида ўрнингиз буюк.  
Қайдан яна Сизда мунча хоксорлик,  
Эй, беминнат камтар, эй, бағри куюк?!  
Умримиз гулшани топар пардозлар,  
Сизнинг ҳиммат ила, азиз устозлар.

Меҳр билан дилдан берганда таълим,  
Куёшдай сахийсиз, доно муаллим.  
Ранжу заҳматингиз учун ташаккур,  
Бардошингиз учун яна бир таъзим.  
Не ажаб, айласак мудом эъзозлар,  
Сизни ҳурмат ила, азиз устозлар...

## АФЗАЛ

Юз а номард ҳимоячидан  
Бир мард ўғри талончи афзал.  
Юзта ҳақгўй киноячидан  
Бир дилкушо ёлғончи афзал.

Юз бемаъни житир ялладан  
Гўдак айтган бир сабоқ афзал.  
Юз нотавон қовоқкалладан  
Битта ширин ошқовоқ афзал.

Юзта қуруқ калондимоғдан  
Тухум қўйган бир товуқ афзал.  
Дўстсиз кечган юз илиқ чоғдан  
Дўст-ла ўтган бир совуқ афзал.

Юз нодон дўст, юз бедил ёрдан  
Бир зийрак ёв, бир дилдор афзал.  
Нархинг бермас юз харидордан  
Қадринг билган бир аттор афзал.

Юз серғусса дилгир кундуздан  
Дил яйраган бир кеча афзал.  
Юз хомхаёл олис юлдуздан  
Уйинг сари бир кўча афзал.

Умри қисқа юз баҳтдан кўра  
Бир зумлик бир баҳтсизлик афзал.  
Ғурбат тўла юз таҳтдан кўра  
Беминнат бир таҳтсизлик афзал.

Борингдаги юз қариндошдан  
Йўғингдаги битта ёт афзал.  
Багрингдаги юз бағритошдан  
Юрагингдан бир најот афзал!

## БУ ҲАЁТДА

Турфа одам, турфа йўлдамиз,  
Демасманки қув бўлмоқ керак.  
Гоҳи боғу, гоҳи чўлдамиз,  
Бу ҳаётда сув бўлмоқ керак.

Гар тош бўлсанг — тепиб ўтарлар,  
Ҳаво бўлсанг — елпиб ўтарлар.  
Ҳеч бўлмаса сепиб ўгарлар —  
Бу ҳаётда сув бўлмоқ керак.

Юмшоқ ёки заифсан гўё,  
Тошни тешиб ўтарсан аммо.  
Олов ҳам бас келолмас ҳатто,  
Бу ҳаётда сув бўлмоқ керак.

Айланада айланиб олиб,  
Тўртбурчакда чордана солиб,  
Билганингча барибир қолиб —  
Бу ҳаётда сув бўлмоқ керак.

Ёмон бўлсанг — ботқоқ ё селсан,  
Оlam обод — агар хушфеъсан.  
Танла — қайси ниятта элсан,  
Бу ҳаётда сув бўлмоқ керак.

Тошиб кетмай қирғоқдан, тўлиб,  
Ва қолмасин ниҳоллар сўлиб.  
Ҳамма учун керакли бўлиб —  
Бу ҳаётда сув бўлмоқ керак.

Турфа одам, турфа йўлдамиз,  
Демасманки қув бўлмоқ керак.  
Гоҳи боғу, гоҳи чўлдамиз,  
Бу ҳаётда сув бўлмоқ керак.

**Кулда яна севги шароби...**



*Ишқингдан дил янгидир,  
Кўнгилда гул рангидир.  
Ёниб-ёндириб, балки —  
Бу ёнишим сўнггиdir.*

## „ТИТАНИК“

*Видо айтар менинг юрагим...*

(„Титаник“ кинофильмидаги қўшиқдан)

Кема чўкар, қўққисдан, гўё —  
Ханжар еди ногоҳ курагим.  
Кўз ўнгимда дарз кетди дунё —  
Видо айтар менинг юрагим.

Бойлик чўкар, ҳашамат чўкар,  
Ҳасад чўкар, хушомад чўкар,  
Не-не гўзал, хушқомат чўкар —  
Видо айтар менинг юрагим.

Дил ачинмас оққан зарларга,  
Ўлим шайдир мудом чорларга.  
Тақдир ташлар кунда жарларга —  
Видо айтар менинг юрагим.

Кўнгил кўймас, куяр барибир,  
Дийдам юмшаб, хун бўлар бағир.  
Севишганда не гуноҳ, ахир!..  
Видо айтар менинг юрагим.

Дунё номли кўҳна иморат,  
Туйғулардан асли иборат.  
„Титаник“да чўкар муҳаббат —  
Видо айтар менинг юрагим...

## ОШИҚЛИК

Ошиқ бўлманг, ки ошиқлик ғам келтирас,  
Бошга ташвиш, дийдага ҳам нам келтирас.  
Аламни мўл, фароғатни кам келтирас,  
Ошиқ бўлманг, ки ошиқлик ғам келтирас.

Ошиқ ул, ки дунё билан бўлмас иши,  
Оҳу излар, товусларни илмас ҳуши.  
Уни Оллоҳ тушунгайдир, билмас киши,  
Ошиқ бўлманг, ки ошиқлик ғам келтирас.

Дардман ўзи, дард ҳам ўзи, девонадир,  
Ҳар жой борса, мардум ичра афсонадир.  
Ажаб йўқ, ки шодлик учун бегонадир,  
Ошиқ бўлманг, ки ошиқлик ғам келтирас.

Касе бор, ки ишқи мардни даъво қилур,  
Вужудига ишониблар ҳаво қилур.  
Билмас — танҳо севган кўнгил наво қилур,  
Ошиқ бўлманг, ки ошиқлик ғам келтирас.

Аё дўстлар, Бобурдан ғам ҳеч кетмади,  
Ҳамма билди, бир парига лек етмади.  
Дилни шоду, кўзни равшан, ваҳ, этмади,  
Ошиқ бўлманг, ки ошиқлик ғам келтирас...

## МУҲАББАТДА

Муҳаббатда жафо бўлар, жабр бўлар,  
Айрилиқдек қаро булат — абр бўлар.  
Не бўлса ҳам, энг аввало, аё дўстлар,  
Чин севгида ҳаё бўлар, сабр бўлар.

Ошиқ аҳлин юрагидан ялов чиқар,  
Куймаган ҳам куяр бўлса, қалов чиқар.  
Ишқ текканда кесакдан ҳам олов чиқар,  
Суймаганни сүйдирмоқлик макр бўлар.

Севгисизлар тўғри қараб, хато кўрап,  
Севар кўзлар ўз гулини якто кўрап.  
Суйганидан зулм келса — ато кўрап,  
Суйимсизнинг ақиқ лаби тахир бўлар.

Шайдо қалбга панд-насиҳат даво қилмас,  
Булбул ҳамки севмас экан — наво қилмас.  
Ўзни билган ўзгага ҳам ҳаво қилмас,  
Қадр кўрган қадрданда қадр бўлар.

Чин муҳаббат ҳажрдаги васл эрур,  
Етиб бўлмас, кетиб бўлмас манзил эрур.  
Инсон учун асл баҳо кўнгил эрур,  
Дилни обод айлаганга ажр бўлар...

\* \* \*

Тортмас эди ўзига шароб,  
Ичмас эдим анчадан бери.  
Бугун эса бермоқда азоб —  
Чап кўксимнинг манови ери.

Хаёл — азоб, эсламоқ — азоб,  
Андуҳларим кетмайди нари.  
Бўшаштирмай ичяпман шароб —  
Бўшашсин, деб ғамнинг лашкари.

Юрганим йўқ пана-пастқамда,  
Мени бошлар севгим йўллари.  
Нетай, бугун турар ёқамда —  
Айрилиқнинг айри қўллари.

Санчишин ҳеч қўймайди юрак,  
Чайқаламан қадаҳни тутиб.  
Неларнидир унутиш керак,  
Бўлмас фақат Сени унутиб!..

## БИР КЕЧА ҚИССАСИ

Шоирлик ҳам яхши-да,  
Дил ўзича баҳши-да.  
Ой-юлдузга сўзлайсан —  
Тоза хаёл нақшида.

Хаёлим бекор эди,  
Дил улфатга зор эди.  
Балодан ҳам қўрқмасдим —  
Кўзмунчогим бор эди.

Юлдуз, — дедим, — Юлдузхон,  
Пойингда берайин жон.  
Ерда кун кўрмоқ мумкин,  
Лекин яшамоқ гумон.

Юлдуз бағрикенг экан,  
Мехри кунга тенг экан.  
Оlam ичра танҳога —  
„Мен ҳам ёлғиз“, денг экан.

Осмонидан жой берди,  
Бир пиёла чой берди.  
Кўнглим унга ўзини —  
Бир нигоҳда бой берди.

Чойдан кейин сузди май,  
Кулиб турди индамай.  
„Ёмон экансиз“, дея,  
Хушимни олди мўмай.

Вой-дод, — дедим, — бу не кун?!.  
Кўксим ёняпти бутун.  
„Муҳаббат йўқ“, дегандим,  
Яна бўлдим мен тутқун.

„Диллар интизор“, дедим,  
„Ташнайи дийдор“, дедим.  
„Ўттизда топишмасак—  
Кирққа ҳали бор“, дедим.

Хаёл — яхши, ўйладим,  
Юлдуз, ахир, бўйладим.  
Шунча гапни, тилим — лол,  
Кўзларимда сўйладим.

Кўкка чиқдим қайдан мен,  
Маст бўлмадим майдан мен.  
Тушимда ҳам шеър битиб —  
Қолмадим атайдан мен.

Ёмон бола эмасдим,  
Қуёлик нима, билмасдим.  
Ўзи гўзал бўлмаса —  
„Чиройлисан“, демасдим...

Тонг отди, осмонлардан —  
Қайтиб тушдим, жўралар.  
Энг тоза армонлардан —  
Айтиб тушдим, жўралар.

Дил фуссадан ўралар,  
Хумори ҳеч босилмай.  
Кўнгил курсин, жўралар,  
Баланд дорга осилмай.

Топмай ўнгу сўлимни,  
Йўқотдим-ку йўлимни.  
Ювмай асраб юрибман —  
Юлдуз тутган қўлимни.

Ёмон бўлди буёғи,  
Кўз тегди менга чоғи.  
Юлдузда ўшал кеча —  
Қолибди кўзмунчоғим...

Шоирлик бу — нашида,  
Тақдирнинг бир иши-да.  
Юлдузимдан хат бордир —  
Пенсонам тиришида...

## ЁМГИРЛИ ТУН ҚИССАСИ

Келишган қадду бўйи,  
Йигит қизга ёқарди.  
Ташқарида кун бўйи,  
Совуқ ёмғир ёғарди.

Уйига берди дарак:  
„Мени кутманг бу кеча.  
Ёмғир тинмаса керак,  
Шалаббо бўлди кўча...“

Тун кийса ҳам кўйлагин,  
Ёмғир ёғарди тинмай.  
Йигит деди: „Ўйлагин,  
Севгисиз ҳаёт қандай?!“

Баланда қон югурди,  
Ширин сўздан қиз сармаст.  
„Керакмас...“, деб улгурди,  
Сўнгра бўлдилар пайваст.

Лабдан лабга беркиниб,  
Бўса жонга ёқарди.  
Ташқарида эриниб,  
Эзма ёмғир ёғарди.

Ойнинг акси синарди,  
Кўлмақда, ёмғир тиниб.  
Соат энди санаарди —  
Қизнинг аёл вақтини...

Тонгда ногоҳ бўлди фош —  
Муҳаббат ёлғонлиги.  
Кулиб турса да қуёш,  
Бахтнинг ҳам хазонлиги.

Эслаб ўшал кечани,  
Зорланар кўнгил оғир:  
„Хароб этдинг ғунчани,  
Бало бўлдинг, эҳ, ёмғир...“

## БИР МУҲАББАТ ТАРИХИ

Кўнгил экан — бой қизига ошиқ бўлдим,  
Еру кўкка сиғмаган зўр қўшиқ бўлдим.  
Кўнглим менинг оппоқ чинни капитар бўлди,  
Суйганимга ёзганларим дафтар бўлди.

Отасининг чорбоғида ўт ўрадим,  
Боқса чиқса гул баҳона бир кўрардим.  
Жамолига тўймай-тўймай боқиб дердим:  
Кошки олма бўлса экан қоқиб ердим.

Нафас тегса қўйлакчаси ҳилпиллайди,  
Кўнглим қурғур босилмасдан гупиллади.  
Ҳовучимдан сув олганда ҳовуччаси,  
Ёқасидаң кўринади довуччаси.

Қиз кўрмаган содда бир бўз йигит эдим,  
Бир далани суғоргучи булат эдим.  
Фариб эдим, лекин кўнглим подшо эди,  
Суйганимнинг исми унда иншо эди.

Бой отага кўнглим айтсам, майишди у,  
Мени сўқиб, бой ўғлига қайишди у.  
Қочай десам қизчасини йўлга солиб,  
Нозлар қилди берган гулим қўлга олиб.

Эгилгандада ўроғимдек Ой кечада,  
Етти қозон ошлар берди бой кўчада.  
Бойнинг тўйи ким ўзарга кўрик бўлди,  
Бой қизининг довуччаси ўрик бўлди.

Ўроғимда ерлар чизиб ариқ очдим,  
Бўйларига кўзларимдан тариқ сочдим.  
Эшигига топганим тўн, чориқ бўлди,  
Кўнглим ярим, бахтим юзи ёриқ бўлди.

Кўнгил экан — тенгим билмай ошиқ бўлдим,  
Мажнун чўлда итга айтган қўшиқ бўлдим.  
Кўнглим менинг аламларда катта бўлди,  
Суйганимнинг суйганлари латта бўлди...

## **МЕНГА ЁҚМАЙДИ**

Менга ёқмайди ёмғир,  
Қалбимга санчар тикан.  
У Сенга ўхшар ахир,  
Ёлғон йигиси билан.

Менга ёқмайди чойшаб,  
Сен каби сохта маъсум.  
Кўзгута қийшиқ жойлаб —  
Лабга тошар табассум.

Менга ёқмайди кулгу,  
Янграган бўм-бўш уйда.  
Менга ёқмайди кўзгу,  
Титраган дилгир кўйда.

Менга ёқмайди хонам,  
Қайғуга кенг, бахтга тор.  
Туққан эканми онам —  
Мени Сенга интизор...

## **МЕНИКИ БЎЛГАНИНГДА**

**Чиройлисан мунчалар,  
Севгилим, кулганингда.  
Маликам дердим сени —  
Меники бўлганингда.**

**Чиройлисан мунчалар,  
Ой каби тўлганингда.  
Бахтли этардим сени —  
Меники бўлганингда.**

**Чиройлисан, дард билан —  
Бағримни тилганингда.  
Яшар эдинг мард билан,  
Меники бўлганингда.**

**Чиройлисан, Сен ҳатто —  
Ёт боғда сўлганингда.  
Мен ҳам куймасдим асло —  
Меники бўлганингда...**

## **ИНТИЗОРЛИК**

Сочларимдек оқаради тун,  
Кўнглим каби ёришади тонг.  
Айлагали борлиқни мафтун,  
Ўнг ён ила, гўзалим, уйғон.

Сув шодланар бетингга тегиб,  
Сочингдан маст сочиқдир жинни.  
Бағри тилим тароқни эгиб,  
Эсламагин, майли, Сен мени.

Ўзинг билмай айласанг назар,  
Оқиб кетар сув бўлиб кўзгу.  
Деразадан тўкиб туриб зар,  
Куёш этар чеҳрангни орзу.

Салом берар гуллар таъзимда,  
Софинтириди уларни юзинг.  
Ҳаёт номли тўкин базмда —  
Маликасан, гўзалим, ўзинг.

Уйғонишинг шунча дабдаба,  
Сенга етмас, албатта, оҳим.  
Эшигингни очган паллада —  
Оқиб кираг интиқ нигоҳим...

## ДЕЙМАН

Қүёш кулган ёноғингга  
Мен ҳам бир бор ботай дейман.  
Гуллар унган қучоғингга  
Ўзимни бир отай дейман.

Кўз ёшимда кўнглим ювиб,  
Кўлгинангга тутай дейман.  
Сен — кийикни қувиб-қувиб,  
Боғингга бир ўтай дейман.

Гул дудоғинг ҳурнинг лаби,  
Ундан шарбат тотай дейман.  
Ўзимни-да бир қул каби  
Эшигингга сотай дейман.

Ёлғон дардлар жон қўзғамас,  
Юракни чин титай дейман.  
Исмингни ҳам қоғозгамас —  
Гул баргига битай дейман.

Тогиб дилга дармонимни,  
Дийдорингга етай дейман.  
Умрим бўйи армонимни —  
Айтиб-айтиб кетай дейман...

## **БАХТЛИ БҮЛ**

Майли, ёт-ла аҳдли бўл,  
Забун менман, тахтли бул.  
Бахтли бўлгин севсанг ҳам,  
Севмасанг ҳам бахтли бўл.

Ҳаёт эмас бир байрам,  
Яшаш учун шаҳдли бўл.  
Бахтли бўлгин севсанг ҳам,  
Севмасанг ҳам бахтли бўл.

Дардингни қўрай баҳам,  
Менга дили сахтли бўл.  
Бахтли бўлгин севсанг ҳам,  
Севмасанг ҳам бахтли бўл.

Бордир бизга ҳам ҳакам,  
Эслагани вақтли бўл.  
Бахтли бўлгин севсанг ҳам,  
Севмасанг ҳам бахтли бўл!..

\* \* \*

Қайдадир Сиз борсиз, дўст,  
Гарчи ётга ёрсиз, дўст.  
Чалинмаган торсиз, дўст,  
Қайдадир Сиз борсиз, дўст.

Сиз ўшасиз, Сиз танҳо,  
Бахтда ҳам маъюс, танҳо.  
Мен учун азиз танҳо...  
Гарчи ётга ёрсиз, дўст.

Минг йил турган майдир дил,  
Ишққа ташна, шайдир дил.  
Лаб тегмаган найдир дил,  
Чалинмаган торсиз, дўст.

Кўнглим менинг улкан ғам,  
Титраб турган бир шабнам.  
Деразада қолган шам —  
Қайдадир Сиз борсиз, дўст...

\* \* \*

Қўлда яна севги шароби,  
Гарчи бўлди толеим нигун.  
Битмагандир кўнгил азоби,  
Ҳали дилдан томчилайди хун.

Умид гулин пойимга тўшар,  
Вақт овутиб, дардим олади.  
Ҳаёт мунис онамга ўхшар,  
Нигоҳлари дилда қолади.

Қайга бошлар юрагим мени,  
Жонга ширин ларзалар солар.  
О, муҳаббат, соғиндим сени,  
Мехрларинг қалбимда қолар.

Осмонларга интилар қўлим,  
Армонларим кўзин очади.  
Ҳаёт яна кўринар сўлим,  
Йўлларимга ифор сочади.

Майли, севгим, йўқотай тинчим,  
Тақдир қулиб, топганда сени.  
Фақат сендан ёлғиз ўтинчим —  
Тарқ этмагин ҳеч қачон мени!..

\* \* \*

Ичмас эдим асли мен шароб,  
Сенинг ғаминг ичирди мени.  
Бўлса ҳамки висолинг сароб,  
Унутмайман асло мен сени.

Ой юзингдан кўкда Ой ҳайрон,  
Кўзларингдан хижолат жайрон.  
Ишқ майдан бу ақлим вайрон,  
Унутмайман асло мен сени.

Қарши чиқар менга бу олам,  
Тонар мэндан балки дил нолам.  
Оқарса ҳам сўнгги соч толам —  
Унутмайман асло мен сени.

Топилмаса гарчи бир тоқат,  
Ғаминг мэнга аслида роҳат.  
Бахтли бўлгин, Сен бахтли фақат,  
Унутмайман асло мен сени.

Ичмас эдим асли мен шароб,  
Сенинг ишқинг ичирди мени.  
Бўлсам ҳамки кўйингда хароб,  
Унутмайман асло мен сени...

\* \* \*

Дұст дейми, ёр дейми сизни, танишим,  
Эгилиб бормоқда қадди қамишим.  
Сизга нега керак ҳоли хомушим,  
Сизга нима берар менинг ёнишим.

Дилим ишқ ишига чоғланди бугун,  
Үз ёғида үзи доғланди бутун.  
Тилимга ҳам гүё боғланди тугун —  
Бирор тушунмайды сўзу хонишим.

Кўнглим урилдими ёки музтоққа,  
Ёки илиндими дому тузоққа.  
Чиқиб кетгим келар узоқ-узоққа —  
Сиз деб дунёлардан аён тонишим.

Севгига нима бор имкон йитганда,  
Ўттиздан ўтганда, қирққа етганда.  
Ихтиёр йўқ экан кўнгил кетганда...  
Айни пишар пайтим яна хом ишим.

Ёр дейми, дұст дейми, сизни, танишим,  
Эгилиб бормоқда қадди қамишим.  
Сизга нима берар ҳоли хомушим,  
Сизга нега керак менинг ёнишим...

\* \* \*

Баҳоримсан кузда етган,  
Йўқотганим тополмасдан.  
Бинафшамсан тўзғиб кетган —  
Пешонангдан ўполмасдан.

Сен кечиккан шодлигимсан,  
Сен адашган баҳтим менинг.  
Асли менинг тотлигимсан,  
Осмондаги аҳдим менинг.

Атрофингда юз йил юрдим,  
Ёнгинангдан кетолмасдан.  
Юз йил ёниб хаёл сурдим,  
Яна сенга етолмасдан.

Кўзим менинг бўлди саҳро,  
Дарё бўлди сенинг кўзинг.  
Юз йил, ахир, эдим танҳо,  
Қайда эдинг, ахир, ўзинг?!

## **АХИР, СЕН БОРСАН**

Осмонда Ой маъюс жуда ҳам,  
Кўнгилнинг чети ҳам гўё кам.  
Ғам бўлса дунёда, нима ғам —  
Ахир Сен борсан-ку, жонгинам.

Билмайман ким ўзим, қайдаман,  
Барибир ёнингга қайтаман.  
Исмингни дуодай айтаман —  
Ахир, Сен борсан-ку, жонгинам.

Ўйладим — ҳаётда кўп шафқат,  
Истадим омадни бенавбат.  
Афсус, кеч англадим мен фақат —  
Ахир Сен борсан-ку, жонгинам.

Суратинг иситар кўксимни,  
Умидим кетгани йўқ синиб.  
Мен нечун яшайин ўксиниб —  
Ахир Сен борсан-ку, жонгинам.

Ҳавони ютаман ичимга,  
Хаёлинг нур берар кечимга.  
Парвойим келмайди ҳеч кимга —  
Ахир Сен борсан-ку, жонгинам...

\* \* \*

Гарчи дилда саботларим тоғлиқ менинг,  
Гарчи тилда баётларим доғлиқ менинг.  
Учай десам қанотларим боғлиқ менинг,  
Ахир сенсиз ҳаётларим оғриқ менинг.

Бехудликла оҳлар тортмоқ — одатларим,  
Мажнунда ҳам бўлмаган бу ҳолатларим.  
Сабрим синиб, тутаб борар тоқатларим,  
Гарчи дилда саботларим тоғлиқ менинг.

Исминг айтсан, кўксим тўлар оташларга,  
Раҳминг йўқми жонингга жон туташларга.  
Юрак кўнмас сени ёт деб аташларга,  
Гарчи тилда баётларим доғлиқ менинг.

Ёнингда ҳам соғинаман ўзингни мен,  
Осмонлардан ахтараман изингни мен.  
Юзингни Ой, юлдуз билиб кўзингни мен,  
Учай десам қанотларим боғлиқ менинг.

Ишқинг билан жоним бермоқ армонларим,  
Жаннат олди ҳурлар бўлар дарбонларим.  
Ўшанда ҳам табассуминг дармонларим,  
Ахир сенсиз ҳаётларим оғриқ менинг.

\* \* \*

Кўлларим етмайди сенга узатсам,  
Йўлларим адашар — қанча тузатсам.  
Олисдан эркалаб сени кузатсам,  
Муҳаббат шарбати мунчалар шириń.

Ёнингга келаман, ёниб келаман,  
Жонингда бўламан, жонинг бўламан.  
Шу хаёлда яшаб, шундан ўламан,  
Муҳаббат шарбати мунчалар аччиқ.

Кўлларимни боғла, кўзларимни еч,  
Кўнглимни такрорлар улар эрта-кеч.  
Ҳеч ким сени мендай севолмайди ҳеч,  
Мен сени севаман қалбимдан майин.

Менга дунё эмас, васлинг керакдир,  
Қишим ёз этгучи фаслинг керакдир.  
Васлингдан ҳам менга аслинг керакдир,  
Мен сени севаман жонимдан қаттиқ.

Муҳаббат шарбати мунчалар шириń,  
Муҳаббат шарбати мунчалар аччиқ  
Мен сени севаман қалбимдан майин,  
Мен сени севаман жонимдан қаттиқ!

## **НАЙЛАДИ ИШҚИНГ МАНИ**

*Кел, кўр мени, ишқ найлади...*  
(Юнус Эмро)

Ойпараст мафтундириман,  
Найлади ишқинг мани?  
Мажнундан мажнундириман,  
Найлади ишқинг мани?

Кўзимда хобим йўқдир,  
Жиссимда тобим йўқдир.  
Тайин жавобим йўқдир —  
Найлади ишқинг мани?

Менга майхона керак,  
Майи паймона керак.  
Хушёр девона керак,  
Найлади ишқинг мани?

Дил бенаво, бенаво,  
Ул бедаво, бедаво.  
Кўр, бевафо, бевафо —  
Найлади ишқинг мани...

## АЛДАДИ

*Юзларинг бир, кўзларинг ўн, сўзларинг минг алдади...  
(Чўлпон)*

Бевафо ёр, ёлғон борки, барин менга атади,  
Неча марта фиреб тифин юрокимга қадади.  
Кўрқаманки, бу гал мени, гўзалим, чин алдади,  
Юзлари бир, кўзлари ўн, сўзлари минг алдади.

Кўриб туриб алданмасдим, сехри чашмим кўр этди,  
Карашмаю ишвасини жоду ила тўр этди.  
Дарс олғандим таъзир билан, яна мени ғўр этди,  
Бевафо ёр, ёлғон борки, барин менга атади,  
Юзлари бир, кўзлари ўн, сўзлари минг алдади.

Неча даги музтарланиб, ичим куйиб, ўртандим,  
Неча яна қайсалланиб, қаҳрим келиб, ўрландим.  
Неча қайта вафони мен бевафодан ўргандим,  
Неча марта фиреб тифин юрокимга қадади,  
Юзлари бир, кўзлари ўн, сўзлари минг алдади.

Ётса ҳамки бағрим ичра армонларни хораси,  
Топилмайди на кечмоғу, на унутмоқ чораси.  
Боз устига исмин айтар қалбимни ҳар пораси,  
Кўрқаманки, бу гал мени, гўзалим, чин, алдади,  
Юзлари бир, кўзлари ўн, сўзлари минг алдади.

## ЁЗДИМ

Ушбу кўнгил номасин  
Титраб, вароқда ёздим.  
Қалам синса чидамай,  
Тирнаб — тароқда ёздим.

Ёр кўзи тушиб зора,  
Холимдан бўлиб огоҳ.  
Инсоф келар кўнглига —  
Деган сўроқда ёздим.

Ой бўлдию, кун каби —  
Изида овораман.  
Ўзга ташбеҳ қўшмай ҳеч,  
Дардли туроқда ёздим.

Ёр қайдай, не қилди —  
Деган гумонлар сабаб,  
Кўз ёшим тўкиб ҳар он,  
Аlam, фироқда ёздим.

Йиглади Бобур дея,  
Айб айламанг, эй дўстлар.  
Нетай, ушбу номани —  
Ёрдан йироқда ёздим.

## **МУҲАББАТ АРМОНИ**

Муҳаббат армони қалбимни ёқиб,  
Жонимни айлайди ғамларга нишон.  
Бу дунё кўзимга термулиб боқиб,  
Узрлар сўрайди ҳали паришон.

Ушалмас орзудан афсона тўқиб,  
Афсундай исмингни такрорлар лабим.  
Армонлар китобин беармон ўқиб,  
Мудраган дунёда бедордир қалбим.

Мехрга интизор тентирап руҳим,  
Бошимда айланар қора булутлар.  
Сен аччиқ қувончим, ширин андуҳим,  
Оққушга айланди оппоқ умидлар.

Мўъжиза рўй бериб, қайтсанг ногаҳон,  
Пойингда гуллайди бу кўхна жаҳон.  
Исминг бўлиб кўкка кетади фарёд,  
Дарду аламимни этади барбод.

Муҳаббат армони юмар кўзларим,  
Жамолинг висоли хаёлий рўё.  
Ёлғонлар, гумонлар кўмар сўзларим,  
Исмингни афсундай такрорлар дунё...

## ЖОН СЎРАЙДИ НОМИНГ, ЁР

Тиллаю дур нима, тош дедим,  
Умр не — киприкда ёш дедим.  
Бошим қуйиб ёр тиззасига,  
Дунёда энг бахтли бош дедим.

\* \* \*

Хабар олгин ҳоли харобимдан, ёр,  
Кўз ёшим аччиқдир шаробимдан, ёр.  
Севсам — дили кўрлар айлар маломат,  
Гунсҳим яхшироқ савобимдан, ёр.

\* \* \*

Фаминг менга эл бўлди, эй ёр,  
Кўз ёшларим сел бўлди, эй ёр.  
Жониммиди қасдинг нозингдан,  
Чиқди жоним, кел, бўлди, эй ёр.

\* \* \*

Фам кетидан фам келар,  
Бир-бир эмас, жам келар.  
Жафоларинг қатор, ёр,  
Вафоларинг кам келар.

\* \* \*

Жон сўрайди номинг, ёр,  
Кам бўлмасин коминг, ёр.  
Ичим оташ, пишсин деб —  
Ул ваъдайи хоминг, ёр.

\* \* \*

Хотиримни шодга келтиргин,  
Фам лашкарин додга келтиргин.  
Сув бўйида ташна қолсанг, ёр,  
Дарё дилим ёдга келтиргин.

\* \* \*

Сен ўзингни Лайло айладинг,  
Мени мафтун, шайдо айладинг.  
Бедардликда тош бўлгандим, ёр,  
Дарди дилим пайдо айладинг.

\* \* \*

Ким ишқимга етмади,  
Кимнинг дарди кетмади.  
Кўнгил қаримас экан —  
Мени қайга элтмади.

Ишқингдан дил янгидир,  
Кўнгилда гул рангидир.  
Ёниб-ёндириб, балки —  
Бу ёнишим сўнггидир.

Сен менинг ҳаётим бўл,  
Кўшиғу баётим бўл.  
Тошлар тегиб кўп синган —  
Кўнглимга қанотим бўл...

Кўшиқларда кўнгил бор...



*Саломнинг алиги қарзи қиёмат,  
Кўнгилнинг калити меҳру оқибат.  
Хотиржамлик — давлат, тинчлик — ...  
Ҳаммамиз соҳиби иймон бўлайлик,  
Омонат дунёда омон бўлайлик.*

## **УМР БАҲОРИ**

Зар бешикка күёш беланди,  
„Шошма“ деб Ой тонгга эланди.  
Куну тунлар шундай уланди —  
Оқаётир йиллар анҳори,  
Қайтармикин умр баҳори?

Тўлмай туриб юраклар музга,  
Узримиз бор муниса кузга.  
Айтарми, дуст, дил розин бизга —  
Ўртамизда ғуур девори,  
Қайтармикин умр баҳори?

Сочимизга қировлар инди,  
Бахт отига бировлар минди.  
Дилда бўлак сўровлар тинди —  
Куламасдан ҳаёт чинори,  
Қайтармикин умр баҳори?

Кўнгил ҳануз меҳр сўрайди,  
Софинчига гуллар ўрайди.  
Муҳаббатим деб йўл қарайди —  
Бобурни ҳам тутди хумори,  
Қайтармикин умр баҳори?!

Баҳор, баҳор, умр баҳори,  
Орзуларим умид наҳори...

## ЧИННИГУЛЛАР

Сенга томон йўллар ўтдим,  
Кунлар, тунлар, йиллар ўтдим.  
Тақдиримда эшик очдинг,  
Кўлларингта гуллар тутдим.

Чиннигуллар, чиннигуллар,  
Мағрур гуллар, „жинни“ гуллар.  
Менинг каби тенгин билмай,  
Севиб қолган кимни улар.

Гулларимни отдинг йўлга,  
Юрагимни сотдинг пулга.  
Мен-ку майли, мен-ку майли,  
Раҳминг келсин эди гулга.

Чиннигулда йўқдир тикан,  
Чиннигулнинг атри йўқдир.  
Суймаганга умид билан —  
Суйкалганинг қадри йўқдир.

Чиннигуллар, чиннигуллар,  
Мағрур гуллар, „жинни“ гуллар.  
Тенгин топмай Бобур каби,  
Севган эди кимни улар...

## **ХАЙР ДЕМАЙ**

Кўнгил ичра минг бир армон,  
Ҳар орзуга етиб бўлмас.  
Фақат дўстдан айрилган он —  
„Хайр“ демай кетиб бўлмас.

Кечаги дуст бугун ғаним,  
Ҳали мавҳум айбим маним.  
Ҳозир танҳо англағаним —  
„Хайр“ демай кетиб бўлмас.

Борми Сиздек қадрдоним,  
Улфати дил, хушзабоним.  
Гар билсангиз, ёри жоним,  
„Хайр“ демай кетиб бўлмас.

Кўлдан учди кабутарим,  
Овунмаган юрак — ярим.  
Қия очиқ эшикларим...  
„Хайр“ демай кетиб бўлмас.

Армон — минг бир, дунё — бир кам,  
Айрилмоқлик тақдир эркан.  
Унутгансиз балки, эркам,  
„Хайр“ демай кетиб бўлмас...

## **АДАШДИМ**

Ёрнинг менда кўнгли бор деб адашдим,  
Зулфини бўйнимга дор деб адашдим.  
Аросатда қолиб қийналар жоним —  
Бироннинг ёрини ёр деб адашдим.

Даҳр аро мендай шайдо кўринмас,  
Мажнун бўлиб қолдим, Лайло кўринмас.  
Дардимга дош берар саҳро кўринмас,  
Бироннинг ёрини ёр деб адашдим.

Қанотим қайрилган, қўлим боғлиқдир,  
Умидсиз умиддан кўнглим доғлиқдир.  
Армон тошларидан йўлим тоғлиқдир,  
Бироннинг ёрини ёр деб адашдим.

Кўзларим кўр менинг, ё қуёш ботди,  
Дийдаси қаттиқлар менга тош отди.  
Дилимда қон бўлиб томчи ёш қотди,  
Бироннинг ёрини ёр деб адашдим.

Юрагим ғам ютиб нега тўймайди?  
Ой мени тиф бўлиб нега сўймайди?  
Севгим аюбларин нега қўймайди?  
Бироннинг ёрини ёр деб адашдим!..

## **СЕНУ МЕНСИЗ**

Тўқни кўролмайди, очга беролмас,  
Тили билан юрар, бўлак юролмас.  
Гап қилмаса агар, туриб туролмас,  
Гўё сену менсиз бекор кимсалар.

Тұхмат — ёмон, жонни ўртар беомон,  
Покиза этакни булғайди гумон.  
Танҳо худо ҳақдир, қолгани ёлғон,  
Гўё сену менсиз ғамгин ғуссалар.

Күёш ва Ой каби айрилиқда биз,  
Икки томон сузган бир қайиқда биз.  
Яшаймиз орзуда — шоҳбалиқда биз,  
Гўё сену менсиз етим бўсалар...

\* \* \*

Дунё гўзал, севгилим, чунки —  
Бу ғурбатда мен учун Сен бор.  
Сенинг йиғинг, аразинг, кулгинг —  
Кўнглимда қиши, куз ҳамда баҳор.

Севгилим, бил, Сенинг хаёлинг —  
Овутади мени ҳамиша.  
Сенинг ёдинг, ҳажринг, висолинг —  
Жонимга дўст, улфат, ҳамшиша.

Азоб эмас ётга ёрлигинг —  
Бахт оғусин тўймай ичаман.  
Сенинг номинг, чехранг, борлигинг —  
Дилимда куй, олов ва чаман...

## КЕЧИККАН КҮНГИЛ

Ёлгиз афсус чекиб, танҳо йиғлайсан,  
Киприкда маржонсан, кечиккан күнгил.  
Ўзингга ҳам, ахир, ўзинг сиғмайсан,  
Ўртангандар жонсан, кечиккан күнгил.

Буни ҳаёт дейди, унда армон кўп,  
Тамизни билмаган аҳли нодон кўп.  
Суйиб туриб, куйиб юрган инсон кўп,  
Кўксимда фифонсан, кечиккан күнгил.

Хўл-куруқ ёнади — ўт олса тўқай,  
Ҳар ким ҳам ўзича кун кўриб ўтгай.  
Лекин сен барибир дунёга ўгай,  
Адашган меҳмонсан, кечиккан күнгил.

Умидни сўлдирар тақдирнинг қори,  
Ҳижронда титрайди юраклар зори.  
Не илож, суйганинг — бироннинг ёри...  
Гул кўрмай хазонсан, кечиккан күнгил.

Дардсиз санъат бўлмас, ўйла, фикр қил,  
Дилга ишқни соглан ҳақни зикр қил.  
Ғамдан бахт топибсан, Бобур, шукр қил,  
Муҳаббат томонсан, кечиккан күнгил.

## **КҮРГИМ КЕЛАР СИЗНИ**

Умр оқмас бир текисда тек,  
Кимларнидир ҳасрат енгадир.  
Мен топарман иродани, лек —  
Күргим келар Сизни негадир.

Хаёт күхна доно муаллим,  
Садоқатли дўст бўлар ўлим.  
Гарчи Сиздан айродир йўлим,  
Күргим келар Сизни негадир.

Тун кутаман ойдин, юлдузлик,  
Кун кутаман нурафшон излик.  
Дилни ёмон эзди ёлғизлик,  
Күргим келар Сизни негадир.

Гоҳ севгидан тошган дарёсиз,  
Гоҳ меҳрга ташна саҳросиз.  
Мен биламан — Сиз ҳам танҳосиз...  
Күргим келар Сизни негадир.

Муҳаббатда мазмун эрур Эрк,  
Бир армонга ҳар ким эгадир.  
Сизсиз менга барча йўллар берк,  
Күргим келар Сизни негадир...

\* \* \*

Учрашамиз бизлар барибир,  
Бу дунёми, бошқа дунёда.  
Чунки Сенсиз қувонч кам ахир,  
Чунки менсиз қайғу зиёда.

Учрашамиз бизлар барибир,  
Ўтса ҳамки орадан йиллар.  
Чунки Сенсиз замин тор ахир,  
Чунки менсиз бефайз манзиллар.

Учрашамиз бизлар барибир,  
Мен ишонай, Сен ҳам ишонгин.  
Чунки Сенсиз кун кулмас ахир,  
Чунки менсиз отмайди тонгинг.

Учрашамиз бизлар барибир,  
Мұхаббатни кечирар Оллоҳ.  
Чунки Сенсиз савоб йўқ ахир,  
Чунки менсиз гуллайди гуноҳ.

Учрашамиз бизлар барибир,  
Юраклардан эрийди армон.  
Чунки Сенсиз ўлганман ахир,  
Чунки менсиз ҳаётинг ёлғон...

\* \* \*

Ёнимда Сен бўлсанг агар —  
Кечар эдим рўёлардан.  
Оёғингга бошим қўйиб,  
Кетар эдим дунёлардан.

Ёнимда Сен бўлсанг агар —  
Бахт билардим дамларимни.  
Кипригингга териб бир-бир,  
Осар эдим ғамларимни.

Ёнимда Сен бўлсанг агар —  
Узилмасди қанотларим.  
Куч олардим нигоҳингдан,  
Эзилмасди саботларим.

Ёнимда Сен бўлсанг агар —  
Куйлатардим юрагимни.  
Азизимни таниб олам,  
Билар эди керагимни.

Ёнимда Сен бўлсанг агар —  
Не орзуга етмас эдим.  
Хаёлингдан, ҳаётингдан —  
Бир зум нари кетмас эдим.

Ёнимда Сен бўлсанг агар —  
Боқмас эдим ёт гулларга.  
Қарға, зоғга парво қилмай,  
Сўз бермасдим булбулларга.

Ёнимда Сен бўлсанг агар —  
Ҳатлар эдим денгизларни.  
Тиззам бўйи қолиб тоғлар,  
Олар эдим юлдузларни.

Ёнимда Сен бўлсанг агар —  
Ҳасратларда тўлмас эдим.  
Ғаминг чекиб ўлсам ҳамки,  
Армон билан ўлмас эдим...

\* \* \*

Икки оққуш — момиқ парли,  
Учай деса йўл хатарли.  
Кўшиқлари дардли-дардли:  
„Сенсиз ҳаёт зерикарли...“

Ўтирсам Сен, турсам ҳам Сен,  
Ногоҳ ҳаёл сурсам ҳам Сен.  
Ўзгага юз бурсам ҳам Сен,  
Сенсиз ҳаёт зерикарли.

Бунда Сенсиз нетай дейман,  
Тоғлар ошиб кетай дейман.  
Остонангга етай дейман —  
Сенсиз ҳаёт зерикарли.

Остонангда туриб-туриб,  
Бўйингни бир тўйиб кўриб.  
Кўнгил кетса қордай эриб...  
Сенсиз ҳаёл зерикарли.

Икки оққуш — момиқ парли...

## КЕЧИККАН АЛЁР

*Қошларингни териб-териб,  
Қайирдилар, ёр-ёр.  
Кўэни нурдан, мени Сендан —  
Айирдилар, ёр-ёр.*

Юрагимга армон ботар,  
Тўй бўлибсан, ёр-ёр.  
Бир умримга етиб ортар —  
Ўй бўлибсан, ёр-ёр.

Хаёлимда ул кўчангдан,  
Ўтиб қайтдим, ёр-ёр.  
Бахтлар тилаб тўй кечангда —  
Ўлан айтдим, ёр-ёр.

Майли, эркам, икки дунё —  
Хор бўлмагин, ёр-ёр.  
Мендай севмас бўлса, асло —  
Ёр бўлмагин, ёр-ёр.

Остонангдан ҳар кун ўтиб,  
Кўз кўрасан, ёр-ёр.  
Ваъдаларни ёдда тутиб,  
Қиз кўрасан, ёр-ёр.

Остонангга тумор бўлар —  
Кўзим менинг, ёр-ёр.  
Ўғлимга бир кун ёр бўлар —  
Қизинг Сенинг, ёр-ёр...

## АРМОН МУҲАББАТ

Бошима минг бало бошлаб кетдинг сен,  
Кўзимни, бераҳм, ёшлаб кетдинг сен.  
Танҳо қўйиб мени, ташлаб кетдинг сен,  
Армон бўлиб қолдинг менга, муҳаббат,  
Ёлғиз қолдим, етмай сенга, муҳаббат.

Сен эдинг менинг чин меҳрибоним-а,  
Сенсиз куйиб кетди хонумоним-а.  
Кўзимдан шовуллаб оқди қоним-а,  
Армон бўлиб қолдинг менга, муҳаббат,  
Жонимда қолмади сенсиз ҳаловат.

Сенсиз ғариб бўлдим, нотавон бўлдим,  
Ўзгалар яшнади, мен ҳазон бўлдим.  
Не бўлсам, барибир, сен томон бўлдим,  
Армон бўлиб қолдинг менга, муҳаббат,  
Кўйингда интизор ёнаман фақат.

Кумушбиби эмас, олтиним девдим,  
Юракка ўт ёқсан ёлқиним девдим.  
Сени жондан ортиқ, дил билан севдим,  
Армон бўлиб қолдинг менга, муҳаббат,  
Қисмат беомондир, тақдир бешафқат.

Оҳ урсам, оҳимдан юлдуз учди-ку,  
Руҳим сени излаб кўкни қучди-ку.  
Кўнглим дунёлардан сен деб кечди-ку,  
Армон бўлиб қолдинг менга, муҳаббат,  
Айрилиқ айирди қалбимдан тоқат.

Сенсиз тийра бўлди бу жаҳон, нетай,  
Иккимиз қўймади бир замон, нетай.  
Изингдан ё ўзим бош олиб кетай,  
Армон бўлиб қолдинг менга, муҳаббат,  
Доғда қолдим, етмай сенга, муҳаббат...

## МАЛИКАМ

Сенинг тенгинг йўқдир, йўқдир посбонинг,  
Куёш бўлсанг ҳамки булат осмонинг.  
Тунлар қафасида қийналар жонинг,  
Тонглари дард ила отган маликам,  
Оқшомлари ёлғиз ётган маликам.

Тақдирдан не келса — берасан бардош,  
Ёнингда йўқдир бир меҳрибон дарддош.  
Хўл бўлган ёстиғинг дардинг айлар фош,  
Партўшаги тошдек ботган маликам,  
Оқшомлари ёлғиз ётган маликам.

Кел, ўзим бағрингга дармонинг бўлай,  
Хечдан кеч ушалган армонинг бўлай.  
Қадрингни билгувчи султонинг бўлай,  
Ҳижрон ғамин обдон тотган маликам,  
Оқшомлари ёлғиз ётган маликам...

## **УЧРАШМАДИК**

Ҳаётнинг дамлари — баҳор ёмғири,  
Учрашмоқ, айрилмоқ — инсон тақдири.  
Меҳр кўчасининг йўқдир охири...  
Бизлар бир кўришиб ёшлиқ чоғида,  
Қайтиб учрашмадик умр сўқмоғида.

Хазондан ҳазинроқ умид-ла балким,  
Алданган армонин аллалар ҳар ким.  
Унут бўлган сўзлар жаранглайди жим...  
Бугун на Сиз, на мен ишқ чорбоғида,  
Такрор учрашмадик умр сўқмоғида.

Кунларни алмашдим аста йилларга,  
Бағримни улашдим дайди елларга.  
Лек қалбимда жой йўқ ўзга гулларга...  
Ҳамон кўнглимдасиз, дил ардоғида,  
Нечун учрашмадик умр сўқмоғида?!

## **ОНАЖОНИМ ҲАЁТ БЎЛСА**

Армонларда қолмас эдим,  
Кошки бағрим қайтиб тўлса.  
Хизматида толмас эдим —  
Онажоним ҳаёт бўлса.

Дардларимни билар эди,  
Фамимни даф қилар эди.  
Умидларим кулар эди —  
Онажоним ҳаёт бўлса.

Тож бўларди орзуйимга,  
Ҳар маърака, ҳар тўйимга.  
Сиғар эдим ўз уйимга —  
Онажоним ҳаёт бўлса.

Муштипарим, меҳрибоним,  
Балолардан асраб жоним,  
Бўлар эди гиргиттоним —  
Онажоним ҳаёт бўлса.

Оҳларимга етиб худо,  
Бобур, кўнглим кошки тўлса.  
Этар эдим жоним фидо —  
Онажоним ҳаёт бўлса...

## **ВАТАН МЕХРИ**

Ватан меҳри чироқдир,  
Дил унинг парвонаси.  
Элим дейди, юртим дер —  
Инсоннинг мардонаси.

Ўзбекнинг ўз уйидаги —  
Ёруғдир пешонаси.  
Оддий бир райхонида —  
Жаннатнинг нишонаси.

Ёт юртни қилма ҳавас,  
Бўлмагин мастонаси.  
Буюрмас, бўлса ҳамки —  
Тиллодан остонаси.

Ватанин севмоқ эрур —  
Иймоннинг дурдонаси.  
Ўзбегим қош-кипригин —  
Тўтиё ҳар донаси.

Хизр назар қилган эл,  
Ҳар кўнгилда Ҳақ яшар.  
Жаннатмакон бу юртда —  
Ўзбек деган халқ яшар...

## ЭЛИМ

Гулбоғ элим, бўстон элим,  
Шон-шуҳрати достон элим.  
Қадри тоза осмон элим —  
Дунё кўрдим элим билан.

Широқ ўтган аждодимда,  
Темур руҳи бунёдимда.  
Бобур ғами ҳам ёдимда...  
Келдим нурли йўлим билан.

Меҳнат қилиб шому сахар,  
Оқ кийдириб, ўрадинг зар.  
Булут келса бошингга гар —  
Сургум икки қўлим билан.

Юртдан дуо олган бойдир,  
Дарёсану меҳрим сойдир.  
Сенга мафтун кўнглим Ойдир —  
Айро тушмам кўнглим билан.

Карвонга бир „ҳай“ман, элим,  
Томирингга пайман, элим.  
Хизматингга шайман, элим —  
Бир бошга бир ўлим билан...

## **ЮРТИМИЗ ОЗОД БУ КУН**

Яратганга шукрким, юртимиз озод бу кун,  
Эрк деб ўтган зотларнинг пок руҳлари шод бу кун.

Тилим бўлди давлатли, дилим бўлди савлатли,  
Диним бўлди қувватли, руҳимда нажот бу кун.

Тўзиб кетди рўёлар. тоза бўлди дунёлар,  
Битди таъна, гавғолар, кишанлар барбод бу кун.

Синовга айлаб бардош, халқим бирлаш, бўл қардош,  
Ҳақ ишига қўшгин бош, яшнасин ижод бу кун.

Бобур, қадринг баланд бил, тану жонинг садқа қил,  
Азиз Ватан мустақил, мамлакат обод бу кун.

## **ШУ ХАЛҚ УЧУН**

Сен керакли одам бўл, шу халқ учун, шу халқ учун,  
Ҳар дардига малҳам бўл, шу халқ учун, шу халқ учун.

Атрофингда минг бир ташна, бўлолмасанг гар чашма,  
Ҳеч бўлмаса шабнам бўл, шу халқ учун, шу халқ учун.

Худписанд уч-тўрт „доно“, чиқиб дейди: „маним дунё...“  
Майли, дўстим, бир кам бўл, шу халқ учун, шу халқ учун.

Етмай нури ҳақиқат, кимлардир ҳануз карахт,  
Зулмат аро сен шам бўл, шу халқ учун, шу халқ учун.

Эй кўнгил, айлаб наво, инсонийлик қилдинг даъво,  
Сен керакли одам бўл, шу халқ учун, шу халқ учун.

## **ОМОН БЎЛАЙЛИК**

*2001 йил 11 сентябрдан кейин ёзилган*


Кўзда ёшдай қалқиб турибди олам,  
Ризқу рўзин териб юрибди одам.  
Кимдир „уйим“ дейди, ким эса „болам“,  
Майли, яхши, майли, ёмон бўлайлик,  
Омонат дунёда омон бўлайлик.

Тақдир баъзан ширин, баъзида тахир,  
Кимни бой яратди, кимнидир фақир.  
Барчамиз Оллоҳнинг бандаси ахир,  
Бирда бугдой, бирда сомон бўлайлик,  
Омонат дунёда омон бўлайлик.

Саломнинг алиги қарзи қиёмат,  
Кўнгилнинг калити меҳру оқибат.  
Хотиржамлик — давлат, тинчлик — ғанимат,  
Ҳаммамиз соҳиби иймон бўлайлик,  
Омонат дунёда омон бўлайлик.

Урушу низолар тўхтасин энди,  
Ер юзи жаннатга ўхшасин энди.  
Одам ҳам одамдек яшасин энди,  
Аввало ҳазрати Инсон бўлайлик,  
Омонат дунёда омон бўлайлик!..

## Мен яшайман кутиб тонгларни



*Лабларимга тортиб табассум,  
Жонларимга тикиб жонларни.  
Дейман: „Ҳаёт гўзал ва маъсум,  
Мен яшайман кутиб тонгларни!..“*

\* \* \*

Мен бугун англадим гулда моҳият,  
У асли ғунчанинг заволи экан.  
Мен бугун тингладим тошни ниҳоят,  
У бизга тупроқнинг саволи экан.

Мен кимман? Дафъатан ўйланиб қолдим,  
Ботинимга боқиб бўйланиб қолдим.  
Тиконлар, ҳазонлар аро ғунчага —  
„Кечир, кечикдим...“ деб сўйланиб қолдим,

Осмонга бўй чўзиб, заминда ўсдим,  
Дунёни кўзимдан, ўзимдан тўсдим.  
Илдиз қисматига бойлаб умримни,  
Капалакка дедим: „Танҳо сен дўстим...“

„Мен кимман?!“ Шу савол балки тиф бўлса,  
Жавоб берган инсон арзиди ўлса.  
Тушимда жайронга „севгимсан“ дедим,  
Ўнгимда илонга тутаман бўса.

Юрагимга қиёс қуёш, ҳойнаҳой,  
Ёниб меҳр сочмоқ бўлди тақдирим.  
Кўнглимга ўхшайди кўкда ёлғиз Ой —  
Дардан тўлиб борар, армондан ярим!..

## ЁДИМДА

Болалик — дунёга дил ошиқ,  
Беғубор паллалар ёдимда.  
Илк севги, илк азоб, илк қўшиқ —  
Чўғи бор яллалар ёдимда.

Юлдузли хаёлга ҳамогуш —  
Тунлар зор бедорлар ёдимда.  
Кокили дор қизлар фаромуш,  
Дили бор дилдорлар ёдимда.

Фаровон пайтимдан йўқ нишон,  
Нотавон дамларим ёдимда.  
Бахтиёр онларим паришон,  
Бешумор ғамларим ёдимда.

Баҳорда ногаҳон қор уриб,  
Сўлмаган гулларим ёдимда.  
Ажални кунда юз бор кўриб,  
Ўлмаган кунларим ёдимда.

Кўзимга тушган хас эсда йўқ,  
Қадримни билганлар ёдимда.  
Сотқин ё ҳар нокас эсда йўқ,  
Яхшилик қилганлар ёдимда.

Адашиб мен ҳануз йўлдаю,  
У тенгсиз имконлар ёдимда.  
Умидлар урчуғи қўлдаю,  
Бу сўнгсиз армонлар ёдимда...

Келган бўлса келгандир ярмига умр,  
Тўлган бўлса тўлгандир ўзан топиб сой.  
Юлган бўлса юлгандир ҳаққини тақдир,  
Билган бўлса билгандир қадрини Ҳумой.

Ўлган бўлса ўлгандир булбул бўлиб дил,  
Бўлган бўлса бўлгандир — шунгами шунча.  
Кулган бўлса кулгандир яримта кўнгил,  
Сўлган бўлса сўлгандир ўттизта ғунча...

### МАЖНУНТОЛ

Тингла мени, тингла, мажнунтол,  
Сочларингга қалбимни ўра.  
Бор-йўқлигим англолмай мен лол,  
Кўзларимдан дардимни сўра.

Кундай жимлик, тундай сукунат —  
Атрофимни ўтар бежирим.  
Бардошимдан айрилар тоқат,  
Мени энди севмайди ҳеч ким.

Хайр энди, хайр мажнунтол,  
Сенга айтдим сўнгги сўзимни.  
Мен ҳам кетдим, сен ҳам яхши қол,  
Мен соянгда юмдим кўзимни...

## ШОИР ҚАДРИ

Қуёш даркор буутли кунда,  
Ой зарурдир қоронғу тунда.  
Инсон қалби тиласа шафқат —  
Шоир қадри билинар шунда.

Қай кун, бошга топилмаса тож,  
Қай кун, зўрлар қолса ноилож.  
Қай кун, ногоҳ оқарганда соч —  
Шоир қадри билинар шунда.

Осмонларда сўнса юлдузлар,  
Ошиқларсиз сўлса гулюзлар.  
Зор йиғласа бекас ёлғизлар —  
Шоир қадри билинар шунда.

Бой ғарибга боқмаса қиё,  
Гўзалликка зор қолса дунё.  
Сўқир кўзлар истаса зиё —  
Шоир қадри билинар шунда.

Юракларни тилса нолалар,  
Дил қонидан унса лолалар.  
Отасидан кулса болалар —  
Шоир қадри билинар шунда.

Доно иши тушса нодонга,  
Филнинг куни қолса сичқонга.  
Қулоқ тўйиб кетса ёлғонга —  
Шоир қадри билинар шунда.

Ман-ман деган тушса отидан,  
Тош отилса дарҳол ортидан.  
Хабар топса асл зотидан —  
Шоир қадри билинар шунда.

Камалакни кўрмаса кўзлар,  
Танимаса ўзини қизлар.  
Эримаса дилларда музлар —  
Шоир қадри билинар шунда.

Армонига етганда одам,  
Етганида кетганда одам.  
Одам йўлин тутганда одам —  
Шоир қадри билинар шунда!..

### ШОИР

Мен айтмоқчи бўлган гапларни,  
Улгурибди айтиб бу шоир.  
Хавасимни гулга ўрадим,  
Армонларим ўзимга доир.  
Менгача ҳам бор экан алам,  
Мендан сўнг ҳам бўлади зоҳир.  
Арисин деб кўнглингиздан ғам,  
Дардга ўзин уради шоир.  
Юрт дардида, Ватан дардида,  
Севгини деб ўлади шоир.  
Уйғонинг деб баъзи-баъзида —  
Фикрингизни бўлади шоир!..

1992 йил 9 февраль

\* \* \*

Ким бўлардим, шоир бўлмасам,  
Амалдорми, балки олимми.  
Савдогарми ёки золимми...  
Ким бўлардим, шоир бўлмасам.

Йўллар турфа. Ўз йўлим ўтай,  
Сиз пул топинг. Мен кўшиқ битай.  
Қизғонаман кўнглимни, нетай,  
Ким бўлардим, шоир бўлмасам.

Хаёл яхши, хаёлда юрдим,  
Умрим бўйи саволда юрдим.  
Ўйламангки малолда юрдим —  
Ким бўлардим, шоир бўлмасам?

Оига боқсам, қарабман-да бир,  
Сизга нима? Суйган мен ахир.  
Сиз куюнманг, куйган мен, ахир —  
Ким бўлардим, шоир бўлмасам.

Сизга бердим ҳавас шаҳрини,  
Менга қўйинг ишқнинг заҳрини.  
Келтирмайлик худо қаҳрини —  
Ким бўлардим, шоир бўлмасам?

Дилдан айтсам, гул рози бўлсин,  
Дардин айтсам, эл рози бўлсин.  
Ким нимадир — ҳақ қози бўлсин...  
Ким бўлардим, шоир бўлмасам.

Мен ўлардим шоир бўлмасам...

## **КҮЗГУДАГИ КИМ**

Күзгудаги ким ўзи,  
Мунча танишдир юзи.  
Иссиқдир қошу күзи,  
Күзгудаги ким ўзи?

Мунча ҳам оғир боқар,  
Хаёли қайга оқар.  
Не ғам дилини ёқар —  
Күзгудаги ким ўзи?

Севган, севилган эди,  
Дили ювилган эди.  
Бахтдан қувилган энди...  
Күзгудаги ким ўзи?

Мұхаббат — хаёл эзгу,  
Алдаяпти бу күзгу.  
Бу мен әмас, ўзга-ку...  
Күзгудаги ким ўзи?!

\* \* \*

Дедим: „Вайрон ёқамиз,  
Ўзни токай ёқамиз.  
Кўнглим менинг, кел энди,  
Умр — дарё, оқамиз“.

Деди кўнглим: „Куюнманг,  
Кўяверинг асти сиз.  
Ишқ жомидан қуинг май,  
Дил аҳлининг масти биз“.

Дедим: „Қара, товланар,  
Чўғдайин оловланар.  
Не мардлар ҳам дунёнинг —  
Ишвасига овланар“.

Деди: „Қизиқ экансиз,  
Айтсин ҳусни сўлганлар.  
Гул бўлурми тикансиз,  
Борми устун бўлганлар“.

Дедим: „Суҳбат қурибмиз,  
Пасту баланд юрибмиз.  
Сўз демоқقا улгурмай,  
Йўл четида турибмиз“.

Деди: „Келдик кўприкка,  
Ўтар меҳр кутганлар.  
Киприк боғлаб киприкка,  
Ёр қўлидан тутганлар...“

\* \* \*

Умр отин гарчи қистарман,  
Бу дунёдан нима истарман.  
Мунча маъюс, мунча музтарман,  
Бу дунёдан нима истарман.

Қайдан келиб, борумиз қайга,  
Бағрим ўйиб, ўхшатди найга.  
Хайём уни алмашди майга —  
Бу дунёдан нима истарман.

Пешвоз чиқар қўлда тош билан,  
Сабрдаман кўзда ёш билан.  
Битта тақдир, битта бош билан —  
Бу дунёдан нима истарман.

Узун тунлар ғамдан безорман,  
Маҳзун кунлар аламга ёрман.  
Мен ҳам банда, мен ҳам начорман —  
Бу дунёдан нима истарман.

Насимийдек хун талаб этгум,  
Мисли Машраб шатталаб ўтгум.  
Бобур каби бош олиб кетгум —  
Бу дунёдан нима истарман...

\* \* \*

Ёр бўлсанг ҳам, жону таним бўлсанг ҳам,  
Ёв бўлсанг ҳам, қаттол ғаним бўлсанг ҳам.  
Учрашганимиз бу ҳаёт — омонат,  
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат.

Кимлар юрар шайтон қўлин ялашиб,  
Кимлар мансаб, кимлар унвон талашиб.  
Савоб тугаб борар, гуноҳ қалашиб,  
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат.

Хар ким яшар имкон қўшиғин айта,  
Йўқотсанг — топмоқни кутмагин қайта.  
Лек ожиз бўлмайлик, кетмайлик майда,  
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат.

Фаришта бўлмасмиз балки эҳтимол,  
Одамдек яашаш ҳам келмасин малол.  
Умримиз -- айвонда айланган шамол,  
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат.

Нетармиз тош отиб, кўнгил оғритиб,  
Бу қисқа ҳаётни яна доғ этиб.  
Яшасак бўлмасми йўлни боғ этиб,  
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат.

Одамзод қанчалар юлиб, йиғмасин,  
Энг аввал қадрини ўйлаб, йиғласин.  
Искандар Қўллари ёддан чиқмасин,  
Мен ҳам ғаниматман, сен ҳам ғанимат...

## ҚҮРҚИНЧЛИ ЭМАС

Бу дунё кимга кенг, кимга тор экан,  
„Ё, худо!“ деганга толе ёр экан.  
Ҳар бошда бир кўрим асли бор экан —  
Кулфатлар мен учун қўрқинчли эмас.

„Сиз устоз“ деганим кўролмас гоҳо,  
Худодан камолим сўролмас гоҳо.  
Йўлимга тош отмай туролмас гоҳо...  
Миннатлар мен учун қўрқинчли эмас.

Кимдир шод — йўл кўйсам ногоҳ хатога,  
Чоҳлар қазир мендек дили адога.  
Қачон дўст бўлибди гадо гадога,  
Туҳматлар мен учун қўрқинчли эмас.

Беайб парвардигор, мен бир бандаман,  
Гоҳ кўнглим билан мен, гоҳо тандаман.  
Не бўлсан Сиз билан шу Ватандаман,  
Фурбатлар мен учун қўрқинчли эмас.

Сернаво булбулман — қўз ёшим бордир,  
Тошда унган гулман — бардошим бордир.  
Шукур, эл дусси — қуёшим бордир,  
Зулматлар мен учун қўрқинчли эмас...

## ДҮСТ КҮРИНГАН ДУШМАНЛАРИМ

Бахтим кулса — қучиб суйган,  
Ич-ичидан асли куйган.  
Йўлларимга тузоқ қўйган —  
Дўст кўринган душманларим.

Ширин сўзлаб қоним ичган,  
Сирларимни ҳар ён сочган.  
Ўлмасимдан кафан бичган —  
Дўст кўринган душманларим.

Аламини ютиб юрган,  
Хатсларим кутиб турган.  
Мени ғамга тутиб берган —  
Дўст кўринган душманларим.

Зериктирап мени дунё,  
Жаннатларда юргум танҳо.  
Ачинаман сизга гоҳо —  
Дўст кўринган душманларим...

## ШАМ

Ип ўтказиб тинмасдан,  
Дард унинг бағрин ўйди.  
Не қиласын билмасдан,  
Армон унга ўт қўйди.

Ёнишга-ку ёнди у,  
Йўқ эди парвонаси.  
Ўзи эди жаллоди,  
Ҳам ўзи жононаси.

Ҳеч кимса қадр этмас,  
Бор-йўғи бир шам эди.  
Кулфат эмас, баҳт эмас,  
Ёниб турган ғам эди...

\* \* \*

Ташқари — қоронги, совуқ — ичкари,  
Ёритсинми, иситсинми — билмас шам.  
Ўзича милтиллар минг йилдан бери,  
Вафодор қоғия ҳамон унга „ғам“...

Қайноқ ёшлар тўкиб ёнади олис,  
Қачон, қандай, нечун ёнганин шарҳлар.  
Тинглаб унинг унсиз фарёдин беҳис —  
Азроил пойгакла ўроғин чархлар...

\* \* \*

Дард ўғлиман, нур бўлди доям,  
Зулмат — ёвим, рўшнолик — фоям.  
Орангизда шам бўлиб ёндим,  
Мени чалиб йиқитди соям...

\* \* \*

Яхшими-ёмонми бўлар чидаса,  
Ҳозирча юрагим ёниб турган шам.  
Умидлар қатими бир кун тугаса,  
Бир парча мум қолар — қотиб қолган ғам...

\* \* \*

Итсан. Буни турсанг ҳам билиб,  
Тан олгинг йўқ ушбу воқени.  
Тақдирми ё йўлини қилиб —  
Эгалладинг маълум мавқени.

Сенга ташлаб тураман суяк,  
Саломимни қилмайман канда.  
Менга сенинг жимишинг керак,  
Бошқа ғараз йўқ эрур манда.

Ялогингни четлаб ўтаман,  
Гарчи хазар ичимда ўлди.  
Сендан фақат кенглик кутаман,  
Итлигингни қилмасанг бўлди...

## ЭЙ ДҮСТ

Эй дуст, олгин, майлига,  
Кўлимдан чолғуларни.  
Чиққин кўнгил сайлига,  
Чорлабон охуларни.

Юлдузларни ҳам бердим,  
Кўкли ул инжуларни.  
Йўлларимдан тош тердим,  
Ютибон огуларни.

Оллоҳ насибинг этсин,  
Сен билган орзуларни.  
Чехрангга гулдай битсин —  
Шодумон қулгуларни.

Дилга солсин муҳаббат,  
Энг гўзал туйғуларни.  
Сенга бермайман фақат —  
Беомон қайғуларни...

## АЙРИМЛАРГА

Сиздан кўнглим тўлмас фақат,  
Сиз туфайли хира шамим.  
Номаълум зот, мавхум хилқат —  
На дўстимсиз, на душманим.

Қадамимдан кўз узмайсиз,  
Тўздирасиз, лек тўзмайсиз.  
Манфаатсиз қўл чўзмайсиз —  
На дўстимсиз, на душманим.

Йигласам, сиз зимдан хандон,  
Севинсам, сиз жигибийрон.  
Сохта ғамхўр, пуч меҳрибон —  
На дўстимсиз, на душманим.

Сиз чўлдаги қоя каби,  
Ўлар пайтим доя каби.  
Гирдимдаги соя каби —  
На дўстимсиз, на душманим.

Сизга менинг айбим керак,  
Сизга керак менинг камим.  
Фариштасиз қораюрак —  
На дўстимсиз, на душманим.

## ҚИТМИРға

Гар қонимда тожик, араб —  
Қони бўлса, недир ажаб.  
Суриштирмам аммо насаб —  
Тилим ўзбек, дилим ўзбек.

Билсин, бўлса кимнинг нози —  
Тарихга биз эмас қози.  
Тақдиримдан менман рози —  
Тилим ўзбек, дилим ўзбек.

Гал миллатда эмас асли,  
Ҳамма эрур Одам насли.  
Ким қизиқса хумор фасли —  
Тилим ўзбек, дилим ўзбек.

Жой талашиб юрманг ёки  
Шевадан лоф урманг, токи —  
Ўзбекроқман сиздан балки...  
Тилим ўзбек, дилим ўзбек.

Ватан эрур ҳаммага тенг,  
У барчадан улуғдир энг.  
Дўстим, феълни айланг сал кенг —  
Тилим ўзбек, дилим ўзбек!..

## **НОМАРДга**

**Нокас, текин таомингдан  
итимга ҳам илинмасман,  
Күёш бўлсанг, пана қолгум,  
майли, зинҳор билинмасман.**

**Чўлда қолсам ташнаи зор,  
музласам ҳам зимиstonда,  
Сув ичмасман кудуфингдан,  
оловингда исинмасман.**

**Сенинг доининг юриб мудом,  
мен-да хорлик кўтар бўлсам,  
Сендан ҳожат сўрмам, vale  
умримга ҳам қисинмасман.**

**Қазойи ҳақ бўлиб сабаб,  
гар қўлингда ўлар бўлсам,  
Жарга отгум ўзимни мен,  
пичоғингда тилинмасман.**

**Шер бўлсанг ҳам ўзинггадир,  
ўзинггадир қашқирлигинг,  
Бобур сўзим, лайча каби  
олдингда ҳеч пусинмасман...**

\* \* \*

Ким ортимдан тош отса,  
Дард кўрмасин, қўллари —  
Гулдан бўлсин иборат.

Ким номимни гар сотса,  
Заркон бўлсин йўллари,  
Пулдан курсин иморат.

Ким қизғонса баҳорим,  
Хазоним истар бўлса —  
Яшил бўлсин боғлари.

Ким хоҳласа озорим,  
Фигоним тилар бўлса,  
Хушнуд ўтсин чоғлари.

Кимни тутса малолим,  
Оғринтирса иқболим,  
Тўкилмасин омади.

Ким истаса заволим,  
Тутмасин ҳеч уволим,  
Букилмасин қомати.

Бир бандаман бечора,  
Ғанимга лутфим чиндан,  
Қалбим ёлғон айтмагай.

Назар айласа зора,  
Ишқида ёнсам, мендан —  
Оллоҳ ўзи қайтмагай!

## ПАНАДА ҚОЛГАН ГУЛ ҚИССАСИ

Боғ ичиди бир туп гул,  
Ўз ҳолиҷа ўса́рди.  
Атрофига уч-тўрт дарахт,  
Ундан кунни тўса́рди.

Кўп вақт пана қолди гул,  
Билмай ўзи кабини.  
Шудринг ювиб юзини,  
Очмай гунча лабини.

На ҳол сўраб кас келди,  
На ҳол айтиб у борди.  
Ичидаги дард билан —  
Охир гуллаб юборди.

Кўринг энди томоша,  
Унга ҳавасда гуллар.  
Дарча қолиб, ғов оша —  
Ошиқади булбуллар.

Турфа рангли ноласин,  
Булбуллар хўп куйлашар.  
Бу қандай гул бўлди деб,  
Сдамлар ҳам бўйлашар.

Дарахтлар турад ҳамон,  
Тўсиб қўёш нурини.  
Ичидан қуйиб борар,  
Билолмай гул сирини.

Бино қўйиб ўзига,  
Гарчи ғавғо солади.  
Улардан-да бир куни  
Қолса — кунда қолади.

Гул эса шунчаки бир,  
Яйраб гулга кирганди.  
Кун кўрмаса ҳам ўзи,  
Илдизи сув кўрганди...

## БИР ҚҮЧҚОР ТҮФРИСИДА

Бу қўрага тиранар,  
У қўрага тиранар.  
Шохини кўкка нуқиб,  
Кўчқорман деб чиранар.

Осмон баланд — бўйласа,  
Боши оғрир — ўйласа.  
Қойил қилмай ҳеч ишни,  
Малол олиб, маъранар.

Унга гап бекор экан,  
Ҳамма ҳам безор экан.  
Ўзи асли бетайнин —  
Дурага(й) қўчқор экан...

## ҚАНОАТ

### I

Тўпни ерга урсанг гар,  
Кўтарилад ҳавога.  
Тепилганча лой пишар,  
Заҳар ярар давога.

Тутуни гарчи аччиқ,  
Олов чиқар учқундан...  
Бошим менинг кўп қаттиқ,  
Хафамасман ҳеч кимдан.

### II

Чап юзимга урсалар,  
Ўнг юзимни тутаман.  
„Инсоф берсин қулига“ —  
Деб нарироқ ўтаман.

Ҳасад гули сўлсину,  
Бад қилиғин ташласин.  
Дўстларим бор бўлсину,  
Душманларим яшасин!..

## **ЭСИЗ ОДАМ**

Кўлсиз қолдим бериб бармоғим,  
Ёниб турар мудом қулоғим.  
Давраларга тортмас оёғим —  
Эсиз одам,  
Эй Сиз, одамлар.

Дил гул эди Сизга аталган,  
Гоҳ топталиб, гоҳи мақталган.  
Ҳар бандига пичноқ қадалган —  
Эсиз одам,  
Эй Сиз, одамлар.

Пошнангиздан кўчирдим музни,  
Юрагимдан ўчирдим изни.  
Аллақачон кечирдим Сизни...  
Эсиз одам,  
Эй Сиз, одамлар.

Эрта бир кун қабримга кирсам,  
Жаннатларда оҳиста юрсам.  
Жим қоласиз термулиб турсам —  
Эсиз одам,  
Эй Сиз, одамлар...

## **БУ ДУНЁДА**

Бордан эмас, йўқдан эмас,  
Очдан эмас, тўқдан эмас,  
Дўлдан эмас, ўқдан эмас,  
Гапдан эмас, дўқдан эмас —  
Кўздан сўлиш мумкин экан,  
Сўздан ўлиш мумкин экан...

\* \* \*

Кўл сўрадим, йўл эмас,  
Сиз тондингиз.  
Дил сўрадим, тил эмас,  
Қизғондингиз.

Гул сўрадим, пул эмас,  
Сиз қондингиз.  
Булбул бўлдим гулнафас,  
Сиз ёндингиз...

## **БЎЛСА**

Бўлса, юрагимда дарзим бор менинг.  
Бўлса, ошиқона тарзим бор менинг.  
Бўлса, яратганга арзим бор менинг,  
Бўлса, яхшилардан қарзим бор менинг...

## ҮШАНДА

Ёш эдим ниҳолдайин,  
Умидлар илдиз эди.  
Дўстим бор — хаёлдайин,  
Осмон ғуж юлдуз эди.

Яланг бўлса ҳам оёқ,  
Дилда йўқ эди ямоқ.  
Ёлғондан қирсам томоқ —  
Йўлбарслар ожиз эди.

Не сулув кокил тараб,  
Йўлимга интиқ қараб,  
Юрарди кўнгил сўраб —  
Юрак тўла ҳис эди.

Бугун ёғлиқдир ошим,  
Ётлар ҳам „қариндошим“.  
Ҳаммага керак бошим —  
У пайтлар ёлғиз эди.

Адашдим, эсиз, ёмон,  
Кўзимни тўсли туман.  
Қаршимдаги ёсуман —  
Ўшанда зўр қиз эди!..

## **ҲАЛИ**

Ҳали келар янгитдан ҳаёт,  
Умидлидир кўнглим дунёси.  
Йўлимга нур бўлди умрбод —  
Муҳаббатнинг сароб сиймоси.

Ҳали кўплар тушуниб қолар —  
Ёлғизликнинг недир баҳоси.  
Яхшилар ҳам нимадан ўлар,  
Шоирликнинг қандай вафоси.

Дил ўзига заҳар ичирап,  
Сигмай кетар тун билан кунга.  
Ўғлим балки мени кечирарап,  
Онасини кечирарап менга...

## АЁЛИМга

Турмуш бу — мушкул савдо,  
Эмас ўйин, биламан.  
Мен-ку, майли, бир адо,  
Сенга қийин, биламан.

Гуллар бердим кимгадир,  
Тутдим баъзан юрагим.  
Лек оқибат барибир —  
Сен ўзингсан керагим.

Гоҳ йигладим, гоҳ кулдим,  
Ёш болага феълим хос.  
Неки кўрдим, ё билдим,  
Ёзавердим рўйи рост.

Баъзан бор бўрттирганим,  
Малол олмагин бироқ.  
Шеър ёзиб, орттирганим —  
Дилда санчиқ, сочда оқ.

Қайдা бўлмай, ким бўлмай,  
Қайтар қўргоним ўзинг.  
Умрим бўйи жим бўлмай —  
Айттар достоним ўзинг.

Эркам бўлиб юрибсан,  
Шунчаки хотин бўлмай.  
Лола гулдай турибсан —  
Ўттиизда ўтин бўлмай!..

## **АРЗИМАС ХУШОМАД**

Бир дилрабо, бир дилкушо, бир дилдорсиз,  
Дилбарлардан дилбарроғим, бетакрорсиз.  
Ўзимга гоҳ ўзимдан кўп Сиз даркорсиз —  
Дилимда гулёрсиз, тилимда алёрсиз,  
Оллоҳга минг шукур, яхши ҳам Сиз борсиз.

Инжиқ найман, аччиқ майман, шарбатимсиз,  
Мен ёмоннинг Сиз яхшиси, улфатимсиз.  
Шўх шодлигим, ширингина ғурбатимсиз —  
Мен топган баҳорсиз, мен чолган анҳорсиз,  
Тақдирга ташаккур, яхши ҳам Сиз борсиз.

Кўнглимда Сиз алоҳида, Сиз донасиз,  
Мени суйиб, кимлар куйди, Сиз ёнасиз.  
Мени ҳатто ўзингиздан қизғонасиз —  
Дардимда беморсиз, раشكимда бекорсиз,  
Азизим, севгилим, яхши ҳам Сиз борсиз.

Гоҳ аламда кўзга илар дур-маржоним,  
Суйиб туриб бағрим тилар меҳрибоним.  
Кеч бўлса ҳам қадрим билар қадрдоним—  
Ўнгимда душворсиз, сўлимда ҳушёрсиз,  
Олдимда, ортимда яхши ҳам Сиз борсиз.

Илҳом-да бу — қўшиғим гоҳ қай маънода,  
Бир гул сабаб янграб қолар чет маъвода.  
Чой дамлайсиз аччиққина иддаода...  
Ичимда қил-торсиз, кечимда чилторсиз,  
Чалганим ўзингиз, яхши ҳам Сиз борсиз.

Ахир асли ғубор йўқдир қалбингизда,  
Номим мудом болдек тотли лабингизда.  
Ўзин асрар жоним игна каби Сизда —  
Қошимда бедорсиз, бошимда ғамхорсиз,  
Анисим, мунисим, яхши ҳам Сиз борсиз.

Сизга чексиз муҳаббатим, ҳурматим бор,  
Йиллар оша васлингизга рағбатим бор.  
Хизматингиз, сабрингизга раҳматим бор —  
Лолайи бехорсиз, жолайи ифорсиз,  
Сиздан минг розиман, яхши ҳам Сиз борсиз.

Билмам ҳали нима бўлар пешомадим,  
Келгани рост Сиз-ла баъзан хуш омадим.  
Сизга менинг бу арзимас хушомадим —  
Кўзимга туморсиз, ўзимга хуморсиз,  
Жон ичра пинҳоним, яхши ҳам Сиз борсиз.

Кўндалангман — Сизга келса неки, ўзим,  
Давлатингиз тахти ўзим, чеки ўзим.  
Сиз гўзалнинг қули ўзим, беки ўзим —  
Ниҳоят ошкорсиз, то қиёмат ёрсиз,  
Бобурнинг баҳтига ҳали ҳам Сиз борсиз!..

## ЛОЛАМСАН

Юзимдаги қизилим,  
Ичимдаги оламсан.  
Үттиздаги қиз гулим,  
Баҳордаги лоламсан.

Ёзлар ўтди, куз ўтди,  
Қишлиар ўтди жонимдан.  
Асал ўтди, туз ўтди,  
Сен кетмадинг ёнимдан.

Гоҳ боқиб ёт боғларга,  
Сендан бўлмадим огоҳ.  
Бағрингдаги доғларга —  
Доғлар қўшдим мен гумроҳ.

Кезиб қанча боғ, қирни,  
Не тоғларда чопмадим.  
Айтай Сенга бир сирни —  
Сендек гулни топмадим.

Сендаги ғунча, япроқ —  
Мендаги кўклам фасли.  
Ўзимдан ҳам мен кўпроқ —  
Сенга ишондим асли.

Тутилмаган Ойсану,  
Кутилмаган рашкимсан.  
Муҳаббатга бойсану,  
Мехрим тўккан ашкимсан.

Номи дилдан кўчмаган,  
Бўғзимдаги ноламсан.  
Оловимсан ўчмаган,  
Кучоқдаги Лоламсан!

## **КЕРАК**

*(Ҳазил)*

**Мен шоир бўлиб, гоҳ шеър тўқишим керак,  
Ҳам эркак бўлиб рўзгор боқишим керак.**

**Шеър тўқиши учун хаёл суришим керак,  
Хаёл суриш учун тинч туришим керак.**

**Рўзгор боқишига итдек чопишим керак,  
Кимга суйкалиб, кимни қолишим керак.**

**Илҳом париси келса, кутишим керак,  
Қўлларини узатса — тутишим керак.**

**Хотиннинг ҳам кўнглига боқишим керак,  
Унга ҳам бир амаллаб ёқишим керак.**

**Ҳам юришим, кўришим, ўқишим керак,  
Ҳам хотиннинг рашидан қўрқишим керак.**

**Ҳам хилватда гоҳ-гоҳда қолишим керак,  
Ҳам доим уйда савлат солишим керак.**

**„Керак-керак“да жонни ёқишим керак,  
Икки дарёда бирдан оқишим керак.**

**Шеър баҳона дилни сал очишим керак,  
Сўнг уйгами, уйданми қочишим керак...**

\* \* \*

Кечиб қанча гирдобдан,  
Панд еб хаси нобопдан.  
Мен ҳаётни шунчаки —  
Ўрганимадим китобдан.

Тилни ҳалво айлади,  
Дилни яғмо айлади.  
Ёру дўстим деганим —  
Мени мулло айлади.

Бағрим айлаб тилимлар,  
Дарс берди бетқалинлар.  
Фақат менга ёқмади,  
Бу шайтоний илмлар.

Иккию икки бешмас,  
Оқ или қора эшмас.  
Кўрганимга ишондим —  
Бўри кўзига ҳешмас.

Қалбим қулоқ солмади,  
Сабоқдан ҳам толмади.  
Минг йил яшадим, гўё,  
Билмаганим қолмади.

Шундай дея юрганда,  
„Билим“ завқин сурганда,  
Жавоб тополмай қолдим —  
Болам савол берганда.

Хуллас, айтсан арзим кўп,  
Устозлардан қарзим кўп.  
Бу ҳаёт мактабида —  
Ҳали чала дарсим кўп!

## НЕ КУНЛАРНИ

Бу кўнгил, бу бош билан,  
Не кунларни кўрмадим.  
Кўзда пинҳон ёш билан —  
Не кунларни кўрмадим.

Чорасиз ҳайрон боқиб,  
Аlamda дилим ёқиб,  
Ёстиққа ёшим оқиб —  
Не кунларни кўрмадим.

Номимни гоҳ сотдилар,  
Ортимдан тош отдилар.  
Қонимни кўп тотдилар —  
Не кунларни кўрмадим.

Зор бўлганда паноҳга,  
Ёлворғанман Оллоҳга.  
Қолиб савоб, гуноҳга —  
Не кунларни кўрмадим.

Малол олдим, олмадим,  
Интилишдан толмадим.  
Билганимдан қолмадим —  
Не кунларни кўрмадим.

Қадр гўё тийин деб,  
Умрми ё ўйин деб,  
Одам бўлмоқ қийин деб —  
Не кунларни кўрмадим...

## **ИЧИМДАГИ ФАРЁДЛАРИМ**

Шеър бўларди чин муқаррар,  
Ўт оларди баётларим.  
Тўкилсайди қоғозга гар —  
Ичимдаги фарёдларим.

Кўрганларим, туйганларим,  
Суйганларим, куйганларим.  
Армонлардан уйганларим —  
Ичимдаги фарёдларим.

Сочимнинг оқ тутунлари,  
Суягимнинг кукунлари.  
Рангу рўйим забунлари —  
Ичимдаги фарёдларим.

Қаритади деворларни,  
Аритади губорларни.  
Сўроқлайди белорларни —  
Ичимдаги фарёдларим.

Аскатади ҳечларимда,  
Вулқон бўлар кечларимда.  
Қолиб кетмас иchlаримда —  
Ичимдаги фарёдларим.

Бор мени ҳам тинглар зотим,  
Танҳо унга муножотим.  
Бир гул бўлар минг бир додим —  
Ичимдаги фарёдларим...

## КҮНГЛИМ МЕНИНГ

Күнглим менинг, оҳ, күнглим,  
Мен фарибман, сен мунглим.  
Ёрим дейми, ё синглим,  
Күнглим менинг, оҳ, күнглим.

Ўзинг борим, йўғимсан,  
Кул остида чўғимсан.  
Тақдирга суст дўғимсан —  
Кўнглим менинг, оҳ, кўнглим.

Майсадан паст эдик биз,  
Сувдан бесас эдик биз.  
Нечун шикаст едик биз —  
Кўнглим менинг, оҳ, кўнглим.

Бизни суйганлар бўлди,  
Биздан куйганлар бўлди.  
Бизнинг ғунчалар сўлди —  
Кўнглим менинг, оҳ, кўнглим.

Қизғониб тоза ҳисни,  
Кўзлагандик олисни.  
Ифво қилдилар бизни —  
Кўнглим менинг, оҳ, кўнглим.

Дард бўлса — олар бўлдик,  
Куй бўлиб қолар бўлдик.  
Худога солар бўлдик —  
Кўнглим менинг, оҳ, кўнглим.

Кўнглим менинг, оҳ, кўнглим,  
Мендан баттар сен мунглим.  
Ё ёримсан, ё синглим,  
Кўнглим менинг, оҳ, кўнглим.

## **КҮНГЛИМГА НУР БЕР**

Тангрим менинг, меҳрибон эгам,  
Балки ҳаддан зиёд гуноҳим.  
Майли, менга зар бермасанг ҳам,  
Кўнглимга нур бергин, илоҳим.

Кўйга тушмас ёлғон аллалар,  
Шеър эмас-да арzon яллалар.  
Тозадиллик армон паллалар —  
Кўнглимга нур бергин, илоҳим.

Фарқ бўлмайин ҳасад сойига,  
Ботиб кетмай кибр лойига.  
Етай дейман аршинг пойига —  
Кўнглимга нур бергин, илоҳим.

Шаъми сўзон — чироқ эт мани,  
Таъма, ҳирсдан йироқ эт мани.  
Шу дунёда сўроқ эт мани!..  
Кўнглимга нур бергин, илоҳим.

Кўхна дунё ичи оладек.  
Яшолсайдим бунда боладек.  
Майли, чўғдек, майли толадек —  
Кўнглимга нур бергин, илоҳим...

## КҮНГЛИМНИ ҚИЗФОНДИМ

Күнгли бўш деб билсалар,  
Алдасалар, юлсалар.  
Зимдан яна кулсалар —  
Ёндим, ичимда ёндим,  
Мен кўнглимни қизфондим.

Кўнглим, дедим, ўксинма,  
Қол ма ўзингдан, тинма.  
Ҳасад боғида унма,  
Тондим, кибрдан тондим,  
Мен кўнглимни қизфондим.

Чалғитар дунё, шуҳрат,  
Ижодда дарду роҳат.  
Ишқ майин ичдим фақат —  
Қондим, шаробга қондим,  
Мен кўнглимни қизфондим.

Боладек соғдил, тоза,  
Қалбда бўлмас андоза.  
Кетди кўкка овоза —  
Жондин ортиқроқ, жондин —  
Мен кўнглимни қизфондим!..

## **СЕВГИ КЕРАК**

Эмасдирман фаришта балки,  
Ўхшамасман малакка.  
Гуноҳкорми муҳаббат ҳалқи,  
Севги керак юракка.

Ишқдан ўзга бўлолмас дармон,  
Мендек жони ҳалакка.  
Бўлса бордир менда бир армон —  
Севги керак юракка.

Ичларимдан келар бир садо,  
Оҳим кетди фалакка.  
Тошдек қотиб бўлмасдан адо —  
Севги керак юракка.

Тингла дилим берган нидони,  
Оллоҳ, етказ тилакка.  
Гўзал кўрмоқ учун дунёни —  
Севги керак юракка...

## БИР КУНИ

Бир куни мен туман каби тарқаб кетаман,  
Қалдирғочлар қанотини парлаб кетаман.  
Карами кенг Оллоҳимга шукрлар айтиб,  
Юраги тор бандалардан чарчаб кетаман.

Мени фақат ўлим севди иддао қилмай,  
На боримдан, на йўғимдан муддао қилмай.  
Банда бурчим ахир нечун мен адо қилмай —  
Ўтдилар ҳам ўтмоқдалар, мен ҳам ўтаман.

Тиригимда қўймадилар ҳолимга мани,  
Кўз тикдилар кўнгил деган молимга мани.  
Дуч этдилар қизғонишдек золимга мани,  
Ўтгандан сўнг бир роҳатга балки етаман.

Кўнглим бори кўнгилсизлик бўлди мен учун,  
Гул деганим тикан чиқиб, сўлди мен учун.  
Дардлар олиб, яна дардга тўлди мен учун —  
Бу кўнгилни энди қайси гулга тутаман?!

Бир куни мен булат каби тарқаб кетаман,  
Ҳаққушларнинг қанотини парлаб кетаман.  
Севдиргану севмаганга раҳматлар айтиб,  
Мени эса севганлардан чарчаб кетаман...

\* \* \*

Умр ўтар, онлари олтин,  
Гоҳи севинч, гоҳи ўқинчли.  
Кунлар нурли, кечалар ойдин,  
Тунлар сирли, тонглар соғинчли.

Маълум эди ёлғончи дунё,  
Ўзим билмам истадим нени.  
Гўзалларда топмадим вафо,  
Алдадилар дўстларим мени.

Кимлар сўзим айтади ёддан,  
Кимлар номим айлар маломат.  
Барчасига тайёрман, зотан —  
Ҳаммасига кўникмоқ — одат.

Бахтли, ким ёр зулфин ечдилар,  
Ғамда — „ишқ муқаллас“ деганлар.  
Мен севганлар мендан кечдилар,  
Мендан жудо мени севганлар.

Лабларимга тортиб табассум,  
Жонларимга тикиб жонларни.  
Дейман: „Ҳаёт гўзал ва маъсум,  
Мен яшайман кутиб тонгларни!..“

## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Салом, Армон! Омонмисан, Фам?  
Дард, бўрмисан, қадрдон дўстим!?  
Меҳр, агар сени тополсам,  
Бутланаарди бутун кам-кўстим...

\* \* \*

Ҳаётда маъни йўқ — асли маъни шу,  
Бефойда таажжуб, бехуда ғингшув.  
Тирикчилик фами — кундалик оғу,  
Умр бу — ўзинг-ла сўнгсиз олишув.

\* \* \*

Таним қолди тақдир чўлида,  
Руҳим юрар Сомон йўлида.  
Қадаҳ бўлсам май тўла, кошки,  
Титраб турсам жонон қўлида.

\* \* \*

Май ичдим, бўлдим ғам дастидан озод,  
Курган-кўрмаганим қилдим бир-бир ёд.  
Дунё — дунёлигин англадим, ҳайҳот,  
Мен майга шогирд-у, май менга устод!

\* \* \*

Мени чорлар — хаёлга чўмсам —  
Ўз вақтини кутиб турган Бахт.  
Етим қолар — ногоҳ кўз юмсам —  
Ўз баҳтини кутиб турган Вақт.

\* \* \*

Ҳар ким ҳам ўзича борар ҳақ томон,  
Бу йўл милён марта ўтиб, қайтилган.  
Айтар сўзимизнинг ярмиси ёлғон,  
Колган ярми эса — бари айтилган...

\* \* \*

У йиғлайди, кулади, яъни —  
Ҳаётидан излайди маъни.  
Шивирлайди баъзан кўзлари —  
„Ёлғиз қолмоқ ҳуқуқим қани?!“

\* \* \*

Оқ қарғаман орангизда мен,  
Гулим йўқдир булбул бўлгани.  
Қай кун сиздек сайрай бошласам,  
Тилдан қолиб кўнглим ўлгани...

\* \* \*

То ҳаётда пайдосан,  
Бўл ҳаётга шайдо сан.  
Билгин: Шоҳсан, гадосан,  
Вақтинг етса — адосан.

\* \* \*

Томчи эдик, пушт бўлдик,  
Сўнгра парча гўшт бўлдик.  
Тақдир хуштак чалди, биз —  
Унда битта „хушт“ бўлдик.

\* \* \*

Фалак иши шундайдир азал,  
Ҳаёт ногоҳ ўтади тугал.  
Кимдир бу дам бошлайди ғазал,  
Кимга шу дам етади ажал.

\* \* \*

Юлдуз учди — кимдир кетди, воажаб,  
Кимдир манзилига етди, воажаб.  
Дунё ўша-ўша: на ортиқ, на кам,  
Келиб, билмам, нима этди, воажаб.

\* \* \*

Бу дунёда шошиб нетармиз охир,  
Белгиланган жойга етармиз охир.  
Хаёт йўлдир. Биз бир эшиқдан чиқиб,  
Бошқасига кириб кетармиз охир.

\* \* \*

Хаёт — ширин олма, аммо азалдан  
Кимга кемтик, кимга нақши етади.  
Қазо вақти етиб келганда бирдан,  
Ўзга қолиб, аввал яхши кетади.

\* \* \*

Тақдир ҳукмин бажо этармиз,  
Манзил гомон тезда етармиз.  
Ранжу қувонч бари бефойда,  
Йўқдан келиб йўққа кетармиз.

\* \* \*

Кўнтил исимайди, қуримайди кўз,  
Айтилмай қолади кутилган бир сўз.  
Ёлғиз тўккан ёшим, чеккан оҳимдан —  
Тун олга бўялар, сияҳ бўлар рўз.

\* \* \*

Сенинг Сенлигингни билмайди дунё,  
Билса ҳам назарга илмайди дунё.  
Бу дунёни қанча писанд айласанг,  
Сени шунча писанд қилмайди дунё.

\* \* \*

Яхшиям турмушни тушунмоқ душвор,  
Ҳали ҳам ақлимиз кўзлари noctor.  
Даҳшатда яшапни истамас эдик —  
Хаётни англасак лоақал бир бор.

\* \* \*

Виждонда ўлчанар инсон ишлари,  
Эрқда асил лаззат, ҳаётдан баҳра.  
Армоннинг мустаҳкам бўлар тишлари,  
Ўлимда бўлади энг сокин чехра...

\* \* \*

Улуг инсонларда бўлмайди миллат,  
Ватан танламайди асил муҳаббат.  
Масофа айирмас яқин кўнгиллар,  
Чин дўстлик билмайди сарҳад ва фурсат.

\* \* \*

Фам кўлининг кўнглиmdir гули,  
Ношукрлик қилмайман фақат.  
Мен худонинг эрка бир қули —  
Дард беради, берар муҳаббат.

\* \* \*

Мен ҳам бир кун етгум ўшал эшикка,  
Ўшал остонаян бир куни ўтгум.  
Белангандай гўё қайта бешикка,  
Туган билмас бахтли оромга кетгум.

\* \* \*

Киёматни тезлар ҳар учган юлдуз,  
Қуёш ҳам тобора тортади хира.  
Қолди ҳақ йўлида сендан қандай из,  
Аллоҳ дафтарида қандай хотира?!

\* \* \*

Муҳаббат — кўнглиминг кўзидағи ёш,  
То сўнгги дамгача йиглайди юрак.  
Озодлик — феълиминг қўйнидаги тош,  
Тега кўрманг унга, ўзимга керак...

\* \* \*

Қайта учраштиrsa бизларни ҳаёт,  
Сен менга қарама, қилма илтифот.  
Кўзингдаги ёшинг яшир, севгилим,  
Бахтинг топган бўлсанг — яшайвергин шод!..

\* \* \*

Боғларнинг офати олов, нор бўлур,  
Тоғларнинг ҳасрати музли қор бўлур.  
Булбулнинг сифати фақат зор бўлур,  
Кўнгулнинг кулфати нодон ёр бўлур...

\* \* \*

Бахт кишини айлайди гадо,  
Ғам кишини айлайди адо.  
Дил қонидан яралгай санъат,  
Дард кишини айлайди худо.

\* \* \*

Дилни ёритгали битта Ой қани,  
Ватан каби тағин битта жой қани.  
Имону ҳимматдан оча кўрма лаб,  
Пулдор кўпу vale битта бой қани?!

\* \* \*

Биз бўлмаган жойда қизикдир ҳаёт,  
Биз бўлмаган жойда бўлак ҳақ-хукуқ.  
Биз бўлмаган жойда ҳар не муҳайё...  
Биз бўлмаган жойда фақат ВАТАН йўқ!

\* \* \*

Инсон умри асли ҳаводаги ўқ,  
Тирик боши ҳамдир, ўлик кўзи тўқ.  
Истак олов, имкон сувдир, вовайло,  
Бахт ҳам бордир балки, лекин ҳаёт йўқ.

\* \* \*

Инсон тилда сўзларни ажиб,  
Билиб-бilmай жарангдош этган.  
ЁШ сўзига негадир КЎЗЁШ,  
Ва ҚУЁШни оҳангдош этган.

\* \* \*

Не қиларға ҳайронман,  
Ҳайронлиқда сарсонман.  
Дўстим учун қиммат-у,  
Фаним учун арzonман!

\* \* \*

Мұхаббат — гўзал туш, унда озодман,  
Дунё дунёсига кўз юмсан, шодман.  
Мени излар бўлсанг, туш кўр, жонгинам,  
Ўнгингда паришон, тушингда ёдман.

\* \* \*

Ўзингга ачинма — аянчли бўлма,  
Хаёт қофиядир, қара бир ўзинг.  
Бу ҳам сенинг сўзинг, бу ҳам ўз сўзинг,  
Ҳаммадек яшама, ҳаммадек ўлма.

\* \* \*

Бу дунёда ҳар ким ўзича ёлғиз,  
Ўзича йиғлайди, ўзича кулар.  
Ўзича кучлидир, ўзича ожиз,  
Ўзича яшайди, ўзича ўлар.

\* \* \*

Гул узардим ҳали кун бўлмай пайдо,  
Кулоғимга етди ажиб бир садо:  
„Танлаб-танлаб гулни узарсан бунда,  
Лекин гулчин эрур аслида худо...“

\* \* \*

Ҳатто муҳаббатдан кўнгил озурда,  
Гарчи қайғу бекор, ғам ҳам беҳуда.  
Киприкдаги кўзёш тўкилмай қолмас,  
Омонат яшадим дунёда жуда.

\* \* \*

Ўлганимда... кулиб туринглар,  
Ўзни тийинг кўзёш, фарёддан.  
Йиғлаб яшаб, ўйлаб кўринглар —  
Кулиб кетдим ушбу ҳаётдан.

\* \* \*

Улгуришим керак, кутмайди руҳим,  
Эрк истаб талпинар жон кушим — кумрим.  
Улгуришим керак. Худо хоҳласа —  
Умримдан кўп узун бўлади умрим...

\* \* \*

Кўзни очдим, йўлим келди кўзимга,  
Кўзни юмдим, кўнглим келди кўзимга.  
Ҳақни истаб, кечдим кулбайи ҳечдин,  
Сўзни дедим, ўлим келди ўзимга...

## **АРМОН МЕНГА**

**На саман армон менга,  
На чаман армон менга.**

**Ёвларим номард, ожиз,  
Мард душман армон менга.**

**Дилу жоним талошдир,  
Пок бадан армон менга.**

**Ҳамдард бўлди жинлар ҳам,  
Ёсуман армон менга.**

**Ёру куй, шеъру илҳом,  
Анжуман армон менга.**

**Ушшоқ аҳлига тумор —  
Бир сухан армон менга!**

\* \* \*

*Расул Ҳамзатовдан*

Эҳтиросли уч тилак, мана —  
Кўнгил гўё оташга тўлар.  
Бир сулувни қучсайдим яна,  
Кейин эса не бўлса бўлар.

Бўшатсайдим яна бир қадаҳ,  
Худо ўзи раҳмимни қиласр.  
Бир шеър яна ёзсан ишқ ҳақда,  
Кейин эса не бўлса бўлар.

Сулув қучдим, аммо негадир,  
Юрак унга бўлмади тутқун.  
Май ҳам гўё bemaza татир,  
Авалгидек шеър сочмас учқун.

Кимдир хабар тарқатибди тез,  
Гап оёқсиз чопади илдам.  
Сўнмиш олов қалбимда бу кез,  
Оқсан эмиш остимда от ҳам.

Мени ўлик рўйхатга қўшиб,  
Фаним бекор тиржайиб кулар.  
Бир сулувни қучаман жўшиб,  
Кейин эса не бўлса бўлар.

Бир қадаҳни симириб яна,  
Шеър ёзаман — ўзим ишонган.  
Ғалабани қилиб тантана,  
Ўқим жойлаб қўйгум нишонга.

Шеърим билан ёқаман юлдуз,  
Совутолмай вақт ожиз қолар.  
Ҳайратларда „воҳ“ деб қоласиз,  
Кейин эса не бўлса бўлар!

## **ЯРИМ ТУНДА**

Кўк — дастурхон, Ой — патир,  
Безовтасан, о, юрак.  
Мен деб кимдир қайдадир —  
Үйғонган бўлса керак.

Нима қилсанг қайтадир,  
Чидар бўлдинг, о, юрак.  
Мени кимдир қайдадир —  
Қарғаган бўлса керак.

Ғамнинг тиши майдадир,  
Санчаверма, о, юрак.  
Мен деб кимдир қайдадир —  
Йиғлаган бўлса керак.

Сув ичсам ҳам май татир,  
Бўлди, етар, о, юрак.  
Мени кимдир қайдадир —  
Йўқлаган бўлса керак...

---

## МУНДАРИЖА

### *Юрагимнинг тубларида қолган Ватан бу*

Эй Ватан .....	4
„Савол бердим ёмғирга...“ .....	5
Худо берган ўзбекка .....	5
Ватан бу .....	7
Ватан надир .....	8
Ватан соғинчи .....	9
„Бухоро амири...“ .....	10
Ватанингни асраб қол .....	11
„Бир кўлингда...“ .....	12
Туморингга арзит мени .....	13
Менга азиз .....	13
„Бу Ватанни кўтармоқ керак...“ .....	14
Ўзбегим йигит-қизлари .....	15
Полвонлар .....	16
Тошкент .....	17
Софиндим .....	18
Бухорони кўрмаганлэр .....	19
Юртим .....	20

### *Мұхаббатсиз қандай яшаш мүмкін*

Ишқ .....	22
„Ғаним ғамим есиллар...“ .....	22
Сиз ўшами .....	23
Сиз .....	24
„Ялиниб, ёлвориб...“ .....	25
Ёри азиз .....	26

„Менинг қийин бахтим...“	27
„Гўзаллар йиғлайди...“	28
„Кўнгил иши кўп мушкул..“	29
Гулга ўхшайсан	30
Булбул хати шикоятдир	31
Осон тутманг	32
„Мехринг мисли...“	33
„Муҳаббат тўрига...“	34
„Сен мени ўзингга...“	35
Алдаганим йўқ	36
Гўзалларнинг муҳаббати	37
„Биллур илиб...“	38
Менга муҳаббат бер	39
„Вужудингда...“	39
„Сиз ёмон бўлгансиз...“	40
„Нолимасман...“	40
„Кетаяпсиз...“	40

### *Aёл зоти — мўъжиза, тилсум*

Бу қалаҳ	42
Ўз ғолибини кутган аёл ҳақида	43
Ёлғиз қолган аёл	44
Эркак қадри	45
Осмон баланд	46
Аёл ошиқ бўлса	47
Кечир, ёрим	48
Бевафо	49
Сўлаёзган гул	50
Аёл макри	51
Қўрқинч бир туш	52
Аёл кўнгли	53
„Баъзида кўнглимнинг...“	53
„Аёл зоти...“	53
Жиннинг ихтироси	54
Фалати одат	56
Мезон	58
„Ҳар эркак ҳам...“	58
Аёл	60

## *Тагин асир этди мени хаёлинг...*

Тушимдаги қиз .....	62
Топгин мени .....	63
Кўмсаш .....	64
Назира .....	65
Уйқудаги гўзал .....	66
Қишлоғингда .....	67
„Бош тебратиб...“ .....	68
Муҳаббат эмас .....	69
Бугун тўйинг .....	70
Сўнгги илтимос .....	71
Кузги гуллар .....	72
„Тушларимга кирасан ҳар тун...“ .....	73
Юрагимда .....	74
„Кунглим, энди қандай юпатай сизни“ .....	75
Нима иши бор .....	76
Атиргулим .....	77
„Сендан на хат...“ .....	78
„Қолгандим ёмғир, қорда...“ .....	79
Насибаҳон .....	80
Гулжанар .....	81
Чимён сулувларига .....	82
Мен севган қизлар .....	83
Тўртликлар .....	84
„Тақдир тоқат...“ .....	85
„Ишқ оғуси...“ .....	85
„Мен учун йиғлагин...“ .....	86
„Муҳаббат, муҳаббат...“ .....	86
„Тун. Сукунат...“ .....	86

## *Буни ҳаёт дейди — унда армон кўп...*

„Кимнинг йўқdir отаси...“ .....	88
Бировнинг уйи .....	89
Бир гўдак ноласи .....	90
Нимага ўхшар булуглар .....	91
Тирноққа зор кўнгил .....	93
„Яратган...“ .....	94

„Киз кўрдинг“ .....	95
Туғилмаган фарзанд .....	96
Онадан эрта етим қолган болалар тилидан .....	97
Онамсиз ўтди тўйим .....	99
Онам қабри .....	100
Асл дўстим .....	101
Кенжа ўғил .....	102
Онамга деб .....	104
„Отаси бор одамнинг“ .....	105
Мехрибон онанг бўлса .....	106
Отани асраш керак .....	107
Гулнинг ёди .....	108
Баҳриддин .....	109
„Жудоликнинг“ .....	110
Хотира .....	111
„Ногаҳон кўзингга..“ .....	112
„Гоҳ ёлғон..“ .....	113
„Кўролмасанг..“ .....	114
„Сен мени англагунча..“ .....	115
Аттанг .....	116
Кўхна ҳикоят .....	117
Инсон ва ит .....	117
Ўқигани .....	118
Икки дўст .....	119
Кўймагайлар .....	120
Аввалгидек бўлмайди .....	121
„Билмам, мени рақиб..“ .....	122
Осмонларни .....	123
Баъзида .....	124
„Булбул майна бўлар..“ .....	125
„Шоирлар гуноҳи..“ .....	125
„Ўзимга ўзимдан..“ .....	125
Ўзимга насиҳат .....	125
„Қанду бол..“ .....	126
Агар .....	126
Дарвеш .....	126
Омади гап .....	127
Эпиграмма .....	127
Манов .....	127

„Барчага бир...“ .....	128
Йўқчилик .....	129
Инсон экологияси .....	130
Тақдир .....	131
Қариганда .....	132
Сочга оқ кўниб борар .....	133
Ҳаёт кўшиғи .....	134
Ермиш .....	135
Фақат ёд қолади .....	136
Кўнтил .....	137
Турналар .....	138
Қалдириғочлар .....	139
АЗИЗ устозлар .....	140
Афзал .....	141
Бу ҳаётда .....	142

### *Қўлда яна севги шароби...*

„Титаник“ .....	144
Ошиқлик .....	145
Мұхаббатда .....	146
„Тортмас эди...“ .....	147
Бир кеча қиссаси .....	148
Ёмғирли тун қиссаси .....	150
Бир мұхаббат тарихи .....	151
Менга ёқмайды .....	152
Меники бўлганингда .....	153
Интизорлик .....	154
Дейман .....	155
Бахти бўл .....	156
„Қайдадир...“ .....	157
„Қўлда яна севги шароби...“ .....	158
„Ичмас эдим...“ .....	159
„Дўст дейми...“ .....	160
„Баҳоримсан...“ .....	161
Ахир, сен борсан .....	162
„Гарчи дилда...“ .....	163
„Қўлларим етмайди...“ .....	164
Найлади ишқинг мани .....	165

Аллади .....	166
Ездим .....	167
Мұхаббат армони .....	168
Жон сүрайди номинт, ёр .....	169
„Ким ишқимга...“ .....	170

### *Күшикларда күнгил бор...*

Умр баҳори .....	172
Чиннингуллар .....	173
Хайр демай .....	174
Адашдим .....	175
Сену менсиз .....	176
„Дунё гузал...“ .....	176
Кечиккан күнгил .....	177
Күргим келар сизни .....	178
„Учрашамиз бизлар...“ .....	179
„Ёнимда Сен бўлсанг агар...“ .....	180
„Икки оққуш...“ .....	181
Кечиккан алёр .....	182
Армон мұхаббат .....	183
Маликам .....	184
Учрашимадик .....	185
Онажоним ҳаёт бўлса .....	186
Ватан меҳри .....	187
Элим .....	188
Юртимиз озод бу кун .....	189
Шу ҳалқ учун .....	189
Омон бўлайлик .....	190

### *Мен яшайман кутуб тонгларни*

„Мен бугун англадим...“ .....	192
Ёдимда .....	193
30 ёш .....	194
Мажнунтол .....	194
Шоир қадри .....	195
Шоир .....	196
„Ким бўлардим...“ .....	197
Кўзгудаги ким .....	198

„Дедим...“ .....	199
„Умр отин...“ .....	200
„Ёр бўлсанг ҳам...“ .....	201
Кўрқинчли эмас .....	202
Дўст кўринган душманларим .....	203
Шам .....	204
„Ташқари — қоронги...“ .....	204
„Дард ўғлимани...“ .....	205
„Яхшими-ёмонми...“ .....	205
„Итсан...“ .....	205
Эй дўст .....	206
Айримларга .....	207
Қитмирга .....	208
Номардга .....	209
„Ким ортимдан...“ .....	210
Панада қолган гул қиссаси .....	211
Бир кўчкор тўғрисида .....	212
Қаноат .....	212
Эсиз одам .....	213
Бу дунёда .....	214
„Кўл сўрадим...“ .....	214
Бўлса .....	214
Ўшанда .....	215
Ҳали .....	216
Аёлимга .....	217
Арзимас хушомал .....	218
Лоламсан .....	220
Керак .....	221
„Кечиб қанча тирдобдан...“ .....	222
Не қунларни .....	223
Ичимдаги фарёдларим .....	224
Кўнглим менинг .....	225
Кўнглимга нур бер .....	226
Кўнглимни қизғондим .....	227
Севги керак .....	228
Бир куни .....	229
„Умр ўтар...“ .....	230
Тўртликлар .....	231
Армон менга .....	238
Расул Ҳамзатовдан .....	239
Яrim тунда .....	240

**Бобомурод Бобур.**

Умр баҳори: Шеърлар/ —Т.: „O'qituvchi“  
НМИУ, 2004. — 248 б.

ББК 84 (5У) 6

**БОБУР БОБОМУРОД**

**УМР БАҲОРИ**

*„O'qituvchi“ нашиёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2004*

Муҳаррир *С. Хўжааҳмедов*  
Бадиий муҳаррир *Ш. Хўжаев*  
Рассом *Шавкат Музаффар*  
Техник муҳаррир *С. Турсунова*  
Мусаҳҳиҳ *М. Иброҳимова*

ИБ № 8450

2004 йил 27 декабрда оригинал макетдан чоп этишга рухсат берилди. Бичими 84×108 1/32. Офсет босма усулида босилди.

Босма т. 15,5. Шартли б. т. 13,02.

Нашр т. 6,88. 5 000 нусха. Буортма №403.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O'qituvchi“  
нашиёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент — 129, Навоий кўчаси,  
30- уй// Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1- уй.  
Шартнома № 12 — 177 — 04.